

ИМО- ИШО- РАЛАР СИРИ



- Ёлғончини қандай аниқлаш мүмкін?
- Қаршынгиздаги инсон ким?
- Жім турған инсон ҳақида
- Инсон хатты-харакатлари
- Імоми



ИМО- ИШОРАЛАР СИРИ



2016

УЎК: 821.512.133

КБК: 88.53

И – 48

Имо-ишоралар сири. Тўпловчи ва таржимон: Даврон Мамарасулов. – Тошкент: «Янги аср авлоди» 2016.
– 144 бет.

ISBN 978-9943-27-766-3

Қаршиңизда турган киши сизнинг сўзларингизни қабул қиляптими? Айни дамда унинг кайфияти қандай? Мазкур саволларга «Имо-ишоралар сири» номли китобдан жавоб топасиз.

Китоб имо-ишоралар, тана ҳаракатлари, юз ифодаси, сўзлаш оҳангини ўрганмоқчи бўлганиларга ажойиб қўлланма бўлади.

УЎК: 821.512.133

КБК: 88.53

Тўпловчи ва таржимон
ДАВРОН МАМАРАСУЛОВ

ISBN 978-9943-27-766-3

© «Имо-ишоралар сири». «Янги аср авлоди», 2016
йил.

КИРИШ

Инсон маълумотни нафақат сўзлар ёрдамида (вербал усулда) бошқаларга узатади, балки имо-ишоралар, мимика, тана ҳолати, ташқи кўриниш, сухбат пайтидаги оралиқ масофа, безаклар, пардоз каби новербал усуллар ёрдамида ҳам ошкор қилиши мумкин.

Биз инсон ҳақидаги маълумотларнинг катта қисмини (80 % атрофида) айнан новербал манбалардан олишимиз исботланган бўлиб, сўзлардан эса умумий маълумотнинг фақатгина 20 % қисмини олишимиз мумкин экан. Кўп ҳолларда новербал маълумот идрокимиздаги «кадр ортида» қолиб кетади, чунки биз уларни ўқишини ва талқин қилишини билмаймиз.

Аксар ҳолларда биз очиқ-ошкор нарсани сезмаймиз: инсон ўзининг норозилигидан огоҳлантириб бошини инкорона бош ирғаса ҳам, биз барибир расман айтилган розилик сўзларига ишонамиз. Бизни табассум билан қаршилаган инсон қўлини кўксига чалиштириб тургани – ўзини ҳимоя қилиш ҳолати эканига эътибор қилмаймиз, бу эса «менга ноқулай, ўзимни ўнгфайсиз ҳис қиляпман» маъносини беради.

Бу китоб имо-ишоралар ва тана ҳарачати тилини, юз ифодаси ва тана ҳолати тилини ўрганишни хоҳлаганлар учун, сух-

батдоши ҳақида у ўзи ҳақида тағирганидан кўра кўпроқ билишга ҳаракат қилувчилар, инсон хатти-ҳаракатининг асл, туб сабаблари сирини очишни, суҳбатдошининг лаҳзалардаги қайфиятини аниқлашни истаганлар учун. Агар сиз фақат ижобий қиёфа ифодалашга ёрдам берадиган новербал белгиларни ишлатиб ўз танангизни бошқаришни, бу билан суҳбатдошингизни ижобий тасаввур ва қайфиятга йўналтиришни ўрганмоқчи бўлсангиз, унда бу китоб сиз учун. Ўз танангиз сизни сотиб қўймаслиги, аксинча сизга иттифоқдош бўлиши учун имо-ишоралар алифбосини синчиклаб, обдан ўрганишингиз, ҳар бир новербал сигнал қандай маъно англатишини яхши билиб олишингиз даркор. Китобни ўқиб, келажакда бу қимматли тажрибадан фойдаланинг. Китобни сизга тақдим ва тавсия этишимиздан мақсад шу.

I БОБ

ИНСОН ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ, ИМО-ИШОРАЛАРИ РУХИЙ ХОЛАТЛАРНИ ИФОДАЛАЙДИ

1-қоида «Мен хаёл суряпман» категорияси ишораларини англаб олиш

*Хаёла чўмлан инсон чинакам
бориқдан узилиб қолади, у
атрофда нима рўй берадётганини
кўрмайди, эшиштмайди, чунки
у ўз хаёлари ва тасаввурлари
оламида юрибди. Унумтмани:
агар одам хаёл суроётлан ёки
ўйга чўмиб турган бўйса, мухим
дамишарни ҳабола соғурманг,
у бў дамишарни баридир
анломайди, эшиштмайди.*

Шуни ёдда тутиш керакки, хаёлга чўмиб турган инсон миясининг энг фаол қисми бош мия ҳисобланади, шунинг учун инсон унга бизнинг эътиборимизни қаратишга ҳаракат қиласи, гўё огохлантиргандай: «Халал берманг – мен ишляпман». Хаёлга чўмган, суҳбатдан чалғиган инсон учун қуйидаги имо-ишоралар хосдир: турли ҳо-

латларда қўллари пешонасида, сухбатдош чаккасини ишқалаши, гарданини қашиши мумкин. Бу каби имо-ишораларнинг яна бир вазифаси бор: инсон шу тарзда бош мия ишининг самарадорлигини оширишга интилади, ўз «фикрлаш аппарати»ни қийин вазифани ечишга созлайди. Турли хил қашлашлар ва ишқалашлар шундай юзага келади.

Ҳаёма дериштан инсонни имо-ишоралардан ташқари, унинг ҳолати ҳам фош қиласди. Оюст Роденнинг «Мұтафаккір» ҳайқасини эсланған: у ияини құмша тираф үттирибди. Агар сұхбатдошиның үчүн дұ кади ҳолатті хос дўйса, у сизнини сұхбатиниңдан қалып, дөшқа дірғон нарса ҳақида үйімд үттириан дўйиши мумкин. Тұмениниң ростыштағы ішонч ҳосам қиши үчүн унинг нілөхіла әйтімдөр қаратыні. Үзек-үзекларда – үз өрзумари ға тасаббурларыда сайр қилип юрган инсон үчүн «дўшишкә ыйналан нілөх» хос. Бұ нілөх маънасыз ға тарқоқ дўйасди.

Фикр суроётган инсоннинг ҳолатига қараб у нима ҳақида үйлаёттанини тахмин қилиш ҳам мумкин. Агар инсон ўнг қўлига

таяниб олган ёки ўнг чаккасини ишқалаёт-
ган бўлса, демак, унинг фикру хаёларида
чап мия ярим шари фаоллик кўрсатмоқда
(мия таъсири зоналарининг кесишма тақ-
симланиш қоидасига кўра), бу ярим шар
инсоннинг мантиқий, таҳлилий лаёқатла-
рига жавоб беради. Бинобарин, айни пайт-
да инсон таҳлил билан банд, уни батафсил
ҳисоб-китобларни талаб қилувчи масалалар
банд қилган. Бу ҳолда инсоннинг нигоҳи
жамланган, бир нуқтага қадалган бўлиши
мумкин. Агар инсон чап қўлига таянган бўл-
са, унда инсон табиатининг ҳиссий жиҳат-
ларига жавоб берувчи ўнг мия ярим шари
фаоллик қилмоқда. Инсон қўпроқ фалса-
фий мулоҳаза юритмоқда, тасавурларга
шўнғиган, унинг фикр-мулоҳазаси аниқ
эмас ва таҳлил талаб қилмайди. Нигоҳи
бир нуқтага қадалмаган, балки аксинча,
тарқоқ, бўшлиққа йўналган.

Агар сұхбатдошингизда шу каби белги-
ларни пайқасангиз, демак, у сизни тинг-
лаш ўрнига ўз ўй-фикrlарига шўнғигани
эҳтимолдан холи эмас. У маълумотларни
қабул қилмоқдами-йўқми, бунга ишонч
ҳосил қилиш учун унга бирон-бир савол
бериб кўришингиз мумкин. Агар жавоб
қайтармаса, билингки, сұхбатдошингиз
чуқур ўйга чўмган. Ё у ўз ўй-хаёларидан
уйғонишини кутиш ёки унга таъсир кўр-
сатиш даркор: қаттиқроқ гапиринг ёки қў-
лингиз билан туртинг.

2-қоида **«Менга қизиқ» категорияси** **ишораларини англаб олиш**

*Айдатта, сұхбатдошиныңда
қанчалик қизиқыши мүнәсті-
шиниңни өмиси мүхим.
Құпинча қизиқтыңниңни бердай
белесінде сохтаға дұлады ға
фақаттана нөбердай мұлоқот
сұхбатдошиныңни қанчалик
қизиқтыңниңни анылаша
ердам беради. Ведбал тарзда
сұхбатдош сабомар беріш,
демаларни ойданылаштириш,
қайтарышиңни сүраға үз
қизиқтыңни ифодаласи мүмкін.
Бирек, ағасуски, дұ қизиқтыңни
юз фоизде күрсатқышы дұла
олмаіди. Сабомар фақат
аңзни хафа қымаслик, расмий
хүшмүемаласликни анылатыши
ға асмада, қизиқыши сабади
дұлмасшы мүмкін.*

Қизиққан инсон, одатда, имо-ишораларни құллашга интилмайды. Бундай киши сұхбатдоши ёки қизиқарлы маълумотта шунчалик берилиб кетиши мүмкінки, оқибатда гапнинг калавасини қўлдан бой бермаслик учун шовқин чиқармасликка ҳаракат қиласи. Синф хонаси ёки ауди-

торияда ўқитувчининг ўқувчилар ёки талабаларга сўзлаётган нутқи қизиқ бўлган пайт хонада чурқ этган товуш чиқмаслиги ҳам бунга далил.

Лекин сухбатдошнинг қизиққанлигини аниқлашнинг бошқа новербал усуллари ҳам бор. Юз берадётган жараёнга қизиқиш туяётган инсон бор вужуди билан маълумот манбаига интилади. Масалан, унинг гапираётган шахс томонга гавдасини энгаштиришини сезиш мумкин: тингловчи унга яқинроқ бўлишга интилади.

*Баъзан инсон юз дераётган
жараёниа ўнучалик бершиб
кеңадики, оқибатда ўз танасини
назорат қилимай қўяди. У оғзини
ёпицини унумтиб қўйиши ёки
қўзларини катта очиб олиши
мумкин – бўлар мимик демисиар
бўлиб, инсон ҳайрон, маҳшиё бўлиб
қолани, максимал дараражада
қизиқиши ҳолатида эканидан
далолат беради.*

Агар сизга юқорида келтирилган «қизиқиши симптомлари»дан биронтасини ҳам аниқлаш насиб қилмаса, дархол тактикани ўзгартириш даркор: сухбат мавзусини ўзгартиринг, нутқ эмодионаллигини (ҳиссий таъсирчанлигини) оширинг. Акс ҳолда, сиз етказаётган хабар сухбатдошингиз учун аҳамиятсиз туюлади ва сизга керакли натижани бермайди.

З-қоида
«Мен сизни ҳурмат қиласман»
категорияси ишораларини
антлаб олиш

*Ҳурмат – дүтүн умр
қозонимини лозим бўлан
ўзаро инсоний муносабатлар
омилиаридан бирдири. Инсоннинг
ҳурмат-эҳтироми ростакам
ёки ёлондакам эканини аниқлаш
осон кечмайди. У сизга чин
кўнишидан қўй чўзмокдами
ёки одатта айланган анъана
юзасиданми?*

Ҳурмат-эҳтиромни ифодаловчи имо-ишоралар унчалик кўп эмас. Сизга бирон ким қандай муносабатда эканлигини аниқлаш учун, у сиз билан қандай сўрашишига эътибор қаратинг. Қўл бериб сўрашиш – жуда қадимий анъана бўлиб, авваллари фақат таомил маъносинигина, келган инсон билан саломлашишнигина билдирамаган, балки инсонлар бир-бирининг ҳузурига ғараз ниятларсиз, қуроляроғсиз келганини ифодалаган. Ҳозирга келиб бу таомил бошқа маънолар билан кенгайган. Сизга ҳурмати бўлган инсон сиздан аввал ёки сиз билан бир пайтда қўл чўзади. У дарҳол қўлини қайтариб олишга ҳаракат қиласмайди: ҳурмат-иззатли қўл бериб сўрашиш узокроқ давом этади. Қўл чўзиб узатилган, зинҳор

тирсак қисмидан букилмаган бўлиши керак. Шу тарзда инсон сизга ноқулайлик туғдирмаслиги даркор, сизни чўзилишга ёки эгилишга мажбур қилмаслиги лозим. Аксинча, у сизга имкон қадар қулай шароит яратишга ҳаракат қиласди.

Хурмат-эҳтиром ишораси сифатида қуйидаги ҳолатни келтириш мумкин: эркак киши оммавий транспорт воситасидан тушаётган аёлга ёрдам учун қўл чўзмоқда. Бу ҳолат ҳам расмий хусусиятга эга бўлиши, фақатгина бу кишининг яхши муомала қоидаларидан хабардор эканлигини билдириши мумкин. Агар бу чин хурмат ишораси бўлса, қўл чўзаётган киши сиз тарафга қарайди ва сизнинг қўлингизни тутиб қолишта ҳаракат қиласди.

*Бошни эици – хурмат
делиси. Инсон бошини қандаи
эяётианига эътибор қаратини.
Хурмат билин боши эииса,
қобоқлар пастла қаратишни
мумкин (бўй кадимда ҳукмдор
шахсларни қарши олиши
анъанасидан қолган одат
бўлиб, улар шу қадар умумбор
ба қудратни бўйланки, одамиар
уларга қаратиш яхъяят
ҳам қишлоғларни пастла
қаратианиар).*

4-қоида

«Мен иккиланияпман» категорияси ишораларини англаб олиш

*Қаңдаій имо-ишоралар, тана
холатлари өз ифодалари
инсон қарор қабул қылышда
иккиланаётганидан дарап
деради? Ү өз дераётгандан
жараёнла хамис баҳо
дересінде тайёр әмасшіні
қаңдаій аниқласа бўлади?
Сұхбатдошиниз сизнинг
фикринизга чиндан қўшишини
дүшина туяяптими ёки йўқми
– сиз бўни осонина ҳисоблаф
билишиниз мумкин.*

Иккиланиш ҳолати – иккиёқлама ҳолатдир. Унинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Инсон бир тарафдан сизни рад қилмади, салбий қарор қабул қилиб бўлгани йўқ, у сизга узил-кесил «йўқ» жавобини бермайди. Бошқа тарафдан, сизнинг далилларингиз ҳали ишонтиришга етарлича асос бўлмаяпти, инсон сизнинг далил-исботларингизга қўшилгани йўқ.

Қарор қабул қилмаган инсон хатти-ҳаракат, имо-ишоралари унинг хәёлчанлиги, у ҳали вазиятни таҳлил қилаётгани ва диққат-эътиборга тўла эканлиги билан характерланади. У ишончсизлик билдириши мумкин. Агар инсон сиз келтирган да-

лилларга шубҳада бўлса, у сизнинг кўзингизга қарамасликка ҳаракат қиласи. Ўнинг нигоҳи хона бўйлаб тентираши мумкин, у дераза томонга қараб олиши, сизнинг далил-исботларингиздан четлашиб, сизнинг қарорингиз ижобий ва салбий жиҳатларини мустақил мулоҳазадан ўтказишга интилиши мумкин. Нигоҳнинг янада хавфли йўналиши – эшик тарафга қараш. Бунинг маъноси шуки, у салбий жавоб беришга чоғланмоқда ва яқин вақт ичида кетишни кўнглига туймоқда.

*Иккиманаётган одамга
атрофдаи дўюмларни саралад
ўйнаш, бармоқлари билин
тинмай пайнаслаш, қашиници
кади фир зайдага тақрорланувчи,
мөнотон ҳаракатлар хос. Бу
ҳаракат, имо-ищоралар қўйи-
даги маъноларга эта: биринчидан,
умар фикрлаш фаолияти билин
бўлишк (одам сизнини дамил-
ларинизни мулоҳаза қилимокда),
иккинчидан, умар сизнини фик-
ринизни чалитища, тани-
тища қаратишсан. Инсон
иккиманици ҳолатида сизга
ва сизнини дамиларинизга
эътиборини жамламайди, унини
ҳаракатлари ва имо-ищо-
раларидага қандайдир тажсаник
ва ҳоблиқмалик дўлади.*

Мана, бу каби имо-ишораларга бир неча мисоллар: қўзини, оғзининг четларини артиш ва сийпалаш, бунинг маъноси шундаки, инсон сизни ёлғонда, сизнинг далилларингизни эса фирибда гумон қилмоқда.

Инсон иккиланиш ҳолатидалигидан далолат берувчи яна бир имо-ишора – бу елкаларини қисиши. Кўп ҳолларда бу ғайриихтиёрий ишорадир. Масалан, инсон сизнинг фикрингизга қўшилиши ёки қўшилмаслиги мумкин, лекин шу орада беихтиёр елкасини қисиши мумкин – бу унинг ўзи қабул қилган қарорга ишончсизлигини ифодаловчи сигнал. Нутқдаги ва новербал хатти-ҳаракатдаги бундай номутаносиблик сиз вазиятни ўзгартиришингиз мумкинлигидан далолат беради. Ҳатто, сухбатдошингиз сизнинг манфаатингизга қарши қарор қабул қилган тақдирда ҳам, сиз унинг фикрини ўзгартириб, ишонтиришингиз мумкин. Агар у сизнинг далилларингизга қўшилиб туриб, шунда ҳам қатъиятсизликни ифодаласа – яъни, елкаларини қисса, сиз унинг қабул қилган қарорига қатъиятини мустахкамлашингиз лозимлигини билдиради. Акс ҳолда, у бошқа шахслар билан гаплашиб кўриб, ўз фикрини ўзгартириб қўйиши мумкин.

5-қоида **«Мен сергакман» категорияси** **ишораларини англаб олиш**

*Агар инсон сиз
тарафиниңдан таҳникани хис
қынса, яғни униа тациланишиниң
мүмкіншілікінің қынса,
униа қаңдағынан күннелсіз мүк
етқазашының мүмкіншілігінан
хабарлырда бўлса, у дархол
нөвердай муддофаа¹ амана
оширишини дошилаиди. Ҳавф-
хатар ҳолати унини сўзларида
умуман акс эттасшиси мүмкін,
лекин у ўзини дошиқача ту-
тишини дошилаиди. Сиз эса уни
кузатиңдан чалимани ۋا шунда
у сиздан хавфсаираёттанини
тушунасиз.*

Инсон қуйидаги маъноларга эга ўзига
хос имо-ишораларни қўллай бошлиайди:
«Стоп. Тўхтанг. Мен бу ерда фириб бор-
лигини сезяпман». Агар инсон қўлларини
кўксига чалиштириб олиб, шу ҳолатда бар-
моқларининг учи ҳар хил тарафга йўнал-
ган бўлса, чўзилиб турган қўли ва кафти
сиз томонга йўналган бўлса, бу сиз тўхта-
шингиз лозимлигидан дарак бермоқда.
Чўзилган қўлнинг бошқа маънолари ҳам
бор: аввало, бу сигнал сиз унинг шахсий

¹ Ўзини ҳимоя қилиш

доирасига яқинлашиш, кириб боришдан маҳрумлигингиздан дарак беряпти, инсон беихтиёр сизларнинг орангизга тўсиқ қўйяпти, бундан ташқари, шу тарзда сизнинг оғзингизни ёпишга интиляпти, сизнинг гапларингизда яширин таҳдид ҳис қиласига.

Сергакланган инсонга ўзгача нигоҳ хос: у сизга тикилиб қарайди, сизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингизни, қўл ишораларингизни бир мақсадда кузатади: мақсад – сизнинг қўлингизда «ханжар» пайдо бўлиш пайтини ўтказиб юбормаслик. Бу «ханжар» рамзий маънога эга: сиз сўзлар ёрдамида унга зарба беришингиз, қалтис ҳазил билан ниш уришингиз ёки қўнгилсиз хабар етказишишингиз мумкин. Суҳбатдошининг сиздан айнан шу сонияни кутмоқда. Агар суҳбатда бир неча киши қатнашаётган бўлса, сергак суҳбатдош нигоҳини жуда тез зайлда бир инсондан бошқасига йўналтириб туради.

*Сиз тарафдан хабф-хатар
түйнусини ҳис қиласига
инсон авбаидан чекинишига ийм
таиёраад тўриши мумкин –
унини тахминлари тўхри чиқсан
тақдирда ва сиз у учун хабф
түдирган тақдиринизда тезда
чиқиши ийшини топа олиши
учун, у доим эшик жойлашиган
тарафга пайдам бўлади.*

Бу каби сигналларни қандай қилиб бартараЕ қилиш мумкин? Инсонда хавф-хатар туйғусини йўқотиш учун сиз уни тинчлантиришингиз, у билан алоқага киришингиз лозим. Биринчидан, унинг сиздан ўзини олиб қочиши ниятига қарамай, унга максимал масофада яқинлашишга ҳаракат қилинг. Хушмуома таъсир кўрсатинг – унга қўлингизни теккизинг, силанг, унинг қўлини билак қисмидан тутишингиз ҳам мумкин. Бу ҳаракатларни шошилмай бажаринг, қўполлик қилманг, акс ҳолда у сизнинг ҳаракатларингизни сиз тарафдан хужум сифатида баҳолаши мумкин. Шошмасдан, етарлича баланд овозда гапиринг-ки, у сизни яхши эшитсин, акс ҳолда у сизни ниманидир яшираётганликда гумон қилиши мумкин. Агар стол атрофида, қарама-қарши ўтирган бўлсангиз, у ҳолда унинг ёнига ўтиб ўтиринг. Агар сиз ўргадаги қарама-қаршиликни бартараф қилиб, тантлик ҳиссини тарқатишга эришсангиз, сизнинг суҳбатдошингиз ўзини эркин тута бошлайди ва суҳбатингиз самара лироқ бўлади.

6-қоида

«Мен муросага тайёрман» категорияси ишораларини англаб олиш

*Муроса ійміни топици –
хөх ошалайі дахс дўлсин, хөх
ищдай сұхбатті ёки шимші
мұнозара, хар қаңдай ғазиятта
хам осон дўйматан ғазиға.*

*Бұндай ғазияттарда сиз
дилан даҳсласуғұчы муросана
тайёр ёки ійқемини күра олици
мухимдір. Инсон үз сұздидан
қайтмасшини айттыб тұрса
хам, унині нөвердәл белгілари
бүнині аксина күрсатиши – ён
дерішің тайёр тұрған дўлиши
мүмкін.*

Агар сиз инсоннинг гаплари ва унинг имо-ишоралари орасида номутаносиблигни сезсанғыз, бу сизнинг керакли натижага әришишингиз мүмкінligидан дарап бермоқда. Сүзлар ва тана ҳаракати орасидаги бу номутаносиблигни күра олиш ва түғри талқын қила олиш ўта мухимдір. Агар муҳолифингиз фикрингизга құшилмаслигиди, сизнинг гапларингизни бемаъни деб ҳисоблашини айтса-ю, лекин бу пайтда бошини тепага-пастта силкиёттган бўлса, демак у сизнинг нуқтаи назарингизни қабул қилишга тайёр ва фақат, ўзига манфаатлироқ келишувга әришиш максадида, ўз қийматини оширмоқда. Агар шундай

ҳаракатларни сезсангиз, унга күнгилчанлик қилиб ўтирмасдан, ўз шартларингизга кўндиришга ҳаракат қилинг, ишончингиз комил бўлсинки, эртами-кечми сухбатдошингиз уларни қабул қиласди.

*Имо-ишораси замикни ӯзи
ҳам имо-ишорадир. Агар өнз
инсонда салбий имо-ишораларни,
масалан, чалқаштиришан қўл-
оёқларни кўрмасак, у сиз билан
яқин масофага муромала қилиб
ӯзини бамайлихотир сезмокда,
ӯзинини шахсий доирасига
осонина киришмокда, бундан
чиқди, ду инсон сизнини нуктани
наазариниизни қабул қимокда.
Аниқроқ айтганда, уни ӯз
тарафиниизга оғдириши учун
уринициларини өтариш өйлди.
Уни рози қишишиниизга озина
фурсат қолди.*

Юз ифодасидаги ва хатти-ҳаракатлардаги осойишталик қарор қабул қилиб бўлган инсонга хос хусусиятдир. Унда ҳеч қандай чалғитувчи ҳаракатлар, имо-ишоралар бўлмайди, юзида хотиржамлик ва уйғунлик ифодаси жам бўлади. У ўз фикрини ўtkазишга ҳаракат қилаётгандек, сизнинг шартларингизга қаршилик қилаётгандек туюлса ҳам, билингки, бу бор-йўти бир расмиятчилик.

Муросага тайёр бўлган инсон баҳсда, тортишувда ўзини бир қадар салобатли тутади, у тушуниб турибдики, баҳс ўз йўлига, лекин у ўзи учун қарор қабул қилиб бўлди. У жуда ишончли тарзда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиши ва руҳан хотиржам бўлиши мумкин, лекин у тушуниб турибдики, барибир икки тарафни ҳам қониктирадиган қандайдир бир қарорга келиш керак.

Сұхдатдошиниз қайси тарафға мөйшишини аниқлаши үчун унини саноқни билдирувчи имо-ищоралариға эътибор қаратини, улар оғаштаға заівори шағирига эга бўлмаса ҳам, даязан айрим тағсилотларни оидинацитириши мумкин. Агар у далилларни сиз тарафға иштагаётган бўлса, демак, у сизнинг фикринизга мөйшилик билдирумокда. Агар саноқ ищоралари тескари тарафға иштагаётган бўлса (у нимирлашатроғдаги буюмларни тўплаштиши, ён-верига сочишиш ётган нарсаларни тўғрилаш, уйид қўйяпти), демак, бу инсон манфаат қидиряпти, унини мақсади музокаралардан максимал даражада наф кўришидир.

7-қоида **«Мен ишончли муносабатларга** **мойилман» категорияси ишораларини** **антглаб олиш**

*Инсон доим ҳам ишонч
өханидаи муносабатларга
шай бўймайди. Одатда, у
кўнишида шудҳа ёки бехузурлик
тумдирғалин инсонларни ўзига
яқин доирага кириғмасликка
харакат қиласди. Новердал
ишоралар ёрдамида инсон сизга
ишонч бандирмокдами-йўқми –
осонина тушуниб олиши мумкин.*

Агар инсон сиз билан етарлича фаол муносабатларга киришаётган бўлса, сиз унинг ишончига кирдингиз ва у сиз билан ҳамкорлик қиласди, деб ўйлаймиз. Бироқ сухбатдошингизнинг сермулозаматлиги доим ҳам унинг ишончини қозонганингизни билдирамайди. Киришимли инсонлар дуч келган инсон билан, у дидларига тўғри келмаган тақдирда ҳам, осонгина муомалага киришиб кетаверадилар. Баъзан фақатгина новербал сигналлар ёрдамида унинг сизга нисбатан асл муносабатини, яъни «ичидагини» билиб олиш мумкин.

Ишончли муносабатларга тайёр инсоннинг хатти-харакатлари сухбатдоши тарафга йўналган бўлади. Ҳар қандай новербал сигнал, хоҳ саноқ ишораси бўлсин, хоҳ унинг тана ҳолати, ҳар тарафга қараб

турган пойабзалининг учи бўлсин, у сиз тарафга қаратади. Барча ушбу белгилар сиз у билан кейинчалик ўз мевасини берадиган алоқаларни йўлга қўйганингизни билдиради.

Диққатингизни ораларингиздаги масофага қаратинг. Агар сухбатдошингиз 70 см гача узоқликдаги масофани сақлаётган бўлса, демак, у одоб-ахлоқ қоидаларини билади ва сизнинг шахсий доиранингизга киришга ҳаракат қилмаяпти. Ёки аксинча, у сизни ўз шахсий доирасига киритмаётган бўлса, сиз унга ёқмаяпсиз. Агар масофа 50 см гача ёки ундан ҳам камроқ қисқарса, сиз сухбатдошингизни ўзингизга торта олганингиз ва унга ёқаётганингиз ҳамда бу инсон қўнглига йўл топа олганингиз учун мақтовга лойиқсиз.

*Агар сухбатдошинниң
миринчи учрашуудаёқ сизга
төртина масдан қўл теккизса,
елканизга қокиб қўйса,
сизниң ўйиндошинниңни
ёки шарфиниңни тўғрилаਬ
қўйса, демак, ўзиниңни
ёқимишик ва дилтөртарлик
хусусиятиариниңга аъло баҳо
қўйшиди, деб ҳисоблаиберини.*

Сиз ишончига кирган одамнинг юз қиёфасида юксак мамнуният акс этади. Ишонч билдиришга шай инсон сизга тез-тез жилмаяди, қолаверса, ўз ҳиссиётларини яши-

риб ўтирмай, очиқ кулади, чунки сиз унга ёқдингиз ва сизнинг даврангизда хижолат чекишга у ўзи учун сабаб кўрмаяпти.

Инсоннинг ишончига кирсангиз, у сизнинг хатти-ҳаракатларингизни қўчириб, қайтариши мумкин. Қўпинча бу ғайрииҳтиёрий равишда юз беради ва унда сизга ёқишга ҳаракат эмас, балки шунчаки сизга бироз ўхшашга хоҳиш пайдо бўлганидан дарак беради. Хоҳласангиз текшириб қўришингиз ҳам мумкин: янги танишингиз билан сухбатда бирон такрорий хатти-ҳаракатдан фойдаланинг, масалан, бармоқларингизни қирсиллатинг. Агар сухбат якунига қадар сухбатдошингиз сизнинг одатингизни ўзлаштиурса, сиз унга ёқиш вазифасини аъло даражада уддаладингиз, бу инсонда яхши таассурот қолдиридингиз.

8-қоида «Мен ҳимояланмоқдаман» категорияси ишораларини англаб олиш

*Ҳимоя имо-ишоралари
инсон тайрихтүйөрүү ёки
ихтийөрүү рафицида сизнин
олдиниңда күркүү ёки айдоғорлык
хиссини түяётганидан
якъол дарак беради. У
сизнини хүжумлариниңдан
ҳимояланишиңа мајсүр ҳолатта,
унини барча нөвердәл синалары
унда ўтказишиңа ҳаракат
қилаётгани таъсирлариниңни
түсүишиңа уриниңдан дарак
беради.*

Ҳимоянинг энг кенг тарқалган ва ёрқин усулларидан бири – күкрак устига чалкаштирилган құллар. Бу сигнал инсонда мuloқотта киришиш истаги йүқлиги, унга ноқулай бўлаётгани, у сиздан ҳимояланишга ҳаракат қилаётганидан далолат беради. Ушбу тоифага яна оёқларни чалкаштириб олиш ҳам киради – инсон гүё оёқ остидаги таянч «ер»ни йўқотиб қўймоқда. Ҳимояга хос тана ҳолатлари: қад тик тутилган, гавда салгина олдинга энгашган, бош қуий солинган, пешона сухбатдош томон йўналган, қўзлар пастга қараган. Инсон пешонасини «зарба»га шайлаб, сизнинг гапларингиздан ҳимояланишга ҳаракат

қилмоқда. Бундай тана ҳолати салбий таъсирни қайтаришга ёрдам беради.

*Жұжумдан яшириң химоя
холатыда әйлан инсон үзининіг
әні орықшы нүктасини яширишиа
харакат қиласы. Эркаклар
«жөнни дебордаш фұтболчи»
пөзасидан фойдаланағылар,
яғни құмаратини киндиқ остила
қөбүштириб олиб, әхтимолай
зарбадан химояланадылар.
Хамма нарсаны юрашила яқын
оладынан құншылған инсондар
құқрак қафасы, хусусан, юрак
қисмини ё құмаратини құксина
чалиштириб ёки үні құмаратини
кафттың билан юрашини түсиб
деркитшиа харакат қиласы.*

Идрок қилиш органи фаоллигига күра инсонларнинг химоя усуллари ҳар хил бўлади: визуал инсон кўзойнак тақиб олади, кўзини қўли билан беркитади, гўёки қуёш нуридан кўзини тўғсандай қилиб кўрсатади; аудиал инсон қалпоғини пастроқ тортиб қулоғини беркитади, узун соchlарини тўғрилаганнамо қулоғи устига туширади, агар у ҳам, бу ҳам бўлмаса, нозик хатти-ҳаракатлар билан қулоғини тўсишга ҳаракат қиласи. Борлиқни ҳиссий идрок қилувчи кинестетиклар сухбатдошга тегишдан ўзини тортиб, масофа сақлайдилар, қўпинча қўлларини чўнтағига

яширадилар, бу билан сиз бераётган маълумотни олишни хоҳламаёттаникларини намойиш қиласидилар. Дунёни кўпроқ хидлар орқали идрок қилувчи инсонлар нозик хатти-ҳаракатлар билан бурнини беркитадилар, одатда рўмолчадан фойдаланадилар, уларда тўсатдан тумов пайдо бўлиши мумкин, бу – тананинг ғайрииҳтиёрий ҳимоя реакцияси.

Инсон сизнинг ҳужумларингиздан ҳимояланиш учун ўрталарингизда кўз илғайдиган ва илғамайдиган тўсиқлар қўяди. Гўёки у иккингиз орангизда девор, ғов қуради. Агар стол атрофида ўтирган бўлсангиз ва сухбатдошингиз қўлига кирган майда-чуйда буюмларни (қалам, ручка, блокнот ва б.) уйиб, тўплаб қўяётган бўлса, бу муносабатларингизда «Буюк Хитой девори» пайдо бўлаётганидан дарак беради. Бошқача айтганда, сухбатдошингиз сиздан ҳимояланишга хизмат қиласидиган, зарурий «мудофаа иншооти» қурмоқда.

*Дебор сифатида бошқа
инсондан ҳам фойдаланишиши
мумкин. Ўзини ҳимоя қила
тўриб, сухбатдошиниң
ораниздаги сухбатта атаялад
учинчи бир шахсни төртади.
Учинчи инсон маълум миқдорда
дебор ғазиғасини ўтпайди,
чунки ўзини ҳимоя қилаётган
инсон учинчи шахс олдида уна
хўжум қимаслиниңзга умиқ*

9-қоида
«Мен хижолат бўляпман»
категорияси ишораларини
англаб олиш

*Инсон нокутилик сезса,
хижолат ёйса, ўзи учун, қилан
иши учун уят ҳиссини тұміса,
фақат дір нарсаны хохлаїғи:
уни атрофдашаар күрмасын
(сезмасын), унда төшімасын. Ү:
«яхшиси, еріа кириә кетсам ҳам
майы», – деган хаёлда ёйлади.
Үни айызлик ҳиссини дір қанча
нөвердай өсітталар, белшиардан
паіқад олиши мүмкін. Бұ
өсітталар билан сұхбатдошиның
ана шу ҳиссиётни никодылаб
яшириши уринағи.*

Инсон уят ҳиссини туйиши билан сизнинг
эътиборингизни ўз шахсиятидан чалғитиши-
га ҳаракат қиласы, бундан мақсад үзининг
хижолат бўлаётганини билдириб қўядиган
очик-ойдин белгиларни сиздан яшириши-
дир. Масалан, юзнинг қизариб кетиши, то-
мир уришининг тезлашиши. У меъёрий
ҳолатта келиши учун вақтдан ютиши, ўз
организмининг ғайриихтиёрий, бошқариш
мушкул бўлган реакцияларини яшириши
истайди. Сұхбатдошингиз тўсатдан бирор
буюмни ушлаб олиши, бирдан ўрнидан ту-
риб кетиши, ўрнини ўзгартириши, айтай-
лик, бу пайтгача стул суюнчиғида осилиб
ётган костюмини кийиб олиши мүмкін.

Уят ҳиссини туйган пайт инсон кўз орқали алоқани узиб қўяди, кўзларини пастга қаратади, унинг нигоҳи бирон-бир буюм томон қадалиб қолади. Унинг имо-ишоралари, ҳаракатларида ҳовликиш акс этади.

А.Чеховнинг «Буқаламун» ҳикоясини эслайлик. Полиция назоратчиси Очумелов хатога йўл қўйди ва ўз сўзларидан хижолат бўлди, у шу заҳоти атрофдагиларнинг эътиборини чалғитишига, уларни гангитишига ҷоғланиб, устидаги пальтосини ёчиб, яна қайта кияди.

Агар инсонда уялиш ҳисси табиатан туғма кучли бўлса ёки айб (гуноҳ) иш қилиб қўйган-у, уни кечиришларига ишонса, унда бошқаларга имкон қадар сездирмай кийиниш эҳтиёжи туғилади. Аслида эса, бу новербал сигналлардан фойдаланишдаги қўппол хатодир. Бироқ сездирмай ҳаракат қилдингиз дегани сизни ҳеч ким кўрмаяпти дегани эмас. Аксинча, сизни кўриб туришади, сезишади, лекин сиз билан гаплашишни кераксиз деб ҳисоблашади, назардан четда қолдиришади ва сиз ўз уят ҳиссингиз билан қоласиз-у, бу ҳис алаҳлаш дардига айланиши мумкин. «Шамолларда қолган ҳисларим» романидаги эпизодни эслайлик: Скарлет ўз дугонаси эрини мафтун қилиб қўйгач, дугонасининг зиёфатига боришни хоҳламайди, лекин Рет Батлер уни боришга мажбурлайди. Қолаверса, энг ёрқин кўйлакни (қирмизи рангли) кийишини сўрайди. Батлернинг мақсади Скарлетни шу йўл билан ўз гуноҳининг аччиқ аламини тортириш эди. Аслида эса, бу кўйлак уни қутқариб қолади: бу уни Мелани

ва Эшли олдидағи құрқувни тарқатиб юборади. Ёрқин кийим инсонда үзига ишонч үйғотади, бу кийимда бизни пайқамаслик мүмкін әмаслигини, нақадар ёрқин эканлигимизни тушунамиз: инсон қандай күрінса, үзини шундай ҳис қылади. Үнғайсиз ҳолаттардан күзга ташланмайдыган кийимдан күра ёрқин кийимда чиқиб кетиш осонроқ.

Үнғайсизлик ҳисси инсонда унинг хижолатини бошқалар сезган тақдирда янада ортади. Шунинг учун унинг бу ҳолатини атрофдагилар сезганда үнғайсизлик түйгуси икки баравар ортади, масалан, юзлари қизарып кетади. Бу ҳолда инсон үз хижолатини яшира олмаётганини тушуниб, янада үзини ийқотиб қүяди. Ҳа, албатта, ғайриихтиёрий реакцияни яшириш жуда қийин, лекин табиатан юзига тез қон югурладыган инсон ҳам бу ноқулайлиқдан усталик билан чиқиб кетиши мүмкін. Күпчилик бундай ҳолатларда қаттық умидсизликка тушадылар, сеҳрли оламда яшамаётганидан, күрінмас қилиб қүядыган сеҳрли қалпоғи ийқлигидан афсусланади. Психологларнинг фикрича, энг муваффақиятли усул үзининг хижолат тортаётганига иқрор бўлишдир: «Кеч қолғанимдан жуда афсусдаман», «Таптортмаслик қилаётганим учун кечириңг, лекин ёнимда чиндан нақд пул ийқ, кафеда менинг ўрнимга ҳам тўлаб юбора олмайсизми?» Үз ҳолатингиз ҳақида тан олиб гапириш хижолат ҳиссингизни зумда тарқатиб юборади. Үз ҳолатингизни вербал, яъни сўзлар орқали изҳор қилинг, ички үнғайсизлик ва хижолатпазлик шу заҳоти ўтиб кетади.

10-қоида
«Мен сизга ишонмайман»
категорияси ишораларини
антлаб олиш

*Ишончсизлик,
шүдхалануўчаник имо-
ишораларини осонина аниқлаð
олици мумкин: дұлар деярі деңгі
салбый хүсусияттар, ҳимояланыци
имо-ишоралари дўлади. Инсон
үз сўзлари билан сизнинг
фикриниизга қўшилан тақдирда
ҳам, унинг ҳолати, юз ифодаси,
имо-ишоралари дүнинги аксини
айттиб тұради, нөвердал тиши
ишининг – у сизга инсоннинг аси
фикриарини очиб беради.*

Ишончсизликни билдирувчи имо-ишораларинг энг кенг тарқалғанлари – қўлларнинг ва оёқларнинг чалиштирилган ҳолати. Инсон бу билан сиз бераётган маълумотни қабул қиласлигини билдиради. Сұхбатдош қулоқларини қимиrlатиши мумкин – рамзий маънода у бу билан сиз унга илаётган «лағмон»ларни туширмоқда.

У тақиқловчи ва огоҳлантирувчи хатти-харакатларни қўллаши мумкин, гүё тушунтироқчи: «Мён англадим, сен мени алдаяпсан, мен сенга ишонмайман». Сұхбатдошингиз оғзини қўли билан тўсиб, ўз хабардорлигига ишора қилиши мумкин, гүё: «Оғзингни юм!» демоқчидай. Бу ишо-

ранинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд: инсон лабларини, оғзини, қулоқларини қашиб қўйиши мумкин. Ишончсизлик-нинг яна бир ишораси – бошини инкор маъносидаги силкиш: у сизнинг фикрингизга қўшилган тақдирда ҳам, тили билан сизнинг нуқтаи назарингизни маъқуллаб турса ҳам, дилида бошқа нарса.

Сухбатдошингиз юз ифодаси ҳам унинг ишонқирамаётганини ошкор қиласи. Юзида ишончсизлик сурати чизилади, қўзларини яширади. У ишончсизлик билан тиржайиши ёки тақаллуфсиз миийғида кулиши мумкин: оғзининг бир чети тепага, иккинчи чети пастта йўналади. Бундай «жилмайиш» сизга ишончсизликдан далолат беради. Сиз гапираёттан гап унга кулгили туюлмоқда.

*Сизниң ёлониниң ошкор
бўлгани ҳақидаи дами, сизни
дироғ фош қилишига ҳаракат
қилимай тақдирда ҳам,
сухбатдошингизга сизниң
устиниңдан афзалик баҳи
этади. Нөвердал тарзда
дум сизга штифот билан
муносабатда бўлиш ва сизниң
шахсиё душранигизга кириши
хочишиниң ийқлиши кўринишида
намоён бўлиши мумкин: «қуийи
табака»га мансуб киши
ёлон сўзлашига жазм қиласи
қадимида.*

Баъзи инсонларда дунёни ҳидлар орқали идрок қилиш ҳисси ривожланган бўлади. Бундай инсонлар ёлғонга ўта сезувчан бўладилар. Улар ёлғонни фаҳмлаб қолганиклиларини бурун катакларининг кенгайиши орқали англатиши мумкин: «Бу ерда қандайдир ифлослик бор, буни ҳис қиляпман».

*Шу қади нөбердал синамарни
қадум қилишиниз билан, уларни
тўйри таҳмия қилин ғўисаниз,
дархол ўз тақтиканизни
ўзгартиришиниз мозим: ё
рост ғаптиришини бошилані ёки
янада кучирик ға ишончирик
дамиларни қўманг. Эҳтимол,
шунда сизнинг нуктаси
назариниз ҳақиқат сифатида
қадум қилинар.*

11-қоида **«Мен қўрқяпман» категорияси** **ишораларини англаб олиш**

*Кўрқинч ҳолатидаш инсон
у парасюндан сакраяптиши
ё кўпчилик олдида нутк
сўзлаяптиши, ўз қўрқувини
ниқоблашга ҳаракат қилади.
У дадиманишини бошилди,
ўзининг қўрқмасини ҳақида
тапиради, шунинг учун қўрқиши
хиссини өвердал демиар,
яъни сўзлардан пайқад олиш
қийин. Сиз фақат у сизга
жўнатпаётган новердал синашмар
формулаларини билишмарга
таяниб еча олсаннозина, унинг
чинакам ҳолатини пайқад
оласиз.*

Қўрқан пайтимизда, одатда, ўз қўрқувимиздан уяламиз. Агар инсон қўрқувни ҳис қилаётган бўлса, у ўзини эҳтиёткорона тутишга интилади, шунинг билан бирга, ўзининг ўз кечинмаларини яширишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам қўрқувни ҳис қилаётган одамлар учун новербал ҳаракатлар формулалари мавжуд бўлиб, бу формулалар деярли ҳамма пайт истисносиз амалиётга мос келади. Қўрқувни ҳис қилаётган инсонлар ўз қўрқувини сўндиришга, дадиллашишга ҳаракат қиласдилар

ва ўзи билиб-билмай новербал сигналларни қўллайдилар.

Қўрқувнинг новербал белгилари – махсус тоифа. Уларнинг умумий жиҳати: инсон қўрқув ҳолатида ўз танасини бошқара олмайди, унга хукмини ўтказолмайди. У бутунлай бесабаб ҳам баланд овозни эшигганда сесканиб кетиши ёки секин айланиб ўтиб елкасига қоқиб қўйсангиз сапчиб тушиши мумкин, бунга сабаб – инсоннинг диққати таранглиги ва эҳтимолки, бирон нарсадан қўрқаётганлиги.

Инсон қандай дўймасин ўзидаи қўрқуб хиссини енишига интишади. Мисол тарикасида: сиз имтиҳондасиз, тарабаиардан бирор күтишмаганда бекордан-бекора баланд оғозда ташришини досшиайди. Бу унини қўрқувни хис қилаётгани, ўзини қўмла ошиши ҳаракат қилаётгани ва ўз вахимасини камайтиришига интишшаётганидан даюлатдиц.

Қўрқув ҳолатидаги инсон бирданига кулиб юбориши мумкин. Ф.М. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романидаги эпизодни эслайлик. Раскольников Порфирий Петрович билан илк учрашувида кабинетта бостириб кириб, қувноқ кулиб кулгили вазият яратишга ҳаракат қиласди, учрашувга ҳеч қандай қўрқувсиз келаётга-

нини намойиш қилишга тиришади. Лекин Порфирий Петрович тажрибали психолог бўлгани учун унинг гумондори юзаки бе-фарқлик ва ёлғондакам жасурлик ёрдамида ўз ҳолатини ниқоблаётганини жуда яхши тушуниб турарди.

Кўрқувни кўнглидан ўтказар экан, инсон ҳуштак чалишни, мусиқа хиргойи қилишни ёки овоз чиқариб қўшиқ айтишни бошлиши мумкин. Бу ҳам ҳаяжонни енгишга бўлган ҳаракатнинг ўзига хос бир йўли. Инсоният фазони забт этишни бошлигаган илк пайтларда ҳам ҳар бир учувчи (фазогир) ўз парвози ўлим билан олишувнинг бир кўриниши эканлигини яхши тушунган. Кейинчалик одамларга «Қаранглар, космонавтлар қандай ботир», – дея кўрсатиш мақсадида парвоз олдидан космонавтнинг ҳар бир қадами камера орқали тасвирга олинган, парвоз олдида турган космонавтларга эса ҳаяжонни, кўрқувни енгиш учун қўшиқ айтиб беришган экан. Фақатгина уларнинг яқин кишилари уларга бундай вазифани уddaлаш қанчалик қийин кечганини тушунгандар. Улар ўзларини ботир ва жасур тутишган бўлса-да, новербал сигналлар, яъни лабларининг титраши, кўзларининг хира ярқирашидан яқин кишилари уларнинг асл ҳолатини англаб, ҳис қилганлар.

12-қоида
«Мен асабийлашыпман»
категорияси ишораларини
антлаб олиш

*Хатти-харакаттар, юз
иғөдаси, тана ҳолатта
қарағ, ү асабийлашаёттіганини
осондана анылаб олиш мүмкін.*

*Инсон үз нұтқини нағорат
қыла олан, үзини құмба олища
харакат қылан, нисбәттан
босиқ іапиртан тақдидре ҳам,
новербал сигналдар үннің ахғолы
дошиқачалыгини бицириб
құйынши мүмкін.*

Қаттық асабийлашаёттан инсоннинг имо-ишоралари, одатда, қуидаги бўлади: атрофдаги буюмларга тегиниш, қашинищ, бирон жойини силаб-сийпаш, текислаш. Шунингдек, кўпинча инсон асаби таранглигини яшириш мақсадида бир хатти-харакатни бошқасига тез-тез алмаштириб туради. Лекин айнан новербал сигналларнинг шундай тез алмашинуви, имо-ишораларнинг турли хиллиги асаблар таранглини фош қиласи.

Агар сухбатдошингиз қўлларини, юзини қашиёттеганини сезсангиз, бу унинг қаттиқ асабийлашаётганидан дарак бермоқда. Бутун тана қичишиши – бу организмнинг физиологик ғайриихтиёрий реакцияси.

Асабийлашган чоғимизда енгил диском-форкт¹ни кечирамиз ва бу қичишиш, титрок, бадан увушиши ёки аксинча, нафас қайтиши каби ҳолатларда намоён бўлади. Стресс² ҳолатида бўлган инсонда, об-ҳаво ўзгармаган тақдирда ҳам, ечиниш ёки кийинишига хоҳиш пайдо бўлиши мумкин. Бундай нонвербал сигналларни сиз қўлдан бой бермас-лигингиз керак. Бундай ҳолларда сухбатдош сизнинг олдингиизда нима сабабдан асабийлашаёттанини тушуниш муҳимдир.

*Асабийлашиши ҳолатидаи
инсон ўз ниюхини бир бўюмта
узек муддат қадаф тўра
олмайди, мунтазам атрофия
аланимаиди, вазиятни баҳолаф,
тебаракка тинмай кўз
юлуртиради, атрофдашиарни
кўздан кечиради. Унини ниюхи
макон ўлчамида адашиб
юради, ўзига манзум-макон
тўна олмайди. Шундай экан,
сиз унини ниюхини тумтиб
алишиниз амри маҳол. Агар у
сизга қараған тақдирда ҳам, бу
қараши узек чўзимайди.*

Имтиҳонда ёки муҳим, лекин унча ёқимили бўлмаган сухбат олдида турган каби ҳолатлардаги инсон ўзини беўхшов тутади, ўзини бошқармай қўяди. Агар унда зарар-

¹ нокулайлик ҳисси

² қаттиқ ҳаяжон

ли одатлар бўлса, стрессни енгиш учун ана шу одатларга ёпишади. Масалан, агар у чекса, сигаретни кетма-кет чека бошлиайди. У тирноқларини ғажиши ёки бармоқлари-га соchlарини ўраши – ўзини босиш учун ҳар хил қилиқ қилиши мумкин. Тирноқ ғажиши – инсон тинмай асабийлашаётгани ва ўзини назорат қила олмай қолганининг белгиси.

Асабийлашишнинг яна бир ёрқин белгиси: бирон жойнинг асабий учиши – тананинг ғайриихтиёрий реакцияси. Кучли ички тажангликдан инсонда мушаклар аввал таранглашади, кейин қисқаради. Агар ҳушёр қарасангиз, суҳбатдошингизнинг қовоқлари титрайди, бу унинг портлаб кетишга тайёр турганини билдиради. Яхшиси, у билан баҳста киришмаган маъқул. Танамизнинг яна бир ғайриихтиёрий реакцияси – терлаш. Агар инсон кўп терлашга мойил бўлса, стресс, қўрқув ҳамда ёлғон ҳолатларида икки чақирим босиб келган спортчига ўхшаб қолади: ҳамма ёғидан тер қуйилади. Шунингдек, «хўл кафт» синдроми ҳам мавжуд: суҳбатдошингиз билан учрашув пайтида унинг асабийлашаётганини қўл бериб сўрашиш чоғида қўллари терлаб хўл бўлганидан пайқаб оласиз.

Мимика ҳам асабийлашаётган инсонни фош қилиб қўяди: унинг афти доим буришиб туради, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида эса, юз ифодалари ўзгарувчан хусусият касб этади. Масалан, агар имтиҳон оловчи ижобий кайфиятда бўлиб, ўз талабаси сўзла-

рига табассум билан жавоб қилса, имтиҳон топширувчи юзига ҳам табассум югурди, бироқ бу тажанг табассум бўлиб, ёкишга ҳаракат қилиш истаги билан боғлиқ бўлади. Агар имтиҳон олувчи талабага умуман қарамаса, талаба юзининг ранги ўзгариши ҳам мумкин: аввал оқариб, кейин қизаради. Бу унинг имтиҳонда йиқилишдан чўчиши ва қўрқаётганидан далолат.

*Агар сиз стресс ҳолатига
тұмисаның, нормал
ҳолатиниңни тиклаð,
ұзиниңни фош қилишдан
сақланиб қолишиниң мүмкин.
Қай тарзда ұзини наzорат
қилиш мүмкин? Аббаламбор,
нұтқиниңни наzорат
қилишдан досманы, ўрта
маромдан чалымасикка
харакат қилині, шунда үз
устиниңдан хукмрониқни
қайтариб оласыз. Агар вазият
хаддан таңқари ёмон ғұлса ба
сизде үз ҳолатиниңни ошкөр
қымаслик қышынник қилса,
төзрок ұзиниңде келиши
харакат қилині, масалан, сизде
құмаратиниңни сиаб-сиаб
құйыши ёргам қилиши мүмкин.
Шунингдек, ұзиниңни досиб
олиш учун «тайм-аут» сўранг.*

13-қоида
«Мен баҳтлиман»
категорияси ишораларини
антлаб олиш

*Үшіндеңдегі нағақат
мамыннайтынның әни оның
құрнишы – баҳт ҳақида,
бақи үмдеман инсоннің яхши
қайфиятты, хүзүр-харабат
ва мамыннайтын ҳис қилиші,
атрофиниң үрад түрлінан
бөрикден хұрсанғасы, ижебий
хиссиеўтіар үстінде сүз бөради.
Қандай қышиғ инсоннің
яхши қайфияттіні нөвердел
синашарта қарағ аниқлашы
мүмкін?*

Әйфория¹ ҳолатига инсон, масалан, узок муддат интилган нарсасига әришганда тушади. Инсон қуидаги каби ҳолатларда баҳтни ҳис қилади: севган инсонидан муҳаббатига ижобий жавоб олганда, орзу қилған университетига ўқишига кирганды, хурматта лойиқ инсондан мақтов әшитганды ва б. Күпинча бундай ҳолларда инсон заиф ва нозик бўлиб қолади, чунки у «очиқ» ҳолатда бўлади. Баҳтлилик ҳолати – бу атроф, борлиқни қандай бўлса, шундайича қабул қилишдир. Бундай вазият-

¹ ҳақиқий аҳволга мос келмаган ҳолда қайфиятнинг күтаринки бўлиши, ўзидан ўзи хурсанд бўлаверишлик.

ларда инсон күпинча ўз танасини бутунлай бошқармайды.

У ишлатадиган имо-ишоралар доимо очиқ бўлади. У алоқага киришишга, одамлар билан мулоқот қилишга мойил бўлади. Инсон ёлғизлиқда ўз баҳт «юқ»ини кўтара олмайди. Унга ёлғизлиқда шунчалар қийин бўладики, у чанқоқ, бош айланишини туйиши мумкин. Баҳт инсонга шунчалик кўплек қиласиди, у ўз баҳтини бошқалар билан баҳам кўргиси келади, шунинг учун ҳам унга дўстлар давраси керак, шунинг учун ҳам очиқ имо-ишоралардан бошқа одамлар эътиборини тортиш учун фойдаланади. Бу ишораларнинг энг кенг тарқалгани – сухбатдош тарафга йўналган кафтлар, ўз билакларини кўз-кўз қилиш кабилар.

*Мимиқат қарааб инсон
ижодий қайғиятда эканини
аниқлаш жуда осон. Кўп
одамлар орасидан дундай
одамни «бесабаб» жисмайицидан
ажратиш олици мумкин – иё
у бир нарсани ёдга солмоқчи:
баҳт семиртирмоқда, у эса бу
шодикни яцира олмаяпти.*

Инсон баҳтли эканини ўзига хос, нур таралиб турган юздан, нигоҳдан фаҳмлаб олиш мумкин. Инсон гўё бу нигоҳ билан бутун дунёни, барча одамларни бағрига босиб кучмоқчидаи, бир сўз айтмай ҳам

уқтирмоқчидай: «Менга қаранглар. Мен баҳтлиман. Орангизда мендан-да баҳтлироқ инсонни топинг-чи!» Баҳтли инсон мунтазам қаршисидаги инсон күзига боқади, ўз баҳтини улашишни хоҳлайди, ўзига ишонади.

Жуда кўп ҳолларда яхши кайфиятдаги инсон сухбатдошининг «шахсий доира»-сини бузиб киради. У саломлашишнинг ўзаро шахсий, дилкаш усулларидан фойдаланади: қучоқлашиш, ўпиб кўришиш. Унга бошқа одамлар билан бевосита алоқа қилиш, бошқаларга тегиниш ёқимли туюлади, у бошқа одамлар ҳам унинг шахсий доирасига киришини хоҳлайди. Бутун борлиқ билан уйғунликни ҳис қилаётган инсон сифатида сезилиб туришни истайди. У ёрқин рангли кийимларни танлаб кияди. Баъзан баҳтли одамда ўзгаришга хоҳиш пайдо бўлади, аввал ўзида бўлмаган нарсаларни, одатий ҳолатда кийиш, тақишишга журъяти етмайдиган нарсаларни кийиб, тақиб кўради: янги замонавий буюмлар, узуклар, зираклар, кўзга ташланиб турадиган пойабзаллар ва ҳ.к.

14-қоида
«Хақлигимга ишончим комил»
категорияси ишораларини
англаб олиш

Үзина ишончи – дұ
нафақат инсон нима ҳақида
іапираёттіани, бақи дұ іапни
қандай іапираёттіани ҳамдір.
Қандай һүткө оханыариғдан
фойдаланмокда, қандай имо-
ишораларни ішілатмокда,
қандай түрибди, қандай
юрмокда, қаёққа қарамокда –
әуіларнің бары қаршыныңда
үзининг ҳақишиша ға күшина
ишонған инсон түріні
хақида ғаёң қилиши мүмкін.
Нөвердал белгілар ёрдамиша
мурожсаат қысансаң, үзина
ишончини қийіналмасдан аниқлад
олышиның мүмкін дўлади.

Үзига ишонған инсонға ёрқин, бевосита, содда хатти-харакатлар хос. Айтайлик, сухбатдошингиз күпинча құлларини қўксига кўйиб турибди, лекин уларни чалиштирамаяпти – бу унинг үзига ишончи, ўз устунлигини ҳис қилаёттанидан далолат. Бундай ишончнинг белгиси сифатида «уйча» ҳолатида қовуштирилган қўллар хизмат қилиши мүмкін. Бундай одам имо-ишораларида асло тажанглик аломатларини қўрмайсиз. Агар үзига ишонған инсон

қўллари билан санаётган бўлса, одатда, у жамоатга, сухбатдошга йўналган бўлади. Кўринишдан у энергия бераётгандай туюлса ҳам, аслида у сизнинг энергиянгизни олаётган бўлади, албатта, сиз кучсизроқ инсон бўлсангиз. Мабодо, сизда ўзингизга ишонч камроқ бўлса, бундай инсонлар билан сухбатдан шикаст топишингиз мумкин, улар сизни ўзининг дадиллиги билан қўрқитиб қўйиши мумкин. Шунинг учун бундай инсоннинг асл чехрасини билиш ва унга қаршилик қўрсатиш муҳим.

*Ўзига ишончининг одатий
ищораси – қўймарни дошигини
орқасида қоғушибириши. Баъзи
инсонлар ду қиликни беагадлик
деёб ҳисоблашадилар. У қўймарни
борича кериб нафақат кўкрак
қисмини бўтумлаш очишига жазм
қиласди, балки еттаричча уят жой
хисобланадиган қўмтиқларини
ҳам кўз-кўз қиласди. Яхшиси,
бундай хатти-харакатдан
тишиши юзим. Даимиликнинг
бундай түри димоғдорликдан
холи эмас.*

Ўзига ишонган инсоннинг сўзлаш тарзи ҳам ўзига хос бўлиб, ўз овозининг имкониятларидан иложи борича фойдаланади. Овоз – унинг энг кучли куроли. Овозини назорат қилишга бундай инсоннинг қурби етади, керак бўлганда овозини кўтариб гапира-

ди, мақсадига эришишга хизмат қилганда пастилатиб сўзлайди. Бироқ аксар ҳолларда унинг овози равон, аниқ, лўнда, сўзлар орасида бироз танаффус бўлади, сўзлаш мароми ўзгармайди. Сўзлар дўмбира дупуридек: «Мен барибир ҳам кучлироқман». Ўзига ишончи камроқ бўлган инсон, ўз сўзи ҳақлигига ишончи комил бўлган тақдирда ҳам, ўзининг ғалабасига шубҳалана бошлайди.

Ўзига ишонган инсон озода кийинади, лекин ортиқча майда-чуйдани ўзига доим ҳам эп кўравермайди. Унинг кийимлари жимжимадор лаш-лушлар, бурма ҳошиялар, ленталар, бантлар ва б.дан холи бўлади. Бундай инсонлар кийиниш масаласида сипо бўладилар. Бироқ рақибни хижолатга қўйишидан тоймайдилар. Масалан, сухбатдошига таъсир кўрсатиш учун баъзи уят жойларини очиб олишлари мумкин.

Бундай инсонлар, одатда, қўзларини лўқ қилиб, тешиб юборгудай қилиб қарайдилар, қўзларини узоқ муддат узмай, инсонни назардан қочирмасликлари мумкин. Агар бундай инсонга сиздан бирор нарса керак бўлса, гўё сизни гипноз қилишга интиладилар: то мақсадга эришмагунча қўзларини сиздан узмайдилар. Агар сухбатдошингиз сизга шу йўсинда таъсир ўтказишга (яъни, кўнглингизга қўл солишга) ҳаракат қилаёттанини сезсангиз, шу заҳоти ўртага бирон тўсиқ қўйиб, унинг таъсирига қаршилик кўрсатишингиз лозим. Яхшиси, бироз муддатга ундан узоқлашинг ёки қора қўзойнак тақиб олинг.

15-қоида
«Мен ранжиридим» категорияси
ишораларини англаб олиш

*Күнни ранжисиан инсонни ү
қандай нөвердәл өсөттөмәрдан
фойдаланаётганига қараң
аниқлаш мүмкін.*

*Күнни ғамишин инсонни ү
қандай нөвердәл өсөттөмәрни
ициатишига қараң аниқлаң
олици мүмкін. Рұхай сиқиши,
дахтесізмік холатини салбай
ба ётиқ имо-ишораларнин
құманияции, атрофдашылар
билин алоқаға киришиши
истакнин ійқлишидан аниқлаң
олици мүмкін.*

Рұхан сиқилаёттан инсон үзини атроф оламдан ихота қилишга, теварак-атрофада гилардан ҳимояланишга ҳаракат қиласы ва бунинг учун ҳимоя имо-ишораларидан фойдаланади: у құлларини күксига чалиштириб олиши, юзини қўли билан түсиши ёки бошини қўйи солиб, қўлига таяб олиши мүмкін. Инсонда алоқаға киришиш учун истак бўлмайди, унинг бутун афт-ангори, кўринишида қўйидаги истак зохир бўлади: «Ҳозир менга тегмаганларинг маъқул. Менинг кайфиятим ҳозир шунчалик ёмонки, агар сиз бирор нарса ҳақида сўрасангиз, мен ўзимни тутолмай қолишим ва сизнинг ҳам кайфиятингизни бузиб қўй-

ишим мумкин». Құллари ёки оёқларини чалкаштириб олган инсон билан муомалаға киришишда доимо сергак бўлинг.

*Рұхан сиқишаёттан инсон
имо-ищораларни имкон қадар
кам ицилатади, чунки унта
энергия етпешмаёттан, у
дармонсизланыёттан бўлади,
имо-ищоралар учун эса кўп
қувват талаб қилинади.
Салбий ҳис-түйнумар тўмиб-
тозилинидан одамнини бўши
жуда онирлашиб кетпандай
түюлади, шунинг учун инсон
бўшини ҳар қанақасина суюб-
тирашила ҳаракат қилиади: у
бўшини кафтиари устшия қўйиб
дам беришси, шунчаки бўшини
дир төмонига энгизтиришиб олиши
ёки қумий солиб олиши мумкин.*

Муаммодан боши қотган инсон қиёфа-
си одатда маъносиз, қизиқишлиардан холи
бўлади. Уни на сиз, на ва сизнинг ишла-
рингиз қизиқтиради. У ўз танасини ҳам энг
қулай ҳолатга келтиришга ҳаракат қилади.
Гап шундаки, рұхан эзилаёттан инсон айни
пайтда рухий мувозанатга эришолмас-
лигини тушунади. Лекин хотиржамлик-
ка эришиш, ўзига ёқимли ҳис бағишилаш
учун у ташқи қулайликка интилади. Ма-
салан, тужанак бўлиб ётган ҳолатда учрат-
сангиз, бу унинг кечинмалари энг юқори

даражада эканини тушунинг. Бу ҳолдаги инсон учун энг қулай тана ҳолати унинг ҳәётидаги энг баҳтли онлар – у она қорнида ҳомила бўлган дамларни эслатади. Агар инсон ўтирган ёки тик турган бўлса, барқарорликка, турғунликка эришиш учун тиргак, суюнчик қидиради, бирор нарсага таянишни, стулга суюниб олишни хоҳлайди. Шундай тасаввур уйғонадики, унинг барча муаммолари унга чинакам босим ўтказмоқда, натижада у ўз танаси оғирлиги сабаб эгилмоқда, у ерга томон әзилмоқда, унинг елкалари қуий ташланган.

*Рұхан әзілаёттан инсон
юз ифодасы унині ҳолатини
оцик-ойдин оцикөр этпіб
түрлади: оғзинині иккі чөті
құмшы түшілан, қобөклари
ярим солиналан, у қиіналиб
харакатланади, ҳатто
іаплашици ҳам унта малол келади.*

16-қоида **«Мен зерикяпман» категорияси** **ишораларини англаб олиш**

*Сұхбатдошиныңни
зәриктіриб құйғаныныңни
бақтыда сезишиниң мұхам.
Чүнки сезишиниң билан
сұхбаттың тұжыртасының
ёки іаптың дөшкә ёққа дүрии
юдоришиниң керак. Айар сизни
қаңдағы әсемтәётіндер, дұ
пайтда сұхбатдошиның үз
иғодаси қаңдағы эканни,
ү қаңдағы имо-ишораларни
ишилтәётіндер ға қаңдағы
холатта үтпіртанға жылдыр
қаратсаның, сиз билан
сұхбат үнің мамнұнның дахш
этептімі ёки Ыйқми – демақол
аниқлағ олишиниң мүмкін.*

Зерикаётган, бепарво, ҳиссиз нигох, лоқайд тана ҳолати, ҳафсаласиз чехра, бўшашган жағ, бироз солинган қовоқлар – булярнинг бари зерикиш аломатлари. Сұхбатдошингиз эснаганини сездингизми? Демак, сиз сұхбатдошингиз кўнглини чоғ қилолмаяпсиз. У бундай ишорасини ниқоблаши ёки тийишга ҳаракат қилиши мумкин. У қўли билан оғзини беркитса, бундан чиқди, унинг сабри тутамоқда ва сизни эшитишга бошқа тоқат қилолмайди.

Зериккан инсон ухлаб қолмаслик учун ўзини чалғитишга ҳаракат қиласы. Мисол учун, аслида умуман керак бўлмаса ҳам, ёнидаги бирор буюмни қўлига олади. Шунга қарамасдан, бундай буюмлар ягона чалғиши воситаси: у буюмларни саралаши, қўлида айлантириши, иргитиб ёки бошқа тарзда ўйнаши мумкин. Шунингдек, сухбатдошинингиз бирор китоб ёки журнални вараклаши ҳам мумкин, гарчи унинг ичидан бирор нарсани қидиришга хоҳиши бўлмаса ҳам. У қоғозга бир нималарни чизиб ўтириши мумкин. Агар сизни эшитар чоғида тинмай ёзиб ўтирган бўлса ва бу гапларни батафсил, ипидан итнасигача қоғозга тушираётган бўлса, айни пайтда бошини умуман қутармай фақат ёзиш билан машғул бўлса, бу ҳам бир сигнал: у ҳатто гап нима ҳақида кетаётгани устида бош қотиришга ҳаракат ҳам қилма-япти, ёзиб ўтирганининг сабаби – ўзини бирор нарса билан банд қилиб чалғитмоқчи.

*Сухбатдошиниң бердай
фаоллик кўрсатишга (сўзамолик
қилишига) ҳаракат қилиши
мумкин: сабоялар беради,
иатиниңни маъқулаш туради.
Лекин ду дойим ҳам унинг аниқ
қизиқаётганидан даюлат
беравермайди. Унинг нутқидаши
суст маром ба оғозидаши
кучсиж оҳанилардан у сухбат
мағзусига дефарқ эканишини
түшунниб оласиц.*

Сиз билан сұхбат инсонга мамнунит бағишиламаёттанини унинг новербал тарзда ифодаланадиган, олдингиздан кетишга бўлган истагидан англаб олишиниз мумкин. Бу ҳақида қуидаги сигналлар далолат беради: сұхбатдошингиз тинмай эшик томон қарайди, оёқларининг учи, тана гавдаси эшик томон йўналган бўлади. У атайлаб ўзининг папка ёки сумкасига ҳадеб ёпишиши, унинг замогини ҳадеб тортқилаши, папка ёки сумкани ҳадеб очиб-ёпиши – буларнинг барчаси унинг ҳар дамда кетишга тайёрлигидан дарак берувчи зерикиш аломатлари. Ҳар дамда кетишга тайёр бўлиб турганини билдириш учун сұхбатдошингиз кўзойнагини ечиб, ғилофига солиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, у сизни етарлича эшилди, сизнинг далилларингиз тушунарли бўлди, энди сиз сұхбатни якунлашингиз ёки қизикроқ масалага ўтишингиз керак.

Агар инсон зерикса, у ўзи учун қулайроқ тана ҳолатини танлайди, тиргак, суюнчиқ қидиради, у бўшашган, сизнинг сўзларингизга эътиборсиз. Агар у ўтирган бўлса, унинг зерикканини стол устига «ёйилиб кетаёттани»дан сезиш мумкин. Тана ҳолати – эътибор даражасининг кўрсаткичи. Бўшашган ҳолатдаги инсон маълумотни қабул қилишга қодир эмас.

П БОБ

ЁЛГОНЧИНИ НОВЕРБАЛ СИГНАЛЛАРДАН ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

17-қоида
Сергак тортиңг,
унинг «оғзи мустаҳкам»!

*Ёлонни аниқлағ олиш осон
эмас, айниқса? ёлон гапириувчи
маҳоратши бўлса. Лекин сиз
унини оні ости жўнатпаётган
синасиарга жуда жытисбори
бўлсаниз, ғазифани қийнаимай
уддалайсиз.*

Ёлғончини, у қанчалик ўз ёлғонини яширишга интилмасин, барибир аниқлаб олиш мумкин: онг остидан келаётган, имо-ишораларда юзага чиқадиган микросигналлар ва унинг сўzlари орасидаги новувофиқлик уни сотиб қўяди.

Инсон шундай дастурланганки, унинг ёлғонга бўлган реакцияси доимо салбий, ҳатто бу ёлғон ўзига тегишли бўлса ҳам. Инсон ёлғон гапириб туриб, айни пайтда мутлақо хотиржам бўлиши асло мумкин эмас. «Кўзингта тик қараб ёлғон сўзлайди» деган иборани эсланг. Албатта, бу иборада моҳир ёлғончи, ўз уйдирмасини ниқоблашни уддалайдиган, ўз танасининг

ғайриихтиёрий реакцияларини бошқара оладиган инсонлар ҳақида сүз боради. Лекин тажрибали ёлғончига дуч келган тақдирингизда ҳам, инсон ёлғоннинг барча аломатларини яшира олмаслигини унутманг.

*Агар сұхбатдошиның құмины
юзға яқынлаштырыш ғанаң дөңиң
имо-ишораларни құмлаёттан
бұлса, оғлаң әмбилициның лозим:
унині дүнида қаңдаісір салойі
кечинма бўлади. Бу – шудха,
ищончсизлик, нохуыш сези
бўлиши мумкин. Лекин күп
холарда бу ҳақиқий, чинакам
дамини бўрттыриш ёки ифт
ёмон бўлади. Агар сұхбатдоши
ифт ёмон сўзлаёттан бўлса, уни
сизга қайси имо-ишоралар фоши
қилиши мумкин?*

Биз бошқа одамлар ҳақиқатдан йироқ гап сўзлаётганини кузатганимизда ёки кўрганимизда ёхуд ўзимиз ёлғон сўзлаётганимизда оғзимизни, кўзларимизни ёки қулоқларимизни беркитишга ҳаракат қиласиз. Оғизни қўл билан «ҳимоя қилиш» ёлғондан дарак берадиган ноёб очик ишоралардан бири. Қўл оғизни беркитади, бош бармоқ эса юзға тақалган бўлади, шу ҳолатда у айтилаётган сўзларни ушлашга сигнал жўнатади. Баъзи инсонлар бу ишорасини ниқоблаш учун сохта йўталиб қўядилар. Агар бундай имо-ишора сух-

батдошингиз томонидан нутқ жараёнида қўлланса, бу унинг ёлғон сўзлаётганидан далолат беради. Лекин у сиз сўзлаётган, у эса эшитаётган пайтда оғзини беркитса, бу сизнинг ёлғон сўзлаётганингизни сезиб турганини билдиради.

*Ўз дўрнига қўм теккизиши эса,
аффали имо-ищоранини янада
кучни, никобланган турдиш.
Бу ищора бир неча енни қўм
теккизишиарда намоён дўмиши
мумкин ёки қўлини биринча тез,
дэярни сезимайтиган ҳаракати
билин дўрунга телишида
юзала чиқади.*

Бу имо-ишорани қўйидаги тарзда изоҳлаш мумкин: ёлғон сўзлаётган одамнинг бурун учидаги нерв толаларида қичишиш пайдо бўлади ва қашиш зарурияти туғилади. Сухбатдошингиз сизни алдаётганини сезган тақдирингизда, ундан айтган гапини қайтаришни ёки гапларига ойдинлик киритишни сўранг. Бу усул ёлғончини ўзининг маккорона ўйинини давом эттиришдан воз кечишга мажбур қиласи.

Агар инсоннинг кўзлари тинмай пирираб турса, у ёлғон сўзлаётган бўлиши мумкин.

18-қоида **«Онг ости» ҳамиша** **ёлғонга қарши**

*Ҳаттаки тажрибали ёлончи
хам үзининг онги остини назорат
қилишига қодир эмас. Онги ости,
одатда, ёлонни фош қилади.
Шунинг учун онги остидан
келаётган микросигналари
жуда эътиборли дўшиш зарур.*

Инсон танасининг чап тарафига назар солинг. Айнан чап тараф – чап қўл, чап оёқ, юзнинг чап қисми – чинакам, асл хис-туйғулардан сўзлайди. Бунинг сабаби оддий. Гап шундаки, хис-туйғуларни ёлғон пайтида назорат қилиш жуда қийин. Агар инсон ҳийла ишлатаётган бўлса, унинг кўнглида безовталик бўлади, бу безовталик яққол ёки яширин бўлиши мумкин. Лекин шундай сигналлар ҳам борки, инсон қанчалик ҳаяжонини ниқоблашга интилмасин, қандайдир тарзда бу сигналлар ҳаяжонни сошиб қўяди.

Бундай сигналларни сиз инсон танасининг чап тарафидан излашингиз лозим. Тананинг ўнг қисмини назорат қилиш бирмунча осонроқ. Биз қўпинча ўнг тарафимизда нима юз берадётганига эътибор қаратамиз. Масалан, юмшоқ қилиб айтганда, агар ўнг қўлимиз ўзини «ёмон» тутаётганини, яъни асабийлашганимизни ёки ёлғон сўзлаётганимизни билдириб қўяётганини сезсан, уни тинчланишга мажбур-

лашимиз осон. Лекин танамизнинг чап қисми доим ҳам шуурий, яъни онг билан назорат қилишга бўйсунавермайди.

Олимлар ўтказган тадқиқотлар буни шундай изоҳдайди: тананинг чап ва ўнг қисмлари миянинг бошқа-бошқа ярим шарлари орқали бошқарилади. Чап мия ярим шари нутқ ва интеллектуал (ақлий) фаолиятни, ўнг мия ярим шари эса ҳис-туйғулар, тасаввур ва сезги фаолиятларини назорат қиласиди. Бошқарув алоқалари кесишган, яъни крест кўринишида амалга ошади: чап мия ярим шарининг фаолияти тананинг назорат қилиш осонроқ бўлган ўнг қисмида акс этади. Шунинг учун инсон бошқаларга намойиш қилишга интиладиган барча ҳаракатлар унинг танасининг ўнг қисмида, ҳақиқатда бошдан кечирадиганлари эса чап қисмида акс этади.

Демак, ёлғончини қандай новербал сигналлар фош қилиши мумкин? Агар сухбатдошингизнинг чап қўли тинмай пала- partiш «алжираётгани»ни сезсангиз, яъни доира ёки бошқа шаклларни маъно-мантиқсиз ҳавода чизаётган бўлса, сухбатдошингиз сиз билан етарлича очиқчасига гаплашмаяпти, чап қўл шу тарзда ўз хўжайинини сотиб қўяди. Шунга монанд тарзда, хўжайинининг «асл афт-башара»си ҳақида унинг чап оёғи ҳам «чақимчилик» қилиб, тупроқ ёки асфалътда чизиклар ва бошқа маъно-мазмунсиз элементлар чи-зиши мумкин.

19-қоида **Күриш контактини узманы**

Сұхбатдошиның самимій сұзлаятыми-йүкми – унині күзларға тиқ қараң аниқлада олишиниң мүмкін. Айар сұхбатдошиның күзларини яшираёттан дұлса, бұ унині сұзларға ёмөн яциринганинің иш белисидір.

Сұхбатдошингизнинг асл յозини күришни хоҳласанғыз, баъзи майда тафсилоттарни ҳисобға олишингиз даркор бўлади. Сұхбатдошингиз нигоҳини таҳлил қилиш чоғида унинг күзларини қай томонға олиб қочаётганига эътибор қаратинг. Ёлғончи бир мақсад пайида бўлади – сиз унга ишонишиңгизни истайди. Шунинг учун у кўзини пастга қаратмайди, балки бошқа тарафға олиб қочади. Сиз унинг ҳийласига лакқа тушган-тушмаганингизга ишонч ҳосил қилиш учун эса, у баъзида сизга қараң қўйиши мүмкін. Сұхбатдошингиз күзларини қуи қаратганда эса, сиз билан сұхбат чоғида унга ноқулай бўлаётган, у тортиноқлик қилаётган бўлиши эҳтимолга яқинроқ. Агар сұхбатдошингиз күзларини тепага қаратса, у мулоҳазага берилгани, ўйланиб қолганидан дарак беради.

Сұхбатдошингизнинг сиз билан гаплашиш чоғида ҳақиқатни сўзлаётганига шубҳалансанғыз-у, бұ учун далилларингиздан кўнглингиз тўлмаётган бўлса, чин

хақиқатни билиш учун терговчилардек тажриба ўтказинг. Суҳбатдошингизга бир дақиқа мобайнида тикилиб қараб туринг. Агар у сизнинг нигоҳингизга чидаса, кўзи-ни олиб қочишга ҳаракат қилмаса, у сизни алдамаяпти. Агар у сизнинг нигоҳингиздан қочишга ҳаракат қилса, кўзларини яшириш учун жой қидирса, унинг ҳийла ишлатаётгани эҳтимолга яқин.

*Суҳбатдошиниң кўзлариша
тиқ қараши осон эмас. Сиз
ўзиниз ўзинизни нокулай,
ўнгаисиз сезишиниз,
хижсолат тортишениз,
нигоҳинизни чётка олиб
қочишиниз мумкин. Агар
кўриши контактини узмасдан
ушилаф туромасаниз, айёрона
иёл тутини: нигоҳинизни
суҳбатдошинизни дўрни
учина қаратини. Шунда
сиз унга унини кўзига қараф
тургандай туюласиз. Шу иёл
билаҳ сиз ёлончини аниқлаф
олишиниз мумкин, албаттла,
унини ўзи бундаи усулардан
хабардор бўймаса ба сизни чуб
түширишига ҳаракат қиласа.*

Инсон ёлғонни бошқа тарзда ҳам яшириши мумкин. Тажрибали ёлғончиларнинг машхур найранги қуидагича: сух-

батдошнинг нигоҳига бардош бериш учун организм талаб қилганидан кўра кўпроқ кўзларни пирпиратиб туриш. Шу йўл билан виждон унчалик пок бўлмаса, узоқ ва қаттиқ тикилган нигоҳга ҳар қанча дош бериш мумкин. Бундай фаол кўз учишларига сергак бўлинг.

Ёпончиар ишиатадиган хийалардан яна ғири – «айёона нигоҳлар». Ёпончи сизнинг нигоҳинизга бардош бериш учун атаяй кўзларини қисиёлади. Бу бақтда у сертакалмушлиқ билан тиражайизи, дилидашиб чинакам мақсадини яшириб, сизни чалиштирига ҳаракат қилиши мумкин.

20-қоида Эмоция¹ларни чап тарафдан қидиринг

*Бұйымда инсон юзининің
нағорайтының бір қадар қийинроқ
бүйінші – чап юз ҳақида
аудың борауды, мимик реакциялары
қарағанда аниқлау үйінші
маълумот берилады.*

Рассомлар ва фотографларга аввалдан маълумки, инсоннинг юзи асимметрик бўлади ва натижада юзимизнинг чап ва ўнг тарафлари ҳис-туйғуларни турлича ифодалайди. Юзнинг чап қисмидаги ҳиссиётларни яшириш қийинроқ. Ижобий ҳис-туйғулар юзнинг иккала қисмида деярли бир хил ифодаланади, салбий ҳис-туйғулар эса чап тарафда аниқроқ акс этади. Инсон ҳис-туйғуларининг самимилиги ҳақида, одатда, ҳис-туйғуларнинг юздаги ифодасининг симметрияси сўзлайди. Сунъийлик қайдаражада кучли бўлса, чап ва ўнг юздаги мимика шунчалик фарқланади. Бир сўз билан айтганда, агар юзнинг бир тарафи иккинчисига нисбатан кўпроқ қийшайса, инсон аниқ ёлғон сўзлаётган бўлади.

Сизда сухбатдошингиз сўзлари ростлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, унинг юзининг чап тарафига эътибор қаратинг. Агар унинг мимикасида диссонанс² ва дис-

¹ ҳис, туйғу, ҳиссиёт; руҳий (ички) кечинма

² носозлик, уйғунсизлик, мос эмаслик

гармония¹ сезсангиз, бу унинг самимийликдан йироқлигидан дарак беради. Масалан, инсон сизга жилмайиб қарайпти-ю, сиз унинг оғзининг чап бурчаги ўнг тарафдагига нисбатан тепага камроқ күтарилиб турганини, табассумдаги асимметрияни сездингиз. Бу сұхбатдошингизниң носамийлиги, тили ва дилида бошқа нарса борлигидан яққол дарак бермоқда. Бундай табассумни эса, илжайиш, иржайиш, мийигида қулиш деб атаймиз. Бунинг ўзига хос маъноси бор: рақибингиз сиз унинг хукмида эканлигиниз, қўлингиздан ҳеч нарса келмаслигига ишора қиляпти.

*Яна дір мисол, атар
сұхбатдошиныңниң дір қоши
дір текис ёйшиш түриәди-ю,
айни пайтда иккинчи қоши
(одатда, чап тарафи) дірөз
күтариштан ба қаншарига
етишиб түриәди. Бу ҳам
сұхбатдошиныңниң ёион
сўзлаёттанидан дарак беради.*

Билиб туриб ёки билмасдан инсон юзининг чап тарафини яшириши мумкин. Айттайлиқ, атайлаб сиз томонга ўнг тарафи билан туриб олди ва бу билан «сотқин» чап тарафини яширди. Бундан мақсад сиз унинг ғайриихтиёрий реакцияларига қараб унинг ёлғонини сезиб қолмаслигингиздир.

¹ ҳамоҳанг эмаслиқ, носозлик, гармониянинг бузилиши ёки йўқлиги

Яна бир қанча нозик мимик хусусиятларга қараб инсон алдаётганини билиб олиш мумкин. Буруннинг учига эътибор беринг: ёлғончи бурнининг учи қимирилаши, у бурнини четга буриши мумкин.

*Инсоннинг жилемайици унини
нилоҳина қанчалик мослиши
жътийдор қаратини. Агар инсон
кулаётган дўйиса-ю, унини
кўзлари куламаётганини
сезсаниз, димишлики, у димида
сиздан ниманидир яширмокда.*

21-қоида **Ғайриихтиёрий** **реакцияларни кузатинг**

*Инсон ўзини қўмла олиб,
ўз танаси устидан назорат
қилишини дўшилаши, ўз қўл
харакатлари, имо-ищоралари,
тана ҳолати ва юз ифодасига
эҳтиёти бўшиши мумкин.*

*Шундай бўйса-да, организмнинг
ғайриихтиёрий реакцияларини
яшириши жуда қийин. Айнан
умар ёюнни, ҳатто энг
тажрибали ёюнчинини
ёюнларини ҳам фоши этиши
мумкин.*

Айнан организмнинг ғайриихтиёрий реакцияларига қараб ёлғон детекторида уйдирма ва рост гаплар фарқланади. Сиз ҳам, агар сухбат жараёнидаги ушбу ғайриихтиёрий реакцияларни пайқашни ўргансангиз, озми-кўпми детектор хусусиятларини эгаллашингиз мумкин. Детектор меъёрдан энг кам фарқланувчи ўзгаришларни сезади, масалан, пульс ўзгариши (одатда тезлашиши), нафаснинг сустлашиши. Бундай кўрсаткичлар орқали инсон рост гапирияптими ёки ёлғонми – осон аниқлаш мумкин.

Ёлғон детектори ёрдамисиз рост гапни қандай аниқлаш мумкин? Ғайриихтиёрий реакцияларга қуидагилар киради: юзнинг қизариб ёки оқариб кетиши, пульс-

нинг тезлашиши, нафас олишнинг секинлашиши. Томир уришининг энг сезиларли зоналари – қўлдаги, билакдаги вена томирлари ва артериялар. Одамда пульс ўзгарганини яна унинг галстути пульсация бериши (охиста тебраниши)дан ҳам билса бўлади.

Инсон қизарса ёки оқарив кетса, бу ҳам унинг сиз билан носамимий гаплашаётганидан дарак бериши мумкин. Шунингдек, одамнинг оқарив кетиши унинг қўрқувидан (фош бўлгандаги қўрқувдан) дарак бериши ҳам мумкин. Кўп ёлғон гапириб ўрганмаган инсонда юз ранги кўз ўнгингизда тез ўзгариши мумкин: у дам қизарса, дам оқарив кетади.

Ёлғон сўзлаётган инсон кутилмаганда нафаси қайтиб кетиши мумкин. Унинг нафас олиш мароми ҳаво етишмаслигидан тезлашади. Алдамчи инсонларга томоқнинг спазматик (сиқилувчан) ҳаракатлари ва тупукни рефлектив (беихтиёр) ютиш хусусиятлари хосдир. Ёки аксинча, фош қилишларидан қўрққанидан унда қаттиқ ҳаяжон туфайли томоқ қуриши юз бериб, у сув сўраши мумкин. Барча ушбу ғайриихтиёрий реакциялар алдамчиликда кўп ҳам тажрибага эга бўлмаган, қаттиқ ҳаяжонланаётган инсонга хос. Агар бордию суҳбатдошингиз тажрибали алдамчи бўлса, буни аниқлаш осон кечмайди. Бундайлар кам ҳаяжонланади, организмининг ғайриихтиёрий реакциялари камроқ сезилади, шу сабаб унинг ёлғонини аниқлаш учун кўпроқ уринишингизга тўғри келади.

III БОБ

ҚАРШИНГИЗДАГИ ИНСОН КИМ: РАХБАРМИ ЁКИ БҮЙСУНУВЧИ ХОДИММИ?

22-қоида Бошлиқнинг қўллари

*Одамларни бошқаришига
одатланган инсоннинг қўл
ҳаракатлари ўзига хос
бўлади. Нөвербаи синамар
ёргамида у фурда «катта»
эканлишига, унга қуюк солишири
лоғимлишига ишора қилади. Унинг
дарча хатти-ҳаракатлари,
қўл имо-ишоралари лидерлик
(пешкадамлик)ни қўмла олишига
қаратилиган бўлади. Агар унинг
қаршисида кучсиз рақиб бўлса,
у осонина мақсадига эришиади.
Бундай мухомифла қарши
түриши учун унинг таъсирини
кучсизлантириш усуларини
ўзлаштириши лозим.*

Лидерликни қўлга олишга интиладиган инсонни унинг қандай саломлашишидан, сўрашиш пайтидаги қўл чўзишидан аниқлаб олиш мумкин. Агар у қўлинин олдинга чўзса-ю, унинг қўли юқорида қолса, демак, у устунликка одатланган ва ўз кучини намойиш қилишга интилмоқда.

Мухолифингиз томонидан берилган бундай босимга қандай қаршилик қўрса-тиш мумкин? Сиз чўзилган қўлнинг билагидан маҳкам тутиб, уни силкиб қўйи-шингиз мумкин. Ҳукмронликнинг бундай ифодасини кучсизлантиришнинг янада енгилроқ кўриниши мавжуд. Сиз чўзилган қўлни иккинчи қўлингиз билан юқори та-рафдан ёпишингиз мумкин.

*Қўл дериб сўрашиши
жараёнида пешқадамлиқ учун
кураши кечади. Бу кураашда
қўлини узокроқ тұмтиб
тұрган инсон ютади, діринчі
төртіб олан инсон ютқизади.
Бошқарувға одатланған инсонда
«хиппа ғўниши» – жуда маҳкам
ба узок қўл қисиши одати хос.*

Лидерликни қўлга киритишга шайлан-ған инсон имо-ишоралари аник, қатъий ва лўнда бўлади. Унинг атрофидаги одамларни бошқаришга интилиши қўйидағи имо-ишораларда намоён бўлади: унинг қўлида қандайдир буюм бўлади, «раҳбар» уни қўр-саткич таёқча сифатида ишлатади. Бу ручка, қўзойнак ёки исталган бошқа предмет бўлиши мумкин. У ёрдамида сухбатдошингиз ма-нипуляция қиласи, муҳим сўзларга ишора беради. У ўқитувчи ролида, атрофидагиларга қандай ҳаракат қилиш, қандай йўл тутиш, қандай ўзини тутиш ҳақида тушунтирадиган билимдон сифатида ўзини кўрсатади.

Инсон ўзининг афзаллигини ҳис қилаётгани ҳақида маънодор имо-ишора дарак беради: унинг қўллари қўкрак устида қовуштирилган, бош бармоқлари тепага қараган ҳолда. Ушбу икки ҳисса сигнал, бир жиҳатдан, сизга бўлган салбий муносабатни, бошқа жиҳатдан, сизнинг устингиздан афзаллик ҳиссини билдиради. Сизнинг устингиздан хукмронлик ҳиссини туяётган сухбатдош қўлини қовуштирган ҳолда бармоқларини устма-уст айлантириши мумкин. Агар у тик турган бўлса, бу пайтда у пошнасида тебраниши мумкин. Бу ҳам ўзига хос устунлик ҳолатидир: инсон ўзига шунчалик ишонмоқдаки, ҳатто оёқ учи ёки товонда туришдай ноқулай, омонат ҳолатлардан ҳам қайтмаяпти.

Ҳаддан зиёд ўзига ишончни ва сизнинг устингиздан хукмронликни ифодаловчи яна бир имо-ишора – қўлларни орқага қилиб, билагини ушлаб олиш. Қатъий ишонч ва ўзидан мамнунлик белгиси сифатида қўлларнинг «уйча» ҳолати ёки қўлларни бошнинг орқасига қовуштириб олиш намоён бўлади. Суҳбатдошингизнинг димоғини пасайтириб қўйишининг бир неча йўллари бор. Сиз олд томон энгашасиз ва сўрайсиз: «Кўриб турибманки, бу сизга маълум». Агар бу таъсир қилмаса, унинг мағрур тана ҳолатини нейтраллаштиришга уриниб кўринг. Масалан, унинг эътиборини бирон расм (сурат)га қаратинг, савол беринг: «Сиз буни кўрганмидингиз?» Бу уни ўз ҳолатини ўзгартириб, сиз томон энгашишга мажбур қиласди.

23-қоида
Юқоридан ташланган
назар (кеккайган нигоҳ)

*Үз сұхбатдоши үстідан
ағзалик ҳис қилаёттан инсон
унда дөшкінде назар ташлауды,
яғни юқоридан, кеккайиð. Үз
ағзалишини ү бир қанча
мимик ифодалар ёрдамида
намоён қиласы.*

Юқоридан ташланадиган назарнинг сұхбатдошлар бўйи ўртасидаги фарққа алоқаси йўқ. Пастакроқ бўйли, лекин ўз кучига арслондек қатъий ишончга эга бўлган инсон қаршисидаги бўйдор, аммо ўзига ишончи камроқ инсонга бошлиқ қўл остидаги инсонга қарагандай нигоҳ билан разм солади. Бу нигоҳ замирида бир қатор пешқадамлик хусусиятлари, ҳаётдаги омадилик, эҳтимолки, юқори амал-мансаб аломатлари бўлади.

Ўз қадрини биладиган инсон нигоҳи қандай ўзига хосликларга эгалигини ойдинлаштириб оламиз. Биринчидан, у сизга кўз қири билан қарамайди. У учун сиз эътибор қаратиб ўтиришга арзимайдиган бир пиёдасиз. Шунинг учун, одатда, ўз устунилигини ҳис қилаётган инсон қовоқлари ярим осилган, кўз кесиклари ингичка бўлади. Бундай нигоҳ билан у ўз сұхбатдошини бир миқдорда менсимаётганини изҳор қиласи. Баъзан бу бошқа маънога ҳам эга бўлади: сизнинг имкониятларингизга бўлган шубҳа.

Агар сиз лидер билан таниш бўлмасангиз, унда у сизга назар ташлаши ҳам амри маҳол. Дастлаб сиз унинг эътиборини қозонишингиз, бирон йўл билан унинг эътиборини тортишингиз керак бўлади. Лекин ишончингиз комил бўлсинки, у сиз қанчалик хавфли рақиб эканлигингизни билиш мақсадида сизни ўрганади, сизга баҳо беради, сизга зимдан қарайди.

Ўз кучига ишонган инсон юзида доим қандайдир бир қолипдаги юз ифодаси акс этади. У сиз билан учрашганда табассум қилиши мумкин, лекин бу табассум, одатда, расмий тусда бўлади. Бу табассум инсоннинг сиз билан учрашувидан пайдо бўлган самимий шодлигини билдиrmайди, балки афзаллик, такаббурлик, баҳолаш, ишончсизлик белгиси бўлади. Жилмаяр экан, сұхбатдошингиз лаблари икки тарафга кенгайиши мумкин, лекин лаблар бурчаги тепага кўтариilmайди, фақатгина ҳар тарафга чўзилади.

*Манмансиралан, бошқаришиа
ўрганилан одамларга зерикаётлан
ниюҳ хос бўлади. Сиз
иитимосиниң ёки фикриниң
моҳиятини баён қиласар экансиң ёки
унини оғина қандаидир тақлиф
тасиасар экансиң, сұхбатдошингиз
ўзини түё қизиқмаётландаи
тұмтищи мумкин, сұхбат
дағомида у атрофдаи өазиятни
ўрганиши мумкин.*

24-қоида Шижаатли қадамлар

*Үзил ашынан инсоннинің
қадам бөсілшісі, юриши үзіншілік
тағдасини тұмтиши ҳам бөшқача
бұллады. Аял инсон ҳақида күп
нарса сұзлағ бөрүвчі мана шу
мухим нөвердәл синнашарға
жетісінде қаратадынан бұлсаншыз,
одиншызда ким түри болып –
рахдар ёки бұйысуну үбчі
ходим, бұны дарроған аниқлағ
омициниш мүмкін.*

Қадам ташлашда феъл-атвор яширин-дир: инсон қандай ҳаракатланишга одат-ланган бўлса, шундай юради. Масалан, у нима бўлишидан қатъи назар, кўзлаганига эришадиган, тутган жойини узадиган инсон бўлса, демак, у дадил, илдам, қўлларини силкитиб юради. У шунчаки сайр қилиб юрган бўлса ҳам, секин юрганини деярли кўрмайсиз, бунга сабаб у ҳамма нарсани шитоб юриб бажаради, унда шунчаки имиллаб сайр қилишга вақт бўлмайди. Бундай инсон оёқларини кенг очиб қадам босади. У доим шижаатли, мақсади томон юриб боради ва икки қадам билан унга етади.

Одамларни бошқариб ўрганган инсон ўз танасини ҳам бошқаришга ўрганган бўлади. У басавлат юради, унинг қадамлари дадил, равон ва бир текис, ҳамма ҳара-

катларида ўзига ишонч ва аниқлик сезилиб туради. Агар унинг йўлида қандайдир тўсиқ-ғов (кўлмак, лой) чиқиб қолса ва албатта, унинг устидан (сакраб) ўтиб кетиш имкони бўлса, уни айланиб ўтишни хаёлига ҳам келтирмайди. Аксар ҳолларда у сакраб (ошиб) ўтади. Чунки у ҳаётда ҳам ҳар қандай қийинчиликлардан ошибб ўтади.

Сусткаш, қатъиятсиз қадам ташлаш бутунлай бошқа хил феъл-атвордан дарак беради. Одатда, бундай инсон бўйисунишга одатланган, у батартиб, эҳтиётлик билан юради, унинг қўллари кийими чоклари бўйлаб чўзилган бўлади. У қуруқроқ жойларни танлаб юради, башарти асфалът устида каттароқ қўлмакка дуч келса ҳам, уни узокроқдан айланиб ўтишга ҳаракат қиласди. У мунтазам атрофга разм солиб юради, қўпинча зарурият эмас, балки одат юзасидан шундай қиласди. У ҳамиша хавф-хатарни ҳис қиласди. Бундай одамларда, одатда, гавдани тутишда нуқсон бўлади: тананинг букчайган ҳолати. Бундай қадам ташлаш осон йўлларни қидирадиган ва осойишта, осуда ҳамда бешикаст ҳаётга интилган инсонларга хос.

25-қоида **Хис-туйғусиз юз ифодаси**

*Мұбаффақият қозөнған
инсонда үзіла ишонч ҳиссі
түшиады. Одағыда, үзіла
ишонған инсонлар тажрибами,
күпнің күрін өз күп бишима
әзі әйнады, айнаң шұнинің учун
уларнинг юз ифодасыда бір
қадар осойицтапшыл акс жағдай.*

Бошқарув соҳасыда тажрибали ходим имо-ишоралар тили ва новербал мұлоқот белгилари унга зарап келтириши мумкинligини, унинг чин далил-баҳоналарини фош қилиб қўйиши мумкинligини билади. Айнаң шунинг учун бундай инсонлар юз ифодасидаги сигналларни ўта эҳтиёткорлик билан ишлатадилар, чунки улар инсоннинг бошдан кечирғанларини баён қиласы. Улар ўз мимикаси, яъни юз ифодасини бошқаришни уддалайдилар ва сиз камдан-кам ҳолларда уларнинг юзида чин ҳиссиётларининг аксини кўришингиз мумкин.

Уларнинг дилида нима кечаётганини, нимани ҳис қилаётганини, сизга қандай муносабатда бўлаётганини, сизнинг фикрингизга қўшиладими-йўқми, сизга ён берадими-йўқми – буларни билиб олиш жуда қийин кечади. Шунга қарамай, сиз мимик новербал сигналларга ғоят эътиборли бўлсангиз, бундай ўзига маҳкам инсонлар хатти-харакатининг асл асосларини аниқлаб олишингиз мумкин.

Юз ифодасидаги күзга унча ташланмайдын ифодаларга, яширин ҳиссиётларга, ғайриихтиёрий реакцияларга эътибор қаратинг. Тажриба ўтказинг: бу инсонни синант. Унга маъқул келиши амри маҳол бўлган, аксинча, ҳатто унинг жаҳлини чиқаридиган таклиф киритинг ва унинг юзида қандай ҳиссиётлар акс этишига разм солинг. У бундай таклифга қандай муносабат билдирияпти? Дилидаги норозиликни қандай ифодалаляпти? Масалан, ғазаб инсон юзида қуийдаги шаклларда намоён бўлади: афти буришади, бурни жийирилади. Булар бироз сезиларли мимик реакциялар бўлиши мумкин, аммо сиз уларни назардан четда қолдирманг. Кейин ўз таклифинизни имкон қадар юмшатишга ҳаракат қилинг, сухбатдошингизга ёқиши аниқ бўлган таклиф киритинг. Бу аснода у ижобий ҳиссиётларини қай тарзда ифодалаётганини кузатинг. Мамнуният ним табассум шаклида, кўзларнинг чақнашида, қошлиарнинг андак кўтарилишида ёки аксинча кўринишда ифодаланиши мумкин. Шундай қилиб, сиз инсон кайфиятини аниқлашни, унинг фикрини ўқишини, ҳиссиётларини кузатишни ўрганасиз. Сиз дилингиздаги ҳақиқий таклифингизни берганингизда, сухбатдошингиз фикрини аниқлаш учун шунчаки унинг реакцияларини назардан қочирмаслигинги лозим бўлади: у мамнуниятни билдирадиган ёки аксинча, норозиликни ифодалайдиган ғайриихтиёрий реакцияларни намоён қилмоқдами – йўқми?!

26-қоида

Диққат! Мен гапирияпман

*Бошқарышта одатланын,
иши-фаолиятда омады инсон
фақатина ўз фикрини түрі,
бекетте ифодаланы учун
эмас, бақи, нұтқ жараёнида
ўз овозини усташк билен
бошқарлани учун ҳам, нұтқ
имкониятларидан мохирона
фойдалана олади ға ўз
рақибларини фикрига
ишиңтира олади. Овоз –
лидернинг асосий қуроми.*

Лидер инсон, одатда, мохир актёрдек сүзлайды. Лидерлик хусусиятларига әга инсонлар бутун ҳәёти давомида атрофада-гиларнинг эътиборини тортишга, омма олдида нутқ сүзлашға түғри келгани учун улар бу ишни түғри бажарадилар. Лидер инсон ўз овозини бошқара олади, унда, шубҳасиз, нотиқлик иқтидори бүләди. У ўтмишда ҳаваскорлар театри саҳнасида роль ўйнаган ёки талабалар беллашувла-рида қатнашган бўлиши эҳтимолга яқин.

У, ўзига қулоқ тутишлари учун, тинг-ловчилар эътиборини жалб қилиш учун қачон овозини баландлатиш кераклигини, қай пайт пастроқ сүзлаш лозимлигини билади. Агар инсонда овоз пардасини бошқариш хусусияти бўлса, у бўйсунишдан кўра бошқаришга мойилроқ бўлади.

Бундан ташқари, ҳукмини юргизиб ўрганган инсон доим ўрта суръатда сўзлайди. У миянгизни қотирмаслик учун нутқ маромини тезлаштиrmай, сизнинг идрок қилишингизга қулай суръатда гапиради, чунки у ўзига, ўз сўзларига ишонади ва сиз ҳам унга ишонишингизни истайди. Бундай инсонларга суст маром хос эмас, улар ҳеч қачон гапни «чайнаб» гапирмайдилар. Улар гапининг керакли жойига урғуни моҳирлик билан қўядилар ва зарур жойларда бехато тўхталиш қиладилар. Шундай белгилардан пешқадам инсонни бўйсунишга ўрганган инсондан ажратиб олса бўлади.

IV БОБ

ЁКИМЛИЛИК (ХУШРЎЙЛИК) НИНГ НОВЕРБАЛ СИГНАЛЛАРИ

27-қоида
Нигоҳлардан ҳақиқатни
қидиринг

*Сиз дөшиқа инсонла
ёкицишинизни бишиш үчүн унинг
очиқ чехрасына дөкүнгү. Айар дүйнү
чехрашынанда очиқ дўйсаса,
дүйнү сұхбатдошишинизни бемалол
ихлюсманжалариниз қатпория
қўшицишиниз мумкин. Үшбүй дөйдә
инсон нигоҳидан дөшиқа инсонла
ёкици-ёқмасликни қандай қилиб
аниқлаши ҳақида сўз беради.*

Майлни намоён қилишнинг очиқ ва
ёпиқ шакллари мавжуд. Ёпиқ шакл сизга
илиқликни хис қилиб алданиб қолишдан,
ўзининг илиқ муносабатига тенг жавоб
олишдан қўрқкан инсон томонидан қўл-
ланади. Лекин ўз қўрқувига қарамасдан, у
сиз билан муносабатга киришади, сизнинг
ёнингизда бўлишга ва сизга қарашга инти-
лади. Жуда кўп ҳолларда, инсон ўз майли-
ни яширган тақдирда, ёқтирган объектига
яширинча, сездирмай қарайди. Нигоҳла-
рингиз тасодифан тўқнаш келиб қолса, у
шу заҳоти қўзларини олиб қочади.

Агар шахс сизни хуш кўришини яширмаса, унинг нигоҳида қизиқиши, хурмат, савол назарини ўқиши мумкин: «Сен-чи, менга қандай муносабатдасан?» – дегандай. Бу пайтда унинг кўзлари катта очилган, қорачиқлари одатда катталашган бўлади. Унинг қарашлари адоват ва бошқа салбий хис-туйғулардан холи бўлади.

*Моіши эркак ба аёлниги
нигоҳлари диг-диридан катта
фарқ қиласди. Аёллар тонқирроқ,
ижодкорроқ дўласидар. Айнан
аёл жинси ғакимлари «кўзлардан
ўқ үзиши» санъатида асос
соланидар. Айнан аёл, одатда,
«маъсумा кўзлар ўйини»ни
дошилаҳ беради ба ду ўйин
авжсия чиққан тақдирда,
ишиқий муносабатларга айланиш
кечади. Аёллар ба эркаклар
диг-дирия кўз орқали моішилик
сигналарини қай тарзда
йўмасилярини таҳши қиласмиз.*

Мафтун эркак сигналлари. Аёл киши бўлсангиз, эркак кишининг нигоҳидан сиз унга ёқиши-ёқмаслигингизни билиш учун у қайси тарафга қараётганига эътибор қаратинг. Эркак киши мафтунлигини намоён қилаётганда обьектга бошдан-оёқ разм солади. Дастреб, у сизнинг умумий мафтункорлигингизни эътиборга олади, сўнгра

агар сиз хүшбичим қомат эгаси бўлсангиз, нигоҳини пастроққа, кўкрак ва бел қисмига туширади. Агар эркак сизга қизиқиш билдиришни бошласа, бу унинг кўз қора-чиқлари катталашиши ва кўз контактлари мароми тезлашишида намоён бўлади.

Мафтун аёл нигоҳлари. Қиз-аёллар бошқача қарайдилар. Улар учун кўз қири билан, зимдан қарашиб хос хусусият. Агар қиз-аёл нигоҳи кўнглини тортаётган шахс нигоҳи билан дуч келса, одатда, кўзларини олиб қочади ва юзига қизиллик югуради. Қиз-аёллар учун эркак кишига тик қарашиб уят ҳисобланганлиги учун, улар кўнглини тортган эркакни зимдан кузатишга ҳаракат қиласидилар. Эркаклардан фарқли равишда, қиз-аёллар эҳтимолий ошиғига пастдан юқорига томон разм солади. Бундай йўналиш икки хил маънога эга. Бир жиҳатдан, у ўзига ёқсан эркак кўзига қарашиб учун журъат тўплайди, бошқа тарафдан, аёл киши учун нигоҳлар тўқнашиши энг ёқимли онлардир.

28-қоида **Майл имо-ишораларда** **яшириң**

*Майл имо-ишоралари
түрли хил ға қизиқары.
Хар дір инсонда
ұзита ёққан инсоннині
әртиісіні тортыща
күмаклашуғачи ұзита
хос имо-ишоралар
түпнамы бўлади.*

Юқорида таъкидланганидек, эркак ва аёлларнинг мойиллик имо-ишоралари бир-биридан фарқланади. Шубҳасиз, аёлларнинг новербал сигналлари эркакларнига қараганда анчайин турфа хил ва қизиқарлироқ. Иккала жинс ҳам қўллайдиган баъзи универсал имо-ишоралар ҳам мавжуд бўлиб, аксинча, мойилликни яширишда қўлланади.

Мисол учун, агар инсон танлаган кишисидан муносиб жавоб олишига шубҳаланса, унинг имо-ишораларида эҳтиёткорлик зоҳир бўлади. Агар тасодифан ёки атайлаб инсон кўнглидаги инсон унга тегиб кетса, у шу заҳоти қўлини тортиб олади, худди қайноқ нарсага тегиб кетгандай. Бунинг ўз сабаблари бор: үзининг мойиллигини ва мафтунлигини яширас экан, инсон ўзига ёққан инсон билан алоқага киришишдан, ўз инстинктлари устидан назоратни йўқотиб қўйишдан, кўнгил сирларини фош қилиб қўйишдан қўрқади.

Эркаклар одатда ўз мойиллигини қуидаги тарзда ифодалайдылар: дастлаб, ўзига ёқсан аёл эътиборини тортишга ҳаракат қиласади, у бор жойда ўзини муносиб тутишни бошлайды, соchlарини силаб текислайды, галстугини тўғрилады, тутмасини қадаб олади, қўйлагини, ёқаларини, костюмини тартибга солади, чанг бўлмасада, устидан чанг ёки қазғоқларни қоқиб қўяди.

*Эркак киши құмидаш маънодор
имо-ишораларни қўмиди:
делидаш қуббатни ғайрихаттиёрий
намойши қилиши учун қорин қисми
бўйнаш боши бармонини камар
ортиша тиқади; қаддини тик
тумтиш, қўмариини делила қўяди,
иавдасини аёл тарафга бўраги, оёқ
учиарини у томонга қаратади.*

Аёл киши эркак ўзига ёқсанлигини намойиш қилиш учун қуидаги имо-ишоралар ва тана ҳолатидан фойдаланади: Ўзига ёқсан инсон қаршисида ҳеч қандай важсиз соchlарини тутамлайди, кийимини ёки пардозини тўғрилади. Мойилликнинг ёрқин кўринишларидан бири қуидагича: аёл билакларини эркак томон қаратади ва бу билан териси-нинг майин ва силлиқлигини кўрсатади (масалан, қўлида қалам бўлса, билагини кўнглини тортаётган эркак томонга қаратиб, қўлини бўйни ёки елкаси сатҳида тутиб олади). Қадам ташлаш чоғи у ўз

мафтункорлигини намойиш қилиш учун очиқчасига белларини икки томон чай-қалтириб юриши ҳам мумкин.

*Айар үчрашыў норасмий
базиятта үтәётгандылса,
масалан, дазм ёки ғайрам
кечасида, аёл оцикора имо-
ющоралардан үзини тиімасшы
хам мумкин. Ү стында үтпиртан
чоңида хам дилини төртәётганд
эркак томонға сөкеларини
қаратып үтпиршы мумкин.
Сүхбаат өсінде сөкел кийімини
сөнни үчида үйнаши, иккала
сөнни үстма-уст құйып,
қизиқици өйтекті томон
ійнаптаришы мумкин. Айар
ү эркак аёлға яқинроқ жойда
дылса, аёл сөкеларини эркак құйы-
ұннада охиста ғалқашпиріп ға-
яна охиста дастылдук ҳолатта
қайтаришы, белларини сезилар-
сезимас силаф құйышы мумкин.
Құпинча дұ пайт аёл маин,
сокин обозда сүзлаиди.*

29-қоида

**Сизга табассум қилишяптими?
Демак, сиз кимгадир ёқяпсиз**

*Табассум – доим ҳам
мөйшикнің юз фойз
күрсатқичи эмас.*

*Сұхбатдошиның табассумы
унда сиздан нимадир
керақшынин ғемиси дүйнеші
ҳам мүмкін: у сизде ёқиша
уриніб, ўз таъсирини
үткәзушы харакат қылаёттан
дүйнеші мүмкін. Самимій худ
чехра табассумини бөшқа
табассумдардан қаңдау
фарқлаши мүмкін?*

Мойилликни ифодалайдиган табассум-
ни зинхор бошқа юз ифодалари билан
адаштираслық лозим. Самимий табассум
пайти оғиз четлари юқорига бир сатқда
йұналади. Майлни очиқ (тишлар күринар
даражадаги) табассум ҳам, сипе, ёпиқ та-
бассум ҳам ифодалаши мүмкін. Агар ин-
сон сизга ўз тишиларини намойиш қылса, у
сизнинг олдингизда ўзини әрқин ҳис қила-
ётганини билдиремоқда, уни сиздан яши-
радиган сири йўқ. Агар табассум самимий
бўлса, инсоннинг нигоҳи ҳам самимий,
ёрқин, юзидан нур ёғилгандай бўлади.

Агар сұхбатдошингиз табассумида но-
мутаносиблик сезсангиз (офизнинг бир
чети иккинчисидан пастроқ йўналса ёки

оғизнинг бир чети тепада, бир чети пастда бўлса), бу сұхбатдошингизнинг дилида ғараз борлигидан дарак бериши мумкин. Агар ҳамроҳингиз қўзлари қулмасдан, юзларидан табассум зоҳир бўлса, демак, унинг дилида ўз манфаатига хизмат қилувчи мақсад бор, у сизни алдамоқчи.

Инсоннинг сизга яхши муносабатда бўлаётгани, сизни хуш кўришини нафақат табассумидан, балки кулгу товушидан ҳам аниқлаш мумкин. Агар инсон сизнинг қаршингизда овоз чиқариб кулаётган бўлса, демак, у ўз ҳис-туйғуларини яширмаяпти, сиздан тортинмаяпти, сизга хайриҳоҳ ва самимий муносабатда бўлмоқда. Самимий муносабат – хуш кўриш белгиси.

Табассум ортида истеҳзо яширин бўлиши ҳам мумкин. Бу табассум, одатда, «қийшиқ табассум» бўлиб, бош ён томонга энгашган, битта кўз қисилган бўлади. Бундай табассум хайрли истеҳзо бўлиб, инсон сизга нисбатан яхши муносабатда бўлмоқда, лекин айни пайтда сиз кулгили қўринаётган бўлишингиз мумкин. Истеҳзоли табассумни кинояли табассум билан адаштирилмаслик керак, бу табассум сұхбатдошингиз сизни менсимаётгани, балки устингиздан кулаётганидан далолат беради. Бундай табассумда юз ифодасидаги «қийшиқлик» яққолроқ бўлиб, инсон қўзлари ўзига хос бўлмаган тарзда қисилади. Очиқ табассумни иржайишдан фарқлай билиш лозим. Бу юз ифодаси яширин агрессия ва салбий муносабат белгиси ҳисобланади.

Унинг фарқловчи белгиси қуйидагича: инсон ҳамма тишларини қўрсатиб жилмаяди, жумладан, пастки жағ тишларини ҳам.

*Табассум ёфрасига яна бир
хабф мавжуд: сұхбатдошиңиз
сизга нисбатан ҳен қандай
самимий хайрихоҳижни
хис қилимасдан ҳам, сизнинг
табассуминизни кўчириб олиши
мумкин. Буни осон аниқласа
бўлади. Агар ҳамроҳиниз
фақат сиз жисмайтан
пайтда жисмаяётган бўйса,
демак, у шунчаки сизни
чалишмоқчи, сизнинг кўнишchan
кайфиятиниздан ўзининг
яразли мақсадларига эришиши
йўлида фойдаланмоқчи.*

Унутманг: табассум қилмаслик – сизга хайрихоҳлик йўқлиги ёки сизни ёқтирилмаслик белгиси эмас. Агар сұхбатдошиниз сизга хўмрайиб қараётган бўлса, бирон марта чехрасини очмаётган бўлса, уни дарров сизни ёмон кўришда айблашга шошилманг, эҳтимол, у шунчаки сизга бўлган самимий муносабатини сир тутаётгандир, балки табиатан жиддий, жилмайишни ёқтирилмайдиган инсондир.

30-қоида **«Тил оҳангига – дил оҳангига»**

*Инсоннинг сўзлашшига диккат
билин қумоқ солиш, унга сиз ёкици-
ёқмаслигинизни осон аниқлаш
мумкин. Инсоннинг бирорвия
бўланаси муносабатини кўп
холарда овози ошкор қиласди.*

Аёлларда овоз ёрдамида ўз майлини ифодалашнинг ўзига хос меъёрлари шакланган. Агар бирор эркак унга ёқса, аёл ўзининг табиий, одатий овозини ўзгартирди, пастроқ овозда, баъзан эса, титроқ овоз билан сўзлайди. Бу аёлнинг эркакка бўлган жинсий қизиқишининг белгисидир. Унинг товуш мароми эркак нутқдаги маълумотларни илғаб оларли даражада оҳиста, бундан ташқари, бу қарама-қарши жинсга йўллаётган сигнал, ўзига хос сўзлар орқали гипноз: «Эътибор беринг, мен қандай чиройлиман». Кўп ҳолларда аёл товушида қўшиқ қуйлагандай оҳанг пайдо бўлади, эшитган одамга у чиндан хиргойи қилгандай туюлади. Агар аёл эркакка нисбатан ўзининг чин муносабатини ифодалашга ийманса, у рад қилинишдан кўрқади. Бу ҳолда унинг товушида бошқача оҳанг пайдо бўлади: товуши титроқ чиқиши мумкин, сўзлаш мароми жуда тезлашади, сухбат жараёнида уни томоқ бўғилиши безовта қилиши мумкин. Бу каби ҳолатлар, шубҳасиз, қаттиқ ҳаяжондан далолат беради. Бунинг устига аёл ўз

овозини (яширинча) назорат қилишга ҳаракат қилиши мумкин.

Эркаклар аёл кўнглини зabit этишга бўлган ўз хоҳишини бироз бошқача ифодалайдилар. Эриш туюлсада, эркак овози ўз ёқтирган аёли билан сухбатда нар жониворнинг мода жонивор учун курашдаги наърасига ўхшаб кетади. Эркак кишида табиий инстинктлар уйғонади, бу унинг овозида акс этади. У ўзига хос хитоб қилади: «Бу менинг ўлжам». Барча рақиблар билан у кескин, ҳатто қўпол муносабатга киришади. Кўнгил қўйган аёли билан сухбатда эса, унинг товушини қўшиқ оҳангига таққослашимиз мумкин. У ўз овозининг барча ёрқин имкониятларидан фойдаланиди, ўзининг бор кўркини намойиш қиласади. Унинг товуши майинлашади, юмшоқлашади, мулойимлашади, ёқимли ва хушоҳанг, ажойиб куй сингари жаранглайди.

31-қоида «Муштумзўр»нинг иродаси

*Ноъбердай синамарга қараф
инсоннинг агрессиб кайфиятини
аниқлаши жуда мухим. Агрессия¹
деганда нафақат тўғридан-тўғри
куч ишламишини, балки салбий
муносабатни, қаршилик қилишила
хозирликини тушунамиз.*

Агрессиянинг асосий ишораси – тугилган мушт. Ушбу ишора агрессиянинг турли босқичларини ифодалаши мумкин. Агар сухбатдошингизнинг иккала қўллари ҳам кийим чоки бўйлаб тугилган бўлса, бу инсонда салбий кайфият ортиб бораётгани, у яккама-якка курашга ҷоғланаётгани белги-сиdir. Агар муштлар аста кўтарилиб, кўкрак қисмига етса, бу хатарли омилдири. Инсон муштлашиб ҳолатини қабул қилди, зарба беришга тайёрланди, энди унинг агрессияси очик қўринишга ўтишига саноқли сониялар қолди. Агар сухбатдошингиз муштлари «қичиша бошлиса» – у мушт қилиб тугилган бир қўлини бошқа қўли бармоқлари билан қашлаётган бўлса, бу ҳолатда ҳам у сизга нисбатан салбий муносабатга киришган.

Агар сухбатдошингиз қўллари билан ўз елкасини ушлаб турган бўлса – бу унинг ўз жаҳлинини босиб турганидан далолат. Яъни, инсон ҳамла қилишга тайёр, лекин ўзини тутиб туришга ҳаракат қилмоқда. Агар у

¹ агрессия – тажовузкорлик, тажовуз

билин яккама-якка жантта киришиш ниятингиз бўлмаса, бундай аломатни кўрганингизда сўзлашув тактикангизни ўзгартиришингиз, мавзуни буриб юборишишингиз, товуш оҳангизни юмшатишингиз лозим.

Сизга нисбатан агрессив кайфиятдаги инсонга хос ишора – қўлларини орқасига қилиб олиш. Бундай ишора хатарли, чунки қўллар сухбатдошга кўринмайди. Агар инсон қўлларини орқасига қилиб оладиган бўлса, у сиздан бирор нарсани яшираётгандай тасаввур уйғонади, эҳтимол, бу нарса олдиндаги олишув учун мўлжалланган куролдир. Қурол бўлмаган тақдирда ҳам, бу ишора ўз-ўзидан жуда хатарли ва инсонда бехосият мақсад борлигини билдиради.

Сухбатдошингизнинг агрессив кайфиятини тарқатиш учун қўйидаги новербал воситалардан фойдаланишингиз мумкин. Биринчидан, ораларингиздаги масофани қисқартиришга ҳаракат қилинг, сезги омили билан таъсир кўрсатинг – сухбатдошингизга қўл теккизинг. Ёдда тутингки, сизнинг барча ҳаракатларингиз жуда секин, оҳиста бўлсин, аксҳолда у ҳаракатингизни сизнинг хужумингиз сифатида қабул қилиши мумкин. Шуни ҳам унутмангки, агар у «шубҳасиз» агрессив кайфиятда бўлса, яъни сизнинг хатти-ҳаракатларингиздан қатъи назар, аввалдан муштлашишни режалаштириб қўйган бўлса, хеч қандай восита сизга ёрдам бера олмайди. Сиз сухбатни тўхтатиш ва хавфсиз жойга кетиш ҳақида ўйлашингиз керак. Шундай қилсангиз, у ўз жаҳлини сизга эмас, балки бошқа бир кимсага сочиши ҳам мумкин.

32-қоида Жанговар ҳолат

*Агрессиөв кайфиятдаш
инсоннинг тана ҳолати,
гаёда ҳолати ва қадам
тасмияти ҳам бўшкакча бўлади.
Бундай нөвердал аломатлар
жанговар инсоннинг жанговар,
тажовузкор кайфиятини сизга
фоши қилиб қўйиши мумкин.
Сизнинг ғазифаниз – уларни
дехато анила б олиши.*

Инсоннинг тажовузкор кайфиятидан унинг жанговар тана ҳолати далолат бериб туради: инсон ўзини дадил ҳис қилиш, ўзига ишончни сақлаш, оёқлари остида таянч борлигини ҳис қилиб туриш учун оёқларини кенг очган ҳолатда туради. Унинг гавдаси олд тарафга бироз йўналган бўлади. Одатда, у, сиз аввал ҳужум қилишингиз эҳтимолига қарши, ўз танасининг айрим қисмларини беркитишга ҳаракат қиласди. Бундай тана қисмлари – инсоннинг энг нозик жойлари. Эркаклар учун бундай жойлар: оёқлар ораси, бурун, жағ. Аёлларда эса (гарчи аёллар орасида агрессияни бундай ёрқин намоён қилиш оммалашмаган бўлсада, баъзида учраб туради): кўкрак қисми ва юз.

Тажовузкор қадам ташлаш яққол сезилади: инсон катта-катта қадам ташлайди, баъзан ўз мақсадига тезроқ етиб олиш учун сакрагандек бўлиб юради, шу билан

бирга, құлларини тез-тез силкитади, баъзан қадам ташлаш югуришга айланиб кетиши мүмкин. Бу унинг ҳаяжони жуда кучайганидан далолат беради.

*Аиар сұхба~~т~~дошиныңни ёбуз
нияттарда шүбә қысаның,
унині іабда ҳолатына ахамият
берин. Аиар шүбә~~т~~халариниң
түүри чиқса, сұхба~~т~~дошиның
қаддини рост~~т~~ түтмаған ҳолда
бұлади. У күкрашни керіс,
дошины елкалары орасына бирор
сүкий олади, үзи эса ішті ериа
махкамал~~т~~ үрнатыландаі,
танааси ішті ихчамлаши~~т~~
қоландаі бұлади, шу өзият~~т~~да
унға зарба беріш~~т~~ күлаі.
Аиар сиз ўтирган бұлсаның,
сұхба~~т~~дошиның дүйнини чүзид,
елкаларини орқалға ташилаши
мүмкин. Айни пайт~~т~~да доши
шүндай әнгиялан~~т~~ бұладыки,
унині пеңонааси, яғни дошиның
әні қат~~т~~тиқ қисми сизнині
зарбаныңни қабул қыши~~т~~ үчүн
сиз төмөнга мүнделан~~т~~ бұлади.*

33-қоида **Йиртқич нигохи**

*Аяар инсон салдий ҳис-
түмүнларини яшириши
харакат қыса, мимикасына
қарағ үларни аниқлағ олици
қишин әмас. Мимика инсоннинг
хиссий кайфиятини яққол акс
эттиради. Сұхбатдошиның
агрессив кайфиятдашыны
қандағы аниқлаш мүмкін?*

Агрессия – организмнинг ўзига хос ҳимоя реакцияси. Инсон сизга бирон масала да қаттық ён берәётганини англаган пайтда, агрессияни намоён қила бошлайди. Бу жаҳл, нафрат ёки ҳасадни келтириб чиқариши мүмкін. Эхтимол, сұхбатдошингиз сизга нисбатан нотиқлик санъатида кучсиз-роқ бўлиши, ишонтириш қобилиятига эга бўлмаслиги, ўзининг ақлий заифлигини тушуниши мүмкін, шунинг учун бошқа асослардан маҳрум бўлиб, унда сизни ўз қўлидан келадиган усул билан, яъни куч ишлатиш билан енгиш истаги пайдо бўлади.

Агрессия мимикаси жуда фаол бўлиб, бу қаншар қошлар чимирилишида, бурун тешикларининг кенгайишида, юз сүяклари (яноқлар) ўйнаб туришида, баъзан тишларининг ғижирлашида, лабларнинг қаттиқ қисилишида кўринади. Ушбу мимик белгилар сұхбатдошингизнинг жуда агрессив кайфиятда эканлигидан далолатdir. Доим ҳам ушбу мимик сигналларнинг ҳаммаси

бир пайтда инсон юзида ифодаланавер-майди, кўп ҳолларда бир ёки икки аломатлар зохир бўлади. Агар сухбатдошингиз юзида ушбу санаб ўтилган сигналлардан камида бирини сезсангиз, огоҳ бўлинг – айни дамда унинг авзойи бузуқ.

*Унини нилоҳия алоҳида
жътийдор қаратини. Адрессий
каифиятдаги инсон нилоҳи
рақибини дурдалаёт ташлаши
тайёришидан дарак бериб
туради. Бу нилоҳ жуда хунук,
течиюб юбориудай бўлади,
иёё ўифтқишиб ўз ўржаланий
ташланисига тайёрланиш
тургандай.*

34-қоида Даҳанаки жанг

*Инсоннинг агрессив
кайфиятини у сиз билан қандай
сўзлашаётганидан ҳам билиб
олса бўлади. Агар сўзлар ишё
зарбадай жараниласа: тобушилар
кескин ба ўткир бўлса, улар
орасига узун танаффуслар
бўлади. Сиз билан сухбатта
киришишига хоҳиши ийқилиши
ҳам яширин агрессиядан дарак
дериши мумкин.*

Агар инсон агрессив кайфиятда бўлса, одатда, у овозини баландлатади. Буни у ўзи учун фойдали ҳаракатта сизни ундаш ёки сизни қўрқитиб қўйиш учун ғайриихти-ёрий равишда бажаради. Баъзи ҳолларда эса, сухбатдошингизнинг сўзлар ёрдамида далиллаш маҳорати йўқ бўлиб, шунинг учун ўз нуқтаи назарини бошқа усуlda ту-шунтиришга ҳаракат қилаётган бўлиши, яъни сўз кучига эмас, ўз товуш баландлигидан фойдаланаётган бўлиши мумкин.

У ўз нуқтаи назарини «равон» қилиб, секин маромда тушунтиришга ҳаракат қиласди. Лекин, одатда, буни уddeлолмайди. Аслида эса, у сизнинг ғашингизга тегиб, «таҳдид қилиш»га ҳаракат қилмоқда: «Гапимни тушунмаяпсанми? Нима, мен тушунтиrolмаяпманми?» Ўзини бундай тутиш ортида сухбатдошини қўрқитиши,

яккама-якка олишувда устунликка эришиш турибди. У сухбат давомида илтифотсиз, камситувчи ва заҳарханда оҳангларни ишлатиши, иржайиб, устингиздан кулгандай муомала қилиб, жанжал қўзғашга ҳаракат қиласди.

*Агрессиөв кайфиятда
инсон учун обоз төмөрини
пасайтириши, қуёни тобуши
даражалари (төнамиклар)дан,
наст оҳанидан фойдаланиш,
баъзида эса хиршиаб таптириши
ҳам хос бўлади. Обозни бундай
ўзгартириш таптириши ортида
ҳам сухбатдошини қўрқиштиши
мақсади ётади.*

Баъзан агрессия жанжалга айланиб ултурмайди ва инсон бақир-чақир ортига яширинади. Агрессияни жиловлаб турган инсон қаттиқ ҳаяжонда бўлади. Агар сиз унга куч ишлатишга имкон бермаётган бўлсангиз ҳам, бу унинг ҳаяжонини асло камайтирмайди. Шу сабаб, у ҳали ҳам чигалини ёзишга муҳтоҷ бўлади. Кўп ҳолларда бундай чигал ёзиш бақириш шаклида юз беради. Бу ҳам агрессиядан чиқишининг ўзига хос новербал шаклидир. Агар у бақириб юборса, сизга нисбатан куч ишлатиши эҳтимолдан йироқ. Унда шунчаки муштлашиш учун куч қолмаган. Бундай вазиятда яхшиси, унинг ғазаби сўнишини ва у тинчланишини кутиб туриш керак.

Сиз сұхбатдошингизнинг асаб таранг-лигини новербал сигналлар ёрдамида тарқатиб юборишиңгиз мүмкін. Уни тинчлантириш, чигалини бұшатиш учун сиз үз овоз күчингиздан фойдаланинг. Сиз секин, охиста, мулойим, гүё аллалагандай гапириб, унинг сергаклигини сўндиришингиз лозим. Нима ҳақида гапиришнинг аҳамияти йўқ, масалан, үз фикрингизда қаттиқ туриб олинг ва бу билан уни мувозанатдан чиқаринг, лекин новербал сигналлардан у қуидаги сўзларни ўқисин: «Мендан қўрқма. Мен сенинг дўстингман. Тинчлан. Ташибиш чекма. Яхшиси, мен билан дўстлаш – бу фойдалироқ». Агар сиз үз овозингиз имкониятларидан тўғри фойдаланишни билсангиз, агрессив кайфиятдаги сұхбатдошингиз сизга бўйин эгади, шахтидан тушиб, попуги пасаяди, унинг агрессияси йўқолади ёки бошқа оқимга тушади.

V БОБ

НОВЕРБАЛ ТИЛ БИЛИМЛАРИДАН АМАЛИЁТДА ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

35-қоида
Ёлғонни қандай яшириш
мумкин?

*Айар сиз ўз тананишни
назорат қилишини биссаныз,
ёлонни яширишини, з
сұхбатдошины ү білан самиміш
әканишиниң а шынтыришиниң
мумкин. Шундағы имо-
ишораларни танлаш керакки,
удар сұхбатдошиңа сиз бердай,
яғни оғзаки берәёттің
мағлумоттардан дошка хең
қандай яни мағлумот бермасын.
Шунда сиз хийаларык
саныратыни әттілайсиз.*

Үзингиз кундалик ҳаётда фойдаланади-
ган имо-ишораларга эътибор қаратинг.
Сизни сотадиган асосий хоин ана шулар,
улар сизнинг ўй-фикр ва ҳис-туйғуларин-
гизни ошкор қўяди. Агар қўлингизни оғиз
атрофида тутсангиз ва кўзингизни олиб
қочсангиз, ҳар қандай инсон сизнинг ёлго-
нингизни сезиб қолиши мумкин. Бундай
яққол сигналлар ҳатто ёш болага ҳам маъ-
лум. Шунинг учун эҳтиёт бўлинг – сизнинг

ёлғонингизни фош қилиб қўядиган хатти-ҳаракат қилманг. Ўзингизни фош қилиб қўймаслик учун ўз қўлингиз, танангиз ва мимикангиз, яъни юз ифодангизни қаттиқ назорат қилишингиз лозим. Қоидага амал қилинг: ҳеч қандай ортиқча ҳаракат қилманг. Бошланишда қўлларни ишлат-маслик жуда қийин бўлади. Ахир, биз ўзимизга нутқ жараёнида новербал тарзда ёрдам беришга одатланиб қолганмиз ва шунинг учун бу одатдан қутулиш осон кечмайди. Лекин сиз ўзингизни мажбуrlа-шингиз керак, акс ҳолда дилингиздагини пайқаб қолишади.

*Имо-ищораларни қўйлаш
одатидан боз кечиши ба ўз юз
ифодасини ўзлартириши қийин,
лекин чиндан иложи бор. Ундан
хам қийини организминизнинг
яйришихтиёрий реакцияларини
яширишига ўрганишиди.*

Организмингизни шундай машқ қилдиришингиз керакки, у сизнинг ёлғонингизни фош қилиб қўймасин. Бирон яқин кишингиз ёки дўстингизга илтимос қилиб, «ёлғон детектори» орқали сизни уйшароитида текшириб кўришни сўранг. У сизга жуда яқин масофада туриб, билагингизни ушлаган ҳолда сизнинг томир уришингизни қайд қилиб турсин. У сизни ҳар тарафлама назорат қилишига қўйиб беринг, сизнинг нафасингизни, мимикангиз ўзгаришини кузатсин. Кейин сизга бир

нече савол берсин. Даstellerки икки-уч савол сиз бемалол қийналмай жавоб берадиган энг оддий саволлар бўлсин, масалан: «Сизнинг энг ёқтирган таомингиз қайси?» «Эрталаб эрта уйғонишни ёқтирасизми ёки кечми?» «Фамилияңгиз нима?» Навбатдаги савол эса, асабингизни қитиқлайдиган бўлсин, масалан: «Бирон дўстингизга ёлғон гапириб алдаганмисиз?» Бундай саволга юз ифодангизда ўзгаришсиз жавоб беришингиз амри маҳол. Саволлар рўйхати сизга нотаниш бўлиши лозим, акс ҳолда тажрибадан ҳеч қандай наф чиқмайди. Тажрибани сухбатдошингиз сизнинг ҳолатингизда ўзгаришлар сезмай қолгунча такрорлайверинг. Машқларни ўз организмингиз устидан назорат қилишни ўрганмагунингизча такрорлайверишингиз мумкин. Эҳтимол, ҳақиқий ёлғон детекторини алдаш сизга насиб қилмас, лекин тирик инсондан ёлғонингиз сирини яшириш қўлингиздан келади.

36-қоида **Атрофдагилар ҳужумларидан** **жимояланиш**

*Жимоянині нөвердәл имо-
щикаларини күмәлан ҳолда, сиз
атрофдагилар ҳужумларидан
үзиниңни химоя қилишиниз
мүмкін. Атрофдаги инсондар
тәмонаидан хавфни сезілан
зақотиниз, дұ хийла-нағранг
бұладими, агрессиями ёки
салбый хис-түйнударми, чора
күришиниз лозим бұлади.*

Хийлакорнинг ёки агрессив кайфиятда-
ти инсоннинг ҳужумини қайтариш учун
энг аввало масофа сақлаб, хавфли инсонни
үз шахсий майдонингизга киритмаслигин-
гиз лозим. Агар үз вақтида унинг олдидан
кетсангиз ёки уни үзингиздан узоқ масо-
фада тутиб турсангиз, үз мустақиллигин-
гизни сақлаб қолишингиз ва унинг таъси-
ридан сақланишингиз мүмкін. Масалан,
күришган чөгингизда инсон саломлашиб
күришиш орқали сизнинг ҳудудингизга
киришни мүлжал қылмоқда, сиз эса унинг
ғаразли ниятини пайқадингиз. У сизни ал-
даб, хийла йўли билан панд бермоқчи. Сиз
нима қилиб бўлса ҳам, у билан қучоқла-
шиб ёки ўпишиб күришишдан чап бериб
қутулиб қолишингиз, ғаразли кимсани
ўзингизнинг шахсий доирангизга кирит-
маслигингиз лозим.

Нохуш ниятли инсоннинг новербал бетакаллуфлик қилишига йўл қўйманг. Масалан, у сизнинг елкангизга қоқиб қўйиш ёки юзингизга шапатилаб қўйиш мақсадида қўл чўзиши мумкин. Бу каби алоқалардан ўзингизни четта олишга ҳаракат қилинг. Сиз у тарафдан билдирилган ҳурмат белгиларини қабул қилишингиз мумкин, лекин бу вазиятда унинг таъсирига тушиб қолишдан жуда эҳтиёт бўлинг.

Агар сиз бундай кишидан ўзингизга нисбатан хавф-хатар ёки таҳдид аломатларини сезсангиз, қўзингизни олиб қочиб, назарингизни бошқа бирор буюмга қаратганингиз мақсадга мувофиқ. Бунинг сабаби шундаки, бундай инсон билан узоқ муддатли қўзлараро контакт жуда хавфли бўлиши мумкин, чунки тажрибали ҳийлакор инсон сизни гипноз қилиб қўйиши ва ўзингизнинг ихтиёргингизга қарши равишда бирор нарсага сизни кўндириши мумкин. Шунинг учун нигоҳингизни олиб қочишига, бундай сухбатдошга тикилиб қарамасликка урининг.

Бундай кимсага сиз унга бўйсуниш ниятида эмаслигинги, у билан узоқ очиқ мулоқотга киришишни хоҳламаётганингизни билдириб қўйишингиз ҳам мумкин. Бунинг учун ёпиқ имо-ишоралардан фойдаланасиз: қўлларингизни кўксингизга чалиштириб олинг ёки чўнтағингизга тиқиб олинг. Соатингизга ҳадеб қарайвериши орқали ҳам сухбатдошингизга у билан сухбатлашишга қўзингиз учиб турмаганини билдириб қўйишингиз мумкин.

37-қоида **Учрашув пайтида таассурот** **уйғотиши йўллари**

Донолар айтганидек, инсонни кийимиға қараб кутуб олинади, ақлига қараб кузатиб қўйилади. Сиз гапиришини бошлиб улгурмасингиздан, одамлар сизга баҳо берини бошлишади. Сиз ҳақингизда фақат яхши маълумотлар берувчи новербал воситалардан тўгри фойдаланишини ўргансангиз, сұхбатдошингизнинг ишончини қозонишингиз мумкин.

Таассурот уйғотиши учун бир неча қоидаларни эслаб қолинг.

Биринчи қоида – ташқи қўриниши: батартиб, саранжом-саришта бўлинг, ўта расмиятчилик ва майдакашлиқдан тийилинг. Қандай услубни афзал билишга иккиланаётган бўлсангиз, классик вариантни танланг – бу услугуб билан ҳеч қачон ютқизмайсиз. Аксессуарларга алоҳида эътибор қаратинг, айнан шулар услубингизни бетакрор қиласи, сизнинг ўзига хослигинизга ургу бериб туради.

Одамлар қаршисида пайдо бўлишни ойна олдида – қадам ташлаш ва саломлашишни машқ қилинг. Таассурот уйғотишини хоҳлайсизми? Бундан осони йўқ. Тўғри юришини ўрганинг. Чиройли қадам ташлаш ва гавдани чиройли тутишини ўрганишдан аввал қизлар бошида сув тўлди-

рилган кўза кўтариб юришган¹. Бизнинг давримизга келиб бу анъана эскирди. Лекин шунга ўхшаш техникадан фойдаланиш мумкин. Бу нафақат қизларга ва аёлларга, балки қучли жинс вакиллари бўлмиш эркакларга ҳам тааллукли. Бoshингизга бир неча китоб қўйинг ва бу китобларни тушириб юбормасдан юришни машқ қилинг. Натижада қуйидаги самарага эришишингиз керак: тез юрган пайтингизда ҳам бошингиздан бирорта китоб тушиб кетмасин. Аста-секин бу юкни ошириб боришингиз мумкин.

Аёл кишининг қадам ташлаши – унинг шахсияти тимсоли. Бухаракат аёл ҳақида кўп нарсадан ҳикоя қилади. Масалан, ёнбошлирини қаттиқ ликиллатиб юриш қиз-аёлнинг жуда енгилтабиатлигидан, эркакларнинг эътиборини тортишга уринишидан дарак беради. Агар аёл-қиз қадам аскарча тиқ, шаҳдам ташлаб юрса, бу унинг қўрслиги, қўпполлиги, ёқимсиз табиатидан далолат бериши мумкин. Аёл кишининг қадам ташлаши мўътадил, равон, оҳиста, «сакрашга шайланган қоплон ҳаракатлариdek нафис» бўлмоғи даркор. Агар сизнинг қадам ташлашингиз етарлича чиройли бўлмаса, унинг устида бироз ишлашингиз лозим. Мерилин Монро услубини эсланг, унинг қадам ташлашидан қанча-қанча эркакларнинг боши айланган. Пошнали пойабзal ҳам қадам ташлашнинг

¹ Ўзбек аёллари орасида бошига тугун қўйиб юриш одати бўлган. Айрим худудларда ҳозир ҳам бу одат учраб туради (*таржимон изоҳи*).

чиroyли бўлишида муҳим роль ўйнайди. Афсоналарга қараганда, Мерилин Монро туфлисингниг бир пойи бошқасига нисбатан пастроқ пошнали бўлган ва шу ноқулайлик сабаб у жуда оҳиста қадам ташлаган.

*Эркак кишинини оёқ олишида
ўзига ишончи кўзга тацманиб
тўрмояи лозим. Эркак қадами
йирик-йирик бўмиши ва юрган
пайтда қўллар икки тарафга
сийкин маслии керак. Ўзига
ишониан, ўз қадрини билағидиан,
демалол суюнса бўлағидиан одам
сиғатида таассурот уйғотиши
учун имкон қадар оёқларда
мустаҳкамлик, дарқарорлик
сезилиб түриши даркор.*

Саломлашиш тартиб-таомили ҳам биринчи таассурот уйғотища жуда муҳим омилдири. Учрашув пайтида одоб-ахлоқ қоида ва меъёрларига қатъий амал қилишингиз лозим. Масалан, иш юзасидан учрашувга борган бўлсангиз, сухбатдошингизни кучоқлаш ёки юзидан ўпишдан тийилинг. Бундай вазиятларда оғир-вазминлик билан қўл бериб сўрашиш мақсадга мувофиқ. Қўл бериб сўрашиш – саломлашишнинг стандарт таомили бўлиб, иш юзасидан учрашувлар мобайнида аёлларга ҳам мос келаверади. Қўл бериб сўрашиш жуда қисқа бўлмаслиги ва айни пайтда, лидерлик позициясини эгаллашга

мүлжалланган бўлмаслиги лозим бўлиб, айрим одамлар шу мақсадда сухбатдошининг қўлларини узоқ вақтгача қўйиб юбормайдилар. Бу эса ножўя, хунук қилиқ ҳисобланади. Юзидан ўпид саломлашиш, одатда, икки дугона учрашган пайтда, Европа мамлакатларида эса, аёл ва эркакнинг илк учрашувида ҳам қўлланилиши мумкин. Ўпид саломлашиш енгилгина ҳаракат билан амалга оширилгани маъқул. Баъзи қиз-аёллар пардоз-андозини бузиб қўймаслик ва сухбатдошининг ташқи кўринишига путур етказмаслик учун «ҳавони ўпадилар». Бу ҳам бехурматлик ва ножўя қилиқ ҳисобланади. Агар аёл киши бўлсангиз ва лабингизда оч қизил рангли лаб бўёқ бўлса, бу ҳақида огоҳлантириб қўйишингиз ёки ундан қолган изни артиб ташлаш учун бир марталик сочиқча узатганингиз маъқул.

*Агар ушидуд щартиларни
даражарсаниз, ютук сизнинг
чўниташниизда, сизга дошиданоқ
етарлича жисддий муносабатда
бўлишади, сизни ҳамма
муносабатларда ёқимиш шахс
сифатида даҳолашади.*

38-қоида

Омма орасида мұваффақиятли чиқишиң қилиш

Катта аудиторияда чиқиши қилиш, яғни нүткө сұзлаши – жұда масъуліятли иш. Бундай қийин вазифаны бажарында мұваффақиятга әришиши учун нафакат ўз нүтқингизни яхши тайёрлашингиз, балки қандай новербал белгилардан фойдаланишиңгиз үстида ҳам үйлаб олишиңгиз керак.

Омма олдида чиқишиң қилишга тайёргарлик күришде асосий қоидани унутмаслик лозим – ҳеч қайси хусусиятингиз бирорнинг ғашини келтирмаслиги, жаһдени чиқармаслиги керак. Чиқишиң учун кийим танлашда классик услубни танлаш мақсадға мұвофиқ. Ранг-баранг, күзни қамаштирувчи кийимлардан күра оқ-қора кийим афзалроқ бўлиб, бир тарафдан, ёрқин ва кўзга ташланувчан бўлса, бошқа жиҳатдан, кўзни зўриқтирмайди. Либосингиз бачканга, жимжимадор, ҳаммани лол қолдирадиган бўлмаслиги керак. Кийимингиз мұхит ичида сезилиб турадиган даражада сизни ажратиб, атрофдагилар эътиборини тортадиган бўлаверсин. Кийиган либосингиз ўта ғайриоддий, ҳамманинг диққатини тортадиган бўлмаслиги мақсадға мұвофиқ, акс ҳолда бутун чиқишиңгиз да-вомида йиғилган кишилар сизнинг костюмингизни томоша қилиш билан овора бўлиб, сұзлаётган нутқингизни назардан четда қолдиришлари мумкин.

Ўз чиқишингиз учун қулай жой танланг. Албатта, бу ташкиллаштирилган тадбир бўлса, бу ишни ташкилотчилар зиммасига олади. Лекин агар ушбу ташкиллаштирилган тадбир тайёргарликсиз уюштирилган митинг ёки йиғилиш бўлса, сиз қаерда туришингиз ҳақида қайғуриб қўйганингиз маъқул. Шундай жой топингки, ҳамма нуқталардан туриб сизни қўриш мумкин бўлсин. Бирон тепароқ жой бўлса яна яхши. Атрофдагилар сизнинг бир қадар устунлигингизни ҳис қилиши учун сиз уларнинг барчасидан том маънода бир поғона баланд бўлишингиз даркор. Сиз йиғилганларга таъсир қилишнинг барча новербал воситаларидан бемалол фойдалана олишингиз учун сизни ҳар тарафдан кўриб туриш мумкин бўлсин.

Эътиборни тортиш илмини ўрганинг. Қандай қилиб дейсизми? Авваламбор новербал воситалардан фойдаланган ҳолда, албатта. Сизнинг имо-ишораларингиз катта саҳнадаги актёрнинг имо-ишораларини эслатиб туриши лозим. Оммавий тадбирларда, одатда, қуйидаги имо-ишоралардан фойдаланилади.

Сиз қучоқ очаётган инсон каби қўлларингизни кенг ёзишингиз мумкин. Бу имо-ишоранинг рамзий маъноси бор: «Мен сизларнинг ҳомийингизман. Агар сизларнинг қандайдир муаммоингиз бўлса, мен уни ҳал қиласман». Йигилганлар эътиборини жамлаш учун қўлингизни тепага кўтаринг ва жимлик юзага келгунига

қадар туширманг. Бу имо-ишора қуйидағи маңыноти билдиради: «Жим бўлинглар! Мен гапирмоқчиман». Бу имо-ишора жуда таъсирчан ва тушунарли бўлиб, ундан нафақат чиқишининг аввалида, балки ўртасида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, йиғилганларнинг фикри чалғий бошлаганини сезган пайтингизда. Сиз ишлатаётган ҳар қандай имо-ишора кўзга ташланувчан, таъсирли ва кучли бўлиши даркор. Майдада-чуйда имо-ишоралар оммавий йиғилишдаги чиқища кўримсиз туюлади, уларни ҳеч ким илғамайди. Масалан, сиз қўл билан саноқ ишораларини қўллаётган бўлсангиз, кўлингизни юзингиз баландлигида кўтаришингиз, бармоқларингиз орасини кенг очиб, иккинчи қўлингиз билан ўқталган каби уларни сезиларли тарзда букишингиз керак.

Овоз пардангизнинг имкониятларидан фойдаланинг. Кўпчилик фикрига кўра, катта аудитория учун баланд овозда нутқ сўзлаш лозим. Аслида эса, ҳар доим ҳам овозни кўтариб гапириш керак эмас, акс ҳолда тез чарчаб қоласиз. Фақатгина аниқ-лўнда гапиринг ва сўзларингиз тушунарли бўлиши учун танаффуслар қилинг. Баъзи ҳолларда паст овозда пицирлаб гапиришингиз мумкин. Тинглаётганлар қандайдир муҳим нарса ҳақида сўз боряпти шекилли, қандайдир сир ҳақида гап кетяпти, деган гумонга бориб, диққат билан қулоқ солади.

39-қоида
Гурұх орасида қандай қилиб
әътиборни тортиш мүмкін?

*Гурұх ишида әътиборни
тортша калтта аудиторияда
әътибор тортшыла нисбаған
қишинірек. Биринчидан,
аудиторияни жағд қилған
чөнніңзда омманы үзиніңзі
қаратасыз, гурұх әътиборини
тортши өсінде эса, сиз үзинині
нүктәп нағарыла, үз фикрия әз
түрмі индибидлар әътиборини
үзиніңзі қаратышиниз
лоғим дўлади.*

Гурұх орасида әътиборни тортиш учун сиз катта аудитория әътиборини тортишда құлланиладиган, маҳсус, яккахон хонандаларга хос имо-ишораларни құллашингиз даркор. Унча катта бўлмаган гурӯҳда мулоқот қиласар чоғингизда одамлар ишончига кириш учун бақириб гапирманг, қичқирманг, құлларингизни ҳадеб силкитманг. Ўқорида жамоа орасида нутқ сўзлаётган киши хатти-харакатларини актёр хатти-харакатларига қиёслаган эдик, гурұх орасида чиқиш қилиш актёрнинг кичик саҳнада, реал ҳаётга яқин чиқишига монанд келади.

Агар сиз гурұх аъзолари учун бирон муҳим маълумот айтмоқчи бўлсангиз, даставвал гурӯхни шундай ташкиллашти-

ришингиз лозим бўладики, натижада сизни ҳамма эшитиши ва кўриши мумкин бўлсин. Агар гурух тарқоқ ҳолатда бўлса, барчани бир доира атрофига ёки бир столга тўплаш ҳақида ўйланг. Шундай қиласангиз, ўз атрофингизда ўзига хос бирлик юзага келтирган бўласиз.

Катта аудитория олдида нутқ сўзлаганингизда, албатта, барча тўпланганларни кўздан кечириб чиқа олмайсиз, лекин агар қаршингизда кичикроқ гурух бўлса, ҳар бир иштирокчига алоҳида эътиборингизни қаратиб, навбат билан мулоқотга киришишингиз мумкин бўлади. Ҳеч ким эътиборингиздан четда қолиб, ўзини ажралиб қолгандек ҳис қилмаслиги учун дам у иштирокчи, дам бу иштирокчига назар ташланг. Кўз орқали контакт қилиш сизга ҳар бир инсонни ҳис қилиш, сизнинг сўзларингизга бўлган реакцияни сезиб туриш имконини беради. Агар нигоҳингизни у одамдан бунисига ўтказиб турсангиз, бутун гурух сизнинг назоратингиз остида бўлади. Бундан ташқари, гурухнинг ҳар бир аъзоси айнан у учун гапираётганингизни дилдан ҳис қиласи.

VI БОБ

ЖИМ ТУРГАН ИНСОН ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИБ ОЛИШ МУМКИН?

40-қоида
Феъл-автор қадам ташлашда
яширин

*Қадам тацлаш – дү¹
танаңынғи физиономия¹-
сүдір, деган зди Ҙаңзак².
Одамның қадам тацлашына
қарағ нафакаттыңини жинси
ба ёшини, балки кайфиятты,
феъл-аттвори, қайси ижтимоий
қатылама мансудалыгини ҳам
билиб олишиниз мүмкін. Қадам
тацлаш маңноларини қандай
аңылаб олци мүмкін?*

Эң оддий қадамдан бошлаймыз – ўзига ишонган инсоннинг оёқ олиши. Агар инсон расо, бир маромда, тик, илдам қадам ташласа, бу ушбу инсоннинг ўзига ишончидан дарап беради. Агар инсон оёғини судраб, шап-шап қилиб қадам босса, унинг құллари бир маромда силкинмаса, гүё қатл қилингани кетаёттан маҳкумдек ёки бўйнига юк осилгандек бошини эгиг юрса, бу ушбу инсоннинг руҳан зўриққани, хаё-

¹ юз, чехра; қиёфа, кўриниш

² машхур француз ёзувчиси

ли тарқоқлиги, чуқур ғамга ботганидан далолат. Эҳтимолки, бу инсон инқироз ҳолатида юрибди ёки у жудаям кўнгилсиз учрашув олдида турибди. Шунинг учун, агар сиз билан учрашишга келаётган инсон оёқларини судраб босаётган бўлса, бу унинг сиз билан кўришишга хоҳиш-истаги йўқлиги, нафақат зарурият юзасидан сиз билан учрашаётганини пайқаб олишингиз мумкин.

Сакраган каби қадам ташлаш (худди оёқлар тагига пружина ўрнатилгандай) икки хил маънога эга. Биринчиси: бундай қадам ташлашнинг том маъноси – баҳтли, ҳеч қандай ташвишсиз кайфият, инсон ҳаётида қувончли воқеалар юз бермоқда, у ҳаётдан мамнун ва хушчақчак, хурсанд, ижобий кайфиятда. Иккинчи маъно бироз яширин: инсон атайлаб ўзини хурсанд ва беташвиш кўрсатмоқчи, аслида эса унинг кўнгли вайрон, руҳан сиқилмоқда. Сохта қувончни аниқлаш жуда осон, инсоннинг мимикаси ва имо-ишораларига эътибор қаратиш кифоя.

Агар инсон тиззаларини букиб, оёқларини ярим эгиб қадам босса, бу унинг катта ёши билан боғлиқ оёқ бўғимидағи оғриқларидан далолат. Агар бундай қадамлар соҳиби ёш бўлса, бу унинг ўзига ишончи камлиги, одамовилиги, бадгумон феъл-атворининг белгиси бўлади.

Агар инсон оёқларини икки тарафга кериб, қўлларини чўнтағига тиқиб ёки белининг икки тарафига тираб юрса, яъни

унинг тана ҳолати «Ф» ҳарфини эслатса, бу ҳолат ана шу инсоннинг ҳаддан зиёд ўзига қаттиқ ишониши ёки бегам-бепарволиги нишонаси, ҳеч нарса билан машгул эмаслиги, доимий равишда бекорчилиги автоматидир. Унинг бундай оёқ олишининг сабаби шундаки, у ҳеч қаерга шошмаяпти, ҳеч қандай мажбуриятлар уни ташвишга солмаяпти.

*Эҳтиёткөр одам күпинча
юриши пайтида дастлаға оёнини
төбөн қисмини досади ға астапа-
секин оёқ ушила онышини
ташилади. Унин оёни тағ
қисмини бирданша досланини
хең күрмайсиз. У ҳамма нарсада
эҳтиёткөрмикни унумтмайди,
жумаадан қадам ташлаша
ҳам. Зеро, «эҳтиёт ғұмыр
қадам дос» иборасы декора
айтпималан.*

Агар инсон юрган пайтида оёқлари билан қаттиқ тапиллатиб юрса, бу унинг атрофдагилар эътиборини ўзига тортишни қаттиқ хоҳлаётганидан дарап беради. У ўзини жуда мухим инсон сифатида ҳис қиласи ва ўзининг одамлар орасида ҳозир бўлишини ҳам баралла маълум қилгиси келади.

Аёлларнинг қадам босиши эса алоҳида масала. Аёл киши қандай ҳаракатланаёттанига қараб туриб, унинг мақсади, ҳаётдаги

ўзи учун белгилаб олган дастуриламалини аниқлаш мумкин. Агар аёл киши секин қадам ташласа, қадамлари майды-майды, ёнбошини оҳиста силкитиб юраётган бўлса, демак, у айни вақтда қарама-қарши жинс вакиллари орасидан ўзига ҳамроҳ қидирмоқда, унинг мақсади – атрофдаги эрка-кларнинг эътиборини тортиш.

Агар аёл киши ўзига қатъий ишонч билан, пошналарини тақиллатиб, ёнбошларини қаттиқ силкитиб юрадиган бўлса, бу унинг иш юзасидан мулоқотга шай кайфиятда эканлигини билдиради. Бу аёл қатъиятли, ишбилармон бўлиб, ўзининг ҳаётий дастуриламалларидан воз кечиши эҳтимолдан жуда узоқ. Аёл киши бир оёғидан иккинчисига оғирлигини ташлаб, маймоқланиб қадам ташласа, демак, у аёлларнинг мухим қуроли – қадам ташлаш маҳоратидан фойдаланишни ўрганмаган. Бундай аёл уй-хўжалик юмушлари билан шуғулланишга одатланган. Унинг тақдир қисмати – уй-рўзғор, оила. У кўп фарзандли она бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Агар аёл киши пилдираб юришга одатланган, шахдам, шиддат билан қадам ташлайдиган, юрган пайтда қўллари силкиниб турадиган, ёнбоши деярли силкинмайдиган бўлса, бу унинг эмин-эркинликка ўрганганидан далолат. Ўз қадам ташлаши билан у эркак кишига тақлид қиласи, уни кучли жинс вакилларининг эътибори қизиқтирмайди.

41-қоида

Бүкчайши – бадгумонлик аломати

*Ушоду дўлимда ўзаро
дөнсиликлар ҳақида сўз
доради: тана ҳолати – инсон
характери, тана ҳолати –
инсон кайфияти. Гавдани тик
тұтыщи нафақат оқсусяклик
белиси, балки етаршыла ўзига
ишонч ёки аксинча, дўкча-
йиши – ўзига ишонч ийқлиши,
хаттпо өөсвөсмик, хар нарсадан
шумонсираш аломати эканини
ҳақида фикр кені тарқалаш.*

Гавдани рисоладагидек тутиш одати ийллар давомида шаклланади, бу нафақат болалиқда түғри шаклланган скелет, балки сизнинг ўзингизга, ўз кучингизга ишончингиз, олдингизга қўйган мақсадингизга эришишда қатъийлигинги белгисидир. Тананинг букчайган ҳолати инсоннинг эркин эмаслиги, доимо ўзидан айб қидиришга мойиллиги, ўзига ишончнинг етишмаслигидан далолат беради. Елкасини букчайти-рар экан, инсон дунёдан бекинишга, атроф муҳитдан паналанишга ҳаракат қиласи. Бу тананинг ҳимоя ҳолатидир.

Гавдани рисоладагидек тутиш нафақат характернинг акси, балки бир дақиқалик кайфият, ўткинчи руҳий-ҳиссий тўлқинланиш ифодаси. Сезган бўлсангиз, инсон-

га кўнгилли хабар етказилганда, унинг елкалари ростланади, у борлиқ олдида ўзининг бор кўркини намойиш қилиш учун қаддини ғоз тутади. Агар инсонга ноҳуш хабар етказсак, умуман бошқа манзарани кўрамиз: у шу заҳоти икки карра букчаяди ва бу билан кўнгилсизликлардан яширинишига ҳаракат қиласди.

Агар инсон бироз букчайиб туриш ва юришга, бир елкасини баланд, иккincinnисини паст тутишга одатланган бўлса, бу унинг бекарорлигидан, эҳтимол, унда аниқ нуқтаи назар йўқлиги, иккиюзламачилиги, ёлғонга мойиллигидан дарак бериши мумкин. Майнавозчилик, ўзининг чинакам табиатини яшириб юриш ёки бетакрорлигини кўрсатиш истаги каби иллатлар унга хос бўлиши мумкин. Тана ning номутаносиблиги – сухбатдошингизнинг унчалик самимий эмаслиги, ёлғон гапиришга ўрганиб қолганлиги далолати. Агар инсон кўкрагини олдинга бўрттириб олса, бу ҳаддан зиёд ўзига бино қўйганлик, ўзига қатъий ишонч ва калондимоғликни билдириши мумкин. Инсон гўё ўзининг қадр-қимматини кўз-кўз қилаётган бўлади. Агар гавданинг орқа қисми ортга букчайган бўлса ва юқори қисми олдинга интилиб турса, бу инсоннинг синчковлиги, қизиқувчанлиги, ҳамма нарсадан биринчи бўлиб хабардор бўлишга интилишидан далолат беради.

42-қоида

Үз шахсий доиранизни берк тутиңг

*Инсонда қандаі масофадан
мұомала қылыш құлаішша қарағ,
унині мақсади ҳар хиі әйлиши
мүмкін. Айар инсон сиз билан
узоқ масофадан ғаплашаёттан
әйлса, дұ унині сиз билан
мұомала қылышта хүши ішкішшіни
дилдиради. Айар жуда яқин келан
тақдырда ҳам унда ғарағын ният
деріншін ехтимоли мавжуд.*

Инсонлар орасидаги үзаро алоқанинг бир неча доиралари мавжуд. Үзаро алоқанинг узоқ доираси – 1 метрдан 70 сантиметргача. Алоқанинг яқин доираси – 70-50 сантиметр. 50 сантиметрдан кам масофа – интим (яғни, ўта яқин, ҳиссий) алоқа.

Агар инсон сиздан узоқ масофада үзини етарлича қулай ҳис қылса, доим 70 сантиметрдан яқин келмайди ва бу масофани камайтиришга ҳар қанча ҳаракат қылсанғиз ҳам, у сиздан узоқлашишга ёки сұхбатни тұхтатишиға ҳаракат қиласы – у сиз билан үзаро ишончли сұхбат масофасида әмас. Аникроғи, унда сиз билан дүстона муносабатта киришишга хоҳиши йүқ. Эхтимол, сиз билан ғаплашиш унга шунчаки хуш ёқмайди.

Агар инсон сиз томонға 70 дан 50 сантиметргача яқин келса, билингки, бу үзаро

алоқанинг энг қулай доирасидир. Бу доира сұхбатдошларга, шахсий доирани бузмagan ҳолда, бир-бирини яхши қабул қилишга имкон туғдиради. Бундай хатти-харакат сұхбатдошингизнинг одоб-аҳлоқ қоидаси ва меъёрларини билишидан, қолаверса, сизга муносабати ёмон эмаслигидан, сизнинг ёнингизда ўзини етарлича қулай хис қилишидан далолат беради. Гарчи бу инсон сизнинг ҳиссий ҳудудингизга киришга ва ўзининг шундай ҳудудига сизни киритишга шай бўлмаса ҳам, у хавфсиз масофада туришни, рисоладагидек одоб-аҳлоқ меъёrlа-рига амал қилишни маъкул кўрмоқда.

*Агар инсон сизнини шахсий
доирангизни дўзишига ҳаракат
қиласа, оюх дўйини – унини
ниятни хомис дўймаслини мумкин.
Айдатта, агар дўу инсон
сизнини яқин дўстиниң ёки
қариндошиниң дўйса, унини
ўзини тұмтишида хеч қандай
ножуя хаттши-харакат йўж. Биз
доим ўзимизга яқин инсонларни
қумоқ очиш қарши оламиз,
уларнини шахсий ҳудудига
кирамиз, ўтиш, қумоқлаимиз.*

Лекин инсон сизга унчалик таниш бўлмаса ва сизнинг шахсий доирангизни бузишга дарҳол ҳаракат қиласа, бу хавотирли сигнал. Эҳтимол, у сизнинг ишончингиздан фойдаланиб, ҳийла ишлатмоқчиидир.

Бундай ҳолларда кечиктирмай ҳаракат қилиш лозим. Агар сизга унча таниш бўлмаган инсон мулоқот жараёнида ораларингиздаги масофани 50 сантиметрдан камайтиришга ҳаракат қилаётган бўлса, зинҳор бунга йўл қўйманг. Сабабини тушунтириб ўтирмасдан унинг олдидан кетинг ёки ораларингизда бирон тўсиқ пайдо қилишга интилингки, натижада сурбет сухбатдошингиз сизга жуда яқин кела олмасин. Масалан, панжара ортига ўтинг, эшикни бошқа тарафдан ёпинг ёки ораларингизда рамзий тўсиқ вазифасини ўташи учун учинчي бир шахсдан фойдаланинг.

Сухбатдошингиз ҳақидаги муҳим манба сифатида бошқа новербал сигнал ҳам мавжуд – унинг макондаги жойлашиши. Бу новербал сигнал сухбатдошнинг ният-мақсадидан дарак беради. Сухбат давомида энг кенг тарқалган ҳолат – қарама-қарши жойлашиш. Агар сухбатдошингиз бу вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилаётган бўлса, ён томонингизга ўтиб туриш ёки ўтиришга ҳаракат қиласа, бундан чиқди, у сиз билан яқинроқ алоқа қилиш, сиз учун яқинроқ инсон бўлиш ниятида. Бироқ инсон вазиятни ўзгартириб, сизнинг нигоҳингиздан четлашишга ҳаракат қиласа, сиз эҳтиёт бўлинг. Сухбатдошингиз атайлаб, уни назорат қила олмаслигингиз, унинг ғайрихтиёрий реакцияларини кузата олмай қолишингиз учун сизнинг ён тарафингизга ўтиб олаётган бўлиши мумкин.

Сұхбатдошингиз вазиятни ўзгартиришида яна бир маъно бор. Айтайлик, сұхбат давомида қалтис вазият юзага келди, келишмовчилик пайдо бўлди, бу вазиятдан қутулиш мақсадида, сизлар тўсиқнинг икки тарафида жойлашганингиз – бир-бинингизга қарама-қарши ўтиришингиз ёки туришингизда намоён бўлаётган тарафларнинг сезиларли қарама-қаршилигини бартараф қилиш учун сұхбатдошингиз атайин ёнингизга ўтиб ўтириши мумкин. Ёнингиздан жой олиб, инсон келишмовчиликни йўқотишга интилади. Қолаверса, бу унинг муросага келишишга тайёрлиги ҳақидаги сигналдир.

43-қоида

Одамларни фарқлашда кулгининг ўрни

*Кумининг кўтиаб қиёфалари
мавжуд. Инсон кумисининг
сааблари асафи тараникни
тарқатиши, бирон кишининг
ищончини қозониши, бирон кишига
ёкиши, кўркубни ениши учун
кадиардирип. Бундай хима-хисобни
фаҳмиаб олиши учун ҳар бир куми
түррининг хусусиятиарини билиши
лозим бўлади. Келинг, инсон кумиси
нималарни бидоришини таҳли
қилишилик.*

Кулги табассум сингари ёрқин, очик ёки вазмин, ёпиқ бўлиши мумкин. Ҳар бир турнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Очик кулгидаги тишлар кўриниб турди. Агар сухбатдошингиз қаршингизда юқорида тасвирлангандек кулса, хурсанд бўлишингиз мумкин, сиз дилтортар инсон экансиз, сиз билан мулоқот қилиш сухбатдошингиз учун ҳар жиҳатдан қулагай ва ёқимли. У сизга ихлос қўймоқда, сизга нисбатан ўзаро ишончли муносабат кайфиятида.

Агар сухбатдошингиз қаршингизда ёпиқ кулги билан кулаётган бўлса, босиклик билан оғзини очмасликка ҳаракат қилиб, қаҳқаҳадан ўзини тияётган бўлса, қолаверса, нафас ҳавоси бурун орқали йўналаётган бўлса, ёқимсизроқ туюлади-

ган бурун кулгиси эфекти ҳосил бўлаётган бўлса, бу сухбатдош инсонга сизнинг жамо-ангизда ноқулай бўлаётгани, у ўзини очиқ намоён қилишга, ўз ҳис-туйғуларини кўрсатишга тайёр эмаслигидан далолат. Балки сизлар бир-бирингизни етарлича яхши билмассиз. Эҳтимол, сизда шунчаки, атрофадагиларнинг ишончини қозониш қобилияти ёки кўнникмаси мавжуд эмасдир.

Агар инсон ўз кулгисини тийишга ҳаракат қилаётган бўлса, у сиз билан алоқага киришиш ниятида эмас. Балки бу сухбатдошингиз табиатан ёпиқ феъл-атворли инсондир, атрофдагиларга ўз ҳис-туйғуларини ишонишга одатланмагандир, ўзининг ички сирларини кўрсатишни хоҳла-маётгандир.

Агар инсон кулгиси қиқирлаб ёки ҳингиллаб қулишни эслатаётган бўлса, бу шундан далолатки, кулги соҳиби ёпиқ ёки ёлғончи, ясама феъл-атворли инсон бўлиши мумкин. У ҳеч қачон, ёлғон гапириш зарур бўлмаган тақдирда ҳам, сизга бутун ҳақиқатни айтмайди.

Агар инсон, мавзу унга кулгилими-йўқми, тинмай кулаётган бўлса, ўзини қувноқ ва яхши кайфиятда қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласа, унинг кулгиси ўзининг комплекс¹ларини енгишга ёрдамлашувчи ниқоб бўлиши мумкин. Бундай инсонлар кўпинча камсуқум ва тортичкоқ бўлади-

¹ Бу ўринда: ўз камчилик ва қусурларидан қаттиқ уялиш (бу камчиликлар ҳақиқий ёки хаёлий бўлиши мумкин); норасолик комплекси.

лар. Кулги – ўзига хос ҳимоя усули. Агар инсон ҳамма нарсага кулаверса, киноя қи-
лаверса, бу фақат хушчақчақ феъл-автор
белгиси әмас, балки ўз камчилекларини,
ғазабини, ҳасадини, салбий ҳис-туйғулари-
ни яшириш истаги бўлиши ҳам мумкин.

Агар инсон қўкрак қафаси билан,
шовқинсиз кулаётган бўлса (масалан,
мултфильмлардаги ёвузлар каби), бу
устунлик белгиси. Бу ҳолда инсонда нохуш
ният-мақсадлар ҳам бўлиши мумкин. Бун-
дай кулги ҳатто одамни қўрқитади. Лекин
бу инсон бошқа иложини топа олмагани-
дан, сизни кулгиси билан қўрқитмоқчи
бўлаётгани қўпроқ эҳтимолга яқин. У сиз
учун хавфли әмас.

Агар инсон умуман кулгили бўлма-
ган нарсага ҳам ўринсиз кулаётган бўлса,
бу қаршингиздаги инсон ҳис-туйғуга тез
бериувчан, асабийликка мойиллиги-
нинг белгисидир. Бу инсоннинг асаблари
таранглари турган, унинг ичини ит тир-
наётган бўлиши мумкин, у эса кулги орқа-
ли асаблари чигилини ёзмоқда. Бундай
асабий, кескин, қаҳқаҳага ўхшаш кулги
соҳиби билан эҳтиёткорона муомала қи-
лиш керак. Сал ўринсиз ҳазил қилиб ёки
нохушроқ гап айтиб қўйсангиз, у чидай
олмай, захрини сизга сочиши мумкин:
қаҳқаҳали кулги жазавага айланади.

44-қоида **Инсоннинг чекиши тарзига** **қараб у ҳақда нималарни** **билиб олиш мумкин?**

*Чекиши тарзи – шундай
ўзнига хос тири, алифбою, бу
тиридан яхши хафардор киши
чекубчинини кайфияти, унинг
фикр-ўйлари, қандай қарор қабул
қилишини аниқлаш олиши мумкин.
Кашандаларниң ҳар бир
имо-ищораси дөтакрор, лекин
чекиши йўсимида ўзини намоён
қилишини универсал усулари
мавжуд.*

Чекувчи қайси тарафга қараб тутун чиқараётганига қараб, унинг қандай қарор қабул қилаётгани ҳақида холоса қилиш мумкин. Агар тутун оқими пастга қараб йўналса, сухбатдошингиз салбий қарор қабул қилмоқда, у сизга инкор жавоби бермоқчи. Агар тутун тепага кетаётган бўлса, унинг қарори ижобий бўлади. Агарда тутун ён атрофга йўналса, демак, сухбатдошингиз ҳали икки ўт орасида турибди, у ҳал қилувчи қарор қабул қилгани йўқ.

Инсон сигаретни қандай ушлаб турганига қараб унинг кайфиятини, ўй-мақсадини аниқлаш мумкин. Чекувчи сигаретни ушлаб турган чоғида қўли мушт ҳолатда бўлса, демак, унинг кайфияти ёмон, у сухбатдошидан ўз ҳис-туйғула-

рини яширишга ҳаракат қилмоқда, ўзининг ҳақиқий фикрларини, нимага ахд қилганини яширишга уринмоқда. Агар сигарет чўзилган ўрта ва кўрсаткич бармоқлар орасида бўлса, бундан чиқди, сұхбатдошингиз ўзига ишонган инсон, муносабатга киришишга шай, у билан сұхбат самарали бўлиши мумкин. Агар аёл киши сигарет ушлаб турган чоғида унинг билаги эркак томонга қараб турган бўлса, бу ноз-карашма аломати бўлади. У шу йўсин эркак билан ўйнашмоқда.

Кашанданинг қандай тезлиқда чекиши ҳам муҳим таърифга эга. Агар жуда тез чекса ва сигарет тутунини шиддат билан ичига тортса, бу унинг жуда фаол ҳаёт тарзи олиб боришидан, ҳамма ишни югуриб бажариши, доим шошиб, жоникиб юришидан дарак беради. У доим ғайрат-шижоат билан ҳаракат қиласи. Агар инсон секин чекса, бу унинг бир маромда, унча фаол бўлмаган ҳаёт кечиришидан далолат. Үнда доим қарор қилишдан аввал танлаш имконияти учун, ўйлаб мулоҳаза қилиш учун вақт топилади. Бундай инсон – мутафаккир, яъни чуқур фикр қилувчи киши: кўп фикрлайди, таҳлил қиласи. У руҳан барқарор, ҳиссиётлари босик, вазмин. У ижодий касбга тааллуқли инсонлиги эҳтимоли бор, чунки ижодий жараён учун мулоҳаза муҳимдир.

Агар инсон чекиш чоғида кўзларини юмса, бу унинг чуқур ўй-хаёлларга берил-

ганидан, ўз фикри билан ўзи оворалигидан дарак беради. Яхшиси, унга саволлар билан халал бермаган маъкул.

*Агар киции тұмтұнни
инишка қилиб пүфласа, дұ
унині дадилши, жұшқын феңл-
аттарлы эканиши бөлиси бұшиши
мүмкін. Ү мұхит қарорлар
қабыл қилиңде одатланған,
масъұшағыт, жағоғдарлық юки
нималишини ғылады. Агар инсон
сиярет тұмтұнини рағон,
әхисіта, «халқачаңар» шакыда
чиқарса, дұ унині дүниешілкка,
тамашникка өң үйчаникка
мойныши, табиаттан эса юмшоқ,
иккимануғынан өң жүрьеңсиз рок
еканидан дарак беріши мүмкін.*

45-қоида
Дидсиз кийиниш – ажралиб
туриш истагими ёки
атрофдагиларга нисбатан
хурматсизликми?

*Сұхбаға~~шынның~~ та~~шы~~ки
күрини~~шы~~са~~да~~ны озодалик нимадан
хикоя қылады? Бұ~~шунда~~нан
даолат~~ты~~ки, сұхбаға~~шынның~~ бөші~~ка~~
инсонлардан ажрали~~б~~ түри~~шы~~да
ағзаликни хү~~ш~~ күрады ёки дұ
унині атрофда~~ны~~ инсонларға
нисбатан ях~~ши~~ мұносабат~~да~~
жеканши~~ни~~, уни қадр~~ла~~шарини
хөхла~~ши~~ни ділдирады.*

Қайсиdir маңнода ташқи күриниш инсон кайфиятининг акси ҳисобланади. Ташқи күринишга қараб инсоннинг қандайлигини, у үзига нисбатан қандай мұносабатда әканлигини аниклаб олиш мумкин. Агар катта ёшли киши норасмий, ўсмирларға хос устубдаги кийимларни хуш күрса, бу унинг шахс сифатида шаклланмаганидан далолат беради. Бу атрофдагилар таъна-хужумларидан, әхтимолий айблов ва танбекхлардан ҳимояланиш услуги бўлиши ҳам мумкин: «Мен ҳали жуда ёшман, шунинг учун мени хатоларим учун айбламанглар». Доим ёш бола бўлиб қолиш истаги, кийиниш услугидаги улғаймай қолиш хусусияти инсоннинг ўз қимшишларига мустақил жавоб беришга тайёр эмаслигидан дарак беради.

Агар инсон кўзга ташланувчан ва жимжимадор кийинадиган бўлса, бу унинг бир тусдаги, бир қолипдаги инсонлар оммаси орасида ажралиб туришга интилишидан, ўзининг уринишларини муносиб баҳолашларини хоҳлашидан далолат беради. Эҳтимол, у лидерлик (раҳбарлик, пешқадамлик) ўрнини эгалламоқчиидир. Бундай кийим ҳам атрофдагилардан ҳимоя сифатида хизмат қилиши мумкин, чунки бундай кийим ортида инсон ўзининг чинакам «Мен»ини яширади. Айниқса, инсоннинг шахсий белгилари, феъл-автори у кутган-дек бўлиб чиқмаганда у ниқоб тақади, ўзининг табиатидаги журъатсизлиги, соддалиги ва камсуқумлигини ёрқин кийимлар билан бекитади. Баъзан бундай усул қўл келади ва журъатсиз, ўзига ишонмайдиган инсон етилган, у жуда кучли шахсга айланади.

Спортчиларга хос услуг – инсоннинг максимал осон ва оддий тарзда ўзига ишонган ва омадли қўриниш истаги. Бир тарафдан кийим инсонга ўзига ишонч бағишлайди, бошқа жиҳатдан кўп уриниш талаб қилмайди. Спорт кийими алоҳида эътибор талаб қилмайди, унда ҳар қандай одам ўзини енгил ва қулай ҳис қиласди. Агар кийимларингиз орасида спортта хос кийим кўп бўлса, сиз ҳақингизда унча ижобий бўлмаган тасаввур уйғониши мумкин. Сиз ҳақингизда дангаса, ҳамма нарсани имкон қадар соддалаштиришни хоҳлайдиган инсон деб ўйлай бошлайдилар.

Классик услубдаги кийим – ҳаётда учрайдиган ҳар қандай вазият учун қулай ва мос келаверадиган кийим тури. У ҳар қандай ҳолатта мувофиқ келади ва ҳеч қачон бирорнинг ғашига тегмайди. Сиз аввалдан бошқалардан устун кўринишни истамайсиз, ташқи кўринишингиз билан қийин ишни қилишга қодир эмаслигингида урғу бериб, қурбингиз етмайдиган нарсага бошқалар эътиборини тортмайсиз. Сизга жиддий инсон сифатида муносабатда бўлишади, қандай кийинганингизга эмас, балки шахсий хусусиятларингизга қараб муомала қилишади. Сиз атрофдагиларни энг сўнгти урфда кийинтирилган дўкон қўғирчоғи эмас, балки чинакам шахс сифатида қизиқтирасиз.

Агар сизнинг кийимингиз палапартишлиқдан холи бўлмаса, бу урфдан қолмаслигинги, сизнинг дунёқарашингиз ифодаси, лекин биринчи, навбатда, бу атрофдагиларга нисбатан хурматсизлик белгиси ҳисобланади. Агар сиз ўз ташқи кўринишингизга етарлича эътибор қаратмасангиз, айнан шу билан сиз ўзингизгача ўйлаб топилган ва ўрнатилган барча қоида ва анъаналарни бузишга интиласиз. Агар сипо кийинмасдан барчани ўзингизнинг ғайриоддийлигинги билан ўзингизга жалб қилишни, бу билан атрофдагиларни лол қолдиришни қўзлассангиз, бу баъзида бошқаларга нисбатан ўринсиз ва беадаб муносабат белгиси ҳисобланади. Унутманг: кийинищдаги ғайриоддийлик фақат

сиз жамият орасида у ҳақида аник фикр шаклланган машхур инсон бўлган тақдирингиздагина кечиримли бўлади. Шоубизнес вакилларига ҳамма нарса мумкин. Мавжуд қоида ва анъаналарни бузиш уларнинг мажбуриятига киради, акс ҳолда уларга қизиқиш йўқолади. Шундай инсонлар тоифасига кирган тақдирингизда эса, кўпчилик танимайдиган инсонлар қатнашадиган, иш юзасидан учрашув ёки кечага ўрнатилиган қоидаларга қарши кийиниш тақиқланади. Ўзингиз билан мулоқот қилиши мумкин бўлган барча инсонларни чўчитиб, кечани ёлғизлиқда ўтказишга тавакkal қилмаганингиз маъқул.

Ўта синчковлик, ўта расмиятчилик билан кийиниш ҳам ярамайди. Агар сиз ҳаддан зиёд сипо кийинсангиз, устингизда бўйнингизгача тутмалари қадалган, «ёғ тушса ялагудек» расо костюмда бўлсангиз ҳам, атрофдагиларни чўчитиб қўйишингиз мумкин. Бу ҳам инсоннинг ўзига хосликдан маҳрумлигини билдиради. Классик услубни танлар экансиз, ўз ички дунёингизни классик костюмингизда ифодалашдан қочманг: ўзига хослигингизни билдириб туриш учун соат, кўзойнак ёки бошқа замонавий аксессуар, ўзига хос пойабзалдан фойдаланишингиз мумкин. Шунда сиз ҳақингизда таассурот уйғонади.

46-қоида
Сирға, түұнағич, узук –
әңг яхши маълумот берувчи
аломатлар

*Күп ҳоларда біз инсондар
тақиғ юрган тақинчоқларға
жөндиор бермаймыз ға дұшын
каптің хаттоға ішім құямыз.
Кийимдегі мос тақинчоқны түркі
тандаудың фақатина дид
түйнүсідан дарап бермайды.
Тақинчоқлар үзинині сохибы ҳақида
хикоя қылады. Мұхити – инсон
тақиғи күрінішина ёзиғ құйылан
ды «хикоя»ни үқияй димиши.*

Тақинчоқ танлар экан, инсон үзининг индивидуаллиги, шахсиятини ифода-лайди. Кийим танлаш, кийим бичими ва ранги нафақат инсон ёқтирган нарсалари, балки урға әргашиш даражасидан дарап берадиган бўлса, тақинчоқлар бироз бош-қача: улар индивидуал хусусиятлардан сўзлайди. Инсон доимо ўз феъл-атвори, индивидуаллиги, шахсиятига хос тақин-чоқ танлайди.

Маълумки, ҳар ким ўзига мос келадиган тошли тақинчоқ тақишига ҳаракат қиласади. Ҳар бир тош ўз хусусиятларига кўра фарқланиб туради ва инсоннинг бир қатор хусусиятлари тўпламига мувофиқ бўлади. Қуйида «тош – феъл-атвор» мувофиқлиги ҳақида бироз ҳикоя қиласиз.

Агар сұхбатдошингизнинг марварид қадалган тақинчоқларга қизиқишини сезсанғиз, билингки, бу унинг озодалик, назокат ва бегуборликка интилишидан дарап беради. Бу, шунингдек, билим, яъни маърифат тоши ҳам ҳисобланиб, сұхбатдошингиз «яширин» ақлий салоҳиятта эга бўлиши ҳам мумкин. Агар сұхбатдошингиз кўксидаги зумрадли кулонга кўзингиз тушса, унга эътиборингизни жалб қилинг. Бу – садоқат тоши. Ривоятларга кўра, эр-хотиндан бири бевафолик қилганда, у парчаланиб кетади. Бу инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг анъаналари ва қоидаларига содик қолади. Нақлга кўра, бу тош фақат соғ виждонли инсонларга ёрдам беради, ёлғончи ва иккиюзламачи одамларга эса ўз режаларини амалга оширишда тўсқинлик қиласди. Агар сұхбатдошингиз кўксисда лаъл (рубин) кўзли тўғнағичга кўзингиз тушса, бу тақинчоқ доим ҳам яхши фазилатлар белгиси эмаслигини унутманг. Лаъл ҳар қандай инсонга куч бағишлайди. Унга мурожаат қилган ҳар қандай инсон, одатда, ундан кўмак олади. Лекин эҳтиёткорликни унутманг. Агар инсон кўнглида нохуш мақсадлар бўлса, у муваффақиятта эришиши мумкин. Аквамарин – севишишганлар тоши. Агар сұхбатдошингизда ушбу тош қадалган тақинчоқ бўлса, унинг кўнгли забт этилгани эҳтимолдан холи эмас. Олмос тумор сифатида ҳам тақилишиб мумкин. Агар сұхбатдошингизда ушбу тош бўлса, демак, у атрофдагиларнинг ҳу-

жумидан ҳимояланишга мойил, уни хафа қилишларидан хавотирда юрадиган инсон бўлади. Агар инсон ёкут тошини афзал биладиганлар тоифасидан бўлса, бу унинг ўз соғлиғи ҳақида қайғуратидан инсонлигининг аломати бўлиши мумкин. Бу саломатлик ва хотиржамлик тоши ҳисобланади. Феруза – жуда фаол тош. Нақлга кўра, уни ўзига қаттиқ ишонган ва ғалаба йўлидан тоймайдиган инсонлар тақиб юришади.

*Тақинчоқларниң мұллаши
сұхба~~т~~до~~ш~~ини~~ш~~изниң
а~~т~~роф~~д~~ашылардан ажраси~~б~~
түрищни хоҳлаши~~н~~
ди~~и~~дира~~д~~и. Бу инсонниң яққол
инди~~и~~в~~и~~д~~и~~гуал~~и~~ши, бетакрор
инсонши~~и~~ ёки т~~а~~моман аксина,
ўзша хос хүсусиятлардан
холиши~~и~~ белиси. Инсон
тақинчоқларга дүркани~~б~~,
ўзиниң камчишикларини
яцириши~~а~~ ҳаракат қила~~д~~.
Аяар инсонда умуман
тақинчоқ дўймаса, бу ҳам
униниң инди~~и~~в~~и~~д~~и~~гуал хүсусиятлар
дорасида камбагал~~и~~ши, ўзша
муноси~~б~~ дўюмни танлай
оласиши~~и~~ ёки умуман
ўзша эъти~~б~~ор берма~~й~~шиган
инсонши~~и~~ни~~ш~~ ди~~и~~дира~~д~~иши мумкин.*

47-қоида

Атир ҳиди инсоннинг мижози (темпераменти) ҳақида сўзлайди

*Агарда сездан дўйсанниż, ҳар
дир инсон ўзинини дигита хос
атири танлаиди. Атири танлаши
– инсон ҳақида кўп маълумот
дерубчи фақат индибиудуал
танлоб. Сезирик қодисиятиниż
яхши дўйса, дир ҳидни бошқасидан
ажратта дўйсанниż, бузнини
маслаҳатларимиздан фойдалана
оласиż ва инсон табиатини унинг
атири ҳидита қарааб аниқлаисиż.*

Атир бошқаларга ёкиш, ўз ҳидини хушбўй қилиш учун танланади, деган фикр бор, лекин ҳаммага ёкишнинг иложи йўқ. Шунинг учун атир танлашда ҳар ким ўз дидига суюнади. Инсон ўзига ёқмаган ҳид билан юра олмайди, ҳатто бошқа кўпчиликка ёқсан ҳид бўлган тақдирда ҳам. Шу сабаб, ҳид танлаш – сизнинг бутунлай шахсий танловингиз.

Агар инсон ширин, гулларга ёки меваларга хос муаттар ҳидларни хуш кўрса, ундан бирон-бир тропик мева ёки ғайриодатий, экзотик гулларнинг ҳиди келади. Бу шундан далолатки, бундай инсон экстраверт¹ табиатли, атрофдагиларга очиқ

¹ Ўз кечинма ва қизиқишларида ташки олам объектларига эътибор берадиган, одамлар билан муносабатга осон киришадиган; киришимли

күнгил ва ўз ҳис-туйғуларини яширмайди. Одатда, бундай атияларни танловчи кишилар сангвиник темпераментта хос бўлиб, ўзларига эътиборни тортишдан доим кўнгиллари кўтарилади ва ҳиссий жиҳатдан оғир-вазмин, босиқ феъли.

Агар инсон мусаффо, лекин ўткир бўлмаган, сокин ҳидларни ёқтираса (алой, денгиз шабадаси, барра мевалар – лимон, олма), бундан чиқди, у интроверт¹ табиатли, атрофдагиларга кўнгил очавермайдиган, биринчи учраган одамга ишониб муомала қилавермайдиган шахс. У бетона инсон билан жуда эҳтиёткорона, сергаклик билан, ҳадиссираб муомала қиласи. Ҳеч қачон бирданига дилидагини очиқ гапирмайди. У етарлича босиқ, вазмин, ҳиссиётга берилавермайдиган шахс. Бундай ҳид танлаш одати инсоннинг меланхолик ёки флегматик эканлигидан дарак беради.

Агар инсон ўткир, кучли ҳидларни яхши кўрса, бу унинг ҳиссиётларга тез берилувчан эканлиги аломатидир. Ўткир ва кучли ҳидни танловчи одамлар бошқалар томонидан сезилиб туришни хоҳлайдилар. Улар ҳамма нарсада ўзларини кўрсатишга уринадилар, жумладан, жуда кучли, баъзан ёқимсиз ҳидларни танлаб оладилар. Бундай ҳид танловчи шахслар холерик темперамент эгаси бўлиб, ҳиссиётта ўта берилувчан, лекин айни пайтда бошқалар билан муомала-муносабатда фаол инсонлардир.

¹ Кўпроқ ўз ички дунёсида яшайдиган, фаол муомалага мойил бўлмаган ва атрофдаги шахслар билан муносабатга осон киришполмайдиган

48-қоида

Күзойнакли одам – мулоҳазага сабаб

*Агар инсон күзойнак тақса,
бұу үнині табиаты ҳақида күп
нарса ҳикоя қилиши мүмкін.
Күзойнак танлаш, у білан
манипулация¹лар қилиші – бұу,
аксар хемарда, тасодиғий
харакаттар әмас, ғалки нөвердәл
сигналар дўзиб, уларни таъдири
қилишини ўргансаншыз, инсон
хақида күп мағлумоттар
деради.*

Агар инсон шамол ёки қуёш бўлмаган тақдирда ҳам қорайтирилган ойначали күзойнак тақиб юрса, бу унинг табиатидаги дамдузлик, яъни кўнглини бировга ёрмаслик хусусияти, унинг атрофдагиларга нисбатан ҳадиксираб муносабатда бўлишидан далолат бўлиши мумкин. Суҳбат жараёнида у кўзларини яширишга ҳараткат қилмоқда, чунки сиз билан муомалага киришишда ноқулайлик ҳис қилмоқда.

Баъзан инсон бошқаларга ақлли ёки басавлат кўриниш учун, контакт линза тақиши имкони бўлсада, күзойнак тақиб юради. Агар инсон ўзининг ташқи кўриниши унинг мақсадларига эришишга тўскىнлик қилиши мумкин деган хаёлда бўлса ёки ўзининг ақлий ёки пешқадамлик фазилат-

¹ Бирон предметни қўлда ўйнаш, қўл ишида мураккаб ва нозик ҳаракатлар

ларига ишончи комил бўлмаса, у атрофда-
гиларнинг хурматини қозониш учун бош-
қа воситалардан фойдаланади, кўзойнак
тақиши ҳам баъзан шулар жумласига кира-
ди ва басавлат ҳамда омадли инсон қиёфа-
сини шакллантиришга хизмат қиласди.

Кўзойнак, шунингдек, инсоннинг
атрофагиларга, сухбат жараёнидаги мав-
зуга нисбатан ўз муносабатини намойиш
қилиш воситаси ҳамдир. Қолаверса, кў-
зойнак ёрдамида инсоннинг ўй-мақсадла-
рини ҳам аниқлаш мумкин. Агар инсон
ҳадеб кўзойнагини ечиб, унинг ойнасини
артаверса, бу унинг вақтни чўзаётганидан
далолат. У сизнинг таклифингизни му-
лоҳаза қилиб кўриб, сизнинг фикрингиз-
ни ўзгартириш учун далиллар топишга
ҳаракат қилаётган бўлиши ҳам мумкин.
Агар у кўзойнагини ечиб, намойишкорона
уни филофига ёки сумкасига солиб қўйса,
бу унинг тезроқ кетишга шайланиб турга-
нидан дарак беради, чунки у ўзига етарли
маълумотга эга бўлди, керакли омиллар-
ни аниқлаштириди ва сухбатни чўзиб ўти-
ришдан маъни йўқ.

Агар инсон кўзойнагини ечиб, унинг
учини тишлаб ўтирса, бу унинг ўй-хаёлга
чўмгани, сизнинг таклифингиз ёки фик-
рингизни чуқур мулоҳаза қилаётгани ало-
мати бўлиб, айни пайтда унинг қулоғига
сизнинг гапингиз кирмаётган бўлиши мум-
кин. Агар у кўзойнагини бир қўлидан бош-
қасига тахлаб ўйнаётган бўлса, бу шундан
далолатки, у айни пайтда ўзини ноқулай

хис қилмоқда, сұхбат учун мавзу қидирмоқда. Бошқалар устидан ҳукм ўтказишига, раҳбарлик қилишига одатланған инсон күзойнақдан күрсаткич сифатида фойдалана-ди ва у билан бошқа предметларни күрсатади ёки шұнчаки құлида силкиб гапиради. Агар инсон күзойнак билан ҳар хил доира ёки бошқа шаклларни ҳавода чизса, бу сұхбат унинг ҳиқиқилдоғига келар даражада жонига теккани, сұхбатни тамомлаш зарурлигини күрсатувчи сигналдир.

Агар сиз билан учрашув өткінша инсон күзойнак тақиб олса, бу одобсизлик аломати бўлиб, бу қилиқни ҳатто назар-писанд қилмаслик, беҳурматлик белгиси сифатида ножӯя имо-ишоралар сафига киритиш мумкин. Баъзи ҳолларда, шу йўл билан инсон сизни яхшилаб, батафсил ўрганишига ҳаракат қилаётганини тушунтироқчи бўлади. Бундай ҳатти-ҳаракат фақатгина күзойнак соҳиби кекса ёшли бўлган тақдирда узрли ҳисобланади. Бу, шунингдек, ишончсизлик аломати ҳамдир: «Мен сизга ишонмайман, шунинг учун сизни синчиклаб кузатаман, мақсадим – сизнинг ёлғонингизни фош қилиш».

49-қоида Камалакнинг 7 ранги – инсонларнинг 7 тури

*Баъзи психолоғарнини
фикария кўра, ранги танлаш
инсон феъл-атборинини
асосий хусусиятиари билан
тўйридан-тўйри дозланган.
Чундай ҳам, рангар бизнинг
ички дунёимизни ифодалауди
ба бизнинг кайфиятимизга
таъсир ўтказади – кум-куббат
данашлауди ба ҳаётимизга
мазмун, мамнуният деради
ёки аксинча, кайфиятимизни
ўзгади, жахшимизни чиқаради
ба түзикунликка салади.*

Шунинг учун атрофимизни қандай ранглар билан ўрашимиз бизнинг ўзимизни қандай ҳис қилишимиз учун жуда муҳим. Олимлар ва психологлар томонидан ранглар қай йўсинда инсонга таъсир ўтказиши ва маълум бир ранг маълум бир инсонлар тоифасига қандай мос келиши борасида бир қанча назариялар ишлаб чиқилган. Ҳар ҳолда, ҳар биримизнинг ўзига хослигимиз сабабли, ўз ички туйғуларимизга ишониш холисроқ бўлишига ишонамиз. Шундай бўлса ҳам, илмий таҳлиллар натижалари бизнинг туйғуларимиз билан қай даражада мувофиқ келишини текшириб кўрамиз.

Агар сұхбатдошингизнинг түқ қизил рангта бўлган мойиллигини сезган бўлсангиз, билингки, қаршиңгизда ўзига ишончи юқори инсон турибди, унинг ички ва ташқи дунёсида яширин эҳтирослар ва шаҳвоний хусусиятлар мужассам. Агар сұхбатдошингиз қизил рангни ёқтирса, демак, у жizzаки ва нафсонияти кучли инсон бўлиб, буни атрофдагиларга очиқдан-очиқ намойиш қилишдан тоймайди. У ўзининг лидерликка (пешқадамликка) бўлган интилишини очиқдан-очиқ билдириб турди. Шубҳасизки, агар у пешқадамлик фазилатларига эга бўлмаса, ҳеч қандай кийим унга ёрдам бера олмайди. Агар сұхбатдошингиз түқ сариқ (апельсинга хос) рангли кийимларни афзал билса, демак, у ҳаракатдан толмайдиган инсонлиги эҳтимолга яқин: у ғалаба томон ҳаракатланар экан, ҳийла-найранг ва қувликни ишга солмай, муваффақиятта эришиш учун чинакам жон куйдириб тиришади.

Агар сұхбатдошингиз сариқ рангни хуш кўрса, бу унинг ақл-заковатли инсонлигидан дарак беради. Шунингдек, бу унинг фаол турмуш тарзини кечириши ва ноодатий шахс эканлигининг белгисидир. Яшил ранг тарафдорлари – ўта эҳтиёткор инсонлар бўлиб, улар фикр-мушоҳадали, чуқур мулоҳаза қилувчи инсонлар тоифасига киради, лекин улар ҳаракатчан бўлмайди. Агар сұхбатдошингизнинг ёқтирган ранги ҳаво ранг бўлса, бу унинг ижодкорлик хислатлари ва таъсирчан, нозик табиат-

ли эканлигининг аломатидир. Ҳаво ранг тусларни хуш кўрувчи шахс билан чинакам ҳаёт ўртасида тафовут мавжуд бўлиб, бундай инсон тасавурлар оламида яшайди. Агар ҳаво рангнинг тўқроқ тусларини (тўқ кўк ва бинафша ранг) ёқтиирса, бу шундан далолатки, сұхбатдошингиз мустақил инсон бўлиб, фавқулодда ақлий қобилият эгаси. Бинафша рангни ёқтириувчи инсонларда интуиция¹ жуда ривожланган бўлади.

Қора, кул ранг (бўз ранг) ва оқ ранглар 7 хил рангдан иборат камалак спектридан тушиб қолади, лекин барибир бу рангларнинг тарафдорлари ҳақида бир оғиз маълумот берамиз. Агар инсон қора рангли кийимларни баъзи-баъзида кийиб турса, бу инсон ўзини назорат қилишга интилмоқда, унинг фикри теран ва у ҳаётда ўз ўрнига эга. Агар қора рангли кийимларни бошқа ранглиларига нисбатан қўпроқ кийса, яъни асосан қора рангда кийиниб юрса, бу унинг атрофдагилардан яширинишга ҳаракат қилаётгани, унинг одамлардан безгани, улардан узокроқ кетишга интилиши, ўзига бўлган ишончининг сўнаётганидан далолат беради. Кул ранг – ўта масъулиятли ва тўғрисўз инсонларнинг ранги. Агар сұхбатдошингиз оқ рангни хуш кўрса, демак, бу қаршингиздаги инсонadolат, одилликка интилувчан шахс. Агар оқ ранг ҳаддан ташқари кўп бўлса, бу инсоннинг шахсий номуккаммаллиги ёки атрофдагиларга нисбатан ўзини ҳаддан ташқари катта олиши белгисидир.

¹ ички сезги, сезгирилик, ички ҳис

ХУЛОСА

Инсоният турли миллатларга мансуб кишилар бир-бири билан мулоқотта кириша олиши учун маҳсус сунъий тилларни яратади. Аслида эса, ҳеч нарса ўйлаб топишнинг зарурияти йўқ, фақатгина танамизнинг табиатига мурожаат қилиш кифоя: имо-ишоралар тили ёрдамида хорижлик сайёхга бирон меҳмонхонанинг қаерда жойлашганини шунчаки ўша тарафга қўлимизни чўзган ҳолда йўл кўрсатиб, осонгина тушунтириб қўйишимиз ёки бармоғимиз билан билагимизни кўрсатиб, бошқа тилда сўзлашувчи инсондан соат неча бўлганини сўраб олишимиз мумкин. Имо-ишоралар тили – мулоқотнинг универсал усули.

Биз кодланган сигналлар, таҳлил қилинмаган белгилар ва рамзлар дунёсида яшаймиз. Уларни ҳеч бўлмаса бирон киши бизни тўғри тушунар деган умидда бир-биrimизга йўллаймиз. Лекин аксар ҳолларда бундай бўлмайди, одамлар ҳаддан зиёд ўзи билан ўзи овора бўлганидан, ўзларининг ўй-хаёлларига ўралашиб қолганидан, бошқаларга эътибор қаратмайдилар ва бир-бирини тушуна олмайдилар. Бир-бирини тушуна олмаслик ва алоқа-муносабатга кириша олмасликнинг яна бир сабаби бор: одамлар ҳали новербал сигналларни ўқишини ўргангандари йўқ. Новербал белгиларни ўқий билиш – бу бутун бошли бир фан, уни умр даво-

мида ўрганиб бориш лозим. Чунки ҳар бир инсоннинг имо-ишоралари, мимикаси, тана ҳолати ўзига хос. Ушбу китобда биз олимлар жумбогини еча олган сигналлар, биз ўз ҳис-туйғуларимизни, ўй-фикрларимизни ифодалаш учун ишлатадиган универсал белгилар ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қылдик. «Кадр ортида» яна қанчаси қолиб кетди? Буни санаб чиқишининг иложи йўқ. Ҳар қанча хоҳлаган тақдиримизда ҳам, сиз ва биз ўртамиздаги новербал мулоқотнинг барча икир-чикирлари ва тафсилотларини қамраб ололмаган бўлар эдик ва бу сифатсиз тадқиқот натижаларига олиб келиши мумкин эди. Ахир фазони қучиб бўлмайди. Новербал сигналлар шу қадар кўпки, уларни бир китобга жамлаб бўлмайди. Бунинг учун новербал сигналлар лугатлари, энциклопедиясини тузиш лозим бўладики, бундай энциклопедия қамрови изоҳли лугатларнинг энг тўқис, мукаммаларидан ҳам қолишмайдиган бўлиши, ҳатто улардан ўтиб кетиши мумкин.

Шунга қарамай, ушбу мўъжаз рисолани ўқиб, сиз атрофдагилар билан алоқа-муносабатга киришишда ёрдам берадиган, қаршингизда қандай инсон турганини тушунишда асқотадиган қимматли билимлар соҳибига айландингиз. Сиз инсонни худди очик китобни ўқигандай ўқийсиз, нафақат унинг сўзларини, балки унинг яширин, маҳфий, пинҳоний ўй-хаёлларини тушунишни ўрганасиз.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб	
Инсон хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари руҳий ҳолатларни ифодалайди	5
II боб	
Ёлғончини новербал сигналлардан қандай аниқлаш мумкин?	52
III боб	
Қаршингиздаги инсон ким: раҳбарми ёки бўйсунувчи ходимми?	65
IV боб	
Ёқимилилик (хушрўйлик)нинг новербал сигналлари	76
V боб	
Новербал тил билимларидан амалиётда қандай фойдаланиш мумкин?	96
VI боб	
Жим турган инсон ҳақида нималарни билиб олиш мумкин?	110
Хулоса	141

Оммабоп нашр

ИМО-ИШОРАЛАР СИРИ

Мұхаррір
Мағұра ҚУТЛИЕВА

Бадиий мұхаррір
Үйгүн СОЛИХОВ

Мусаххих
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10.да берилған.

Босиши 2016 йил 10.05.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 9,0. Шартлы босма табоги 15,12.

Гарнитура «Linotype». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 106.

Баҳоси келишилған нархда.

«Яңги аср авлоди» НММда тайёрланды.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147–00–14; 129–09–72;

Маркетинг бўлими – 128–78–43; 397–10–87; факс – 273–00–14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru